

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ**  
**ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ**  
**ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ**  
**МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**КИМЁВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ**

йўналиши

**“КОМПОЗИЦИОН МАТЕРИАЛЛАРНИНГ**  
**ИННОВАЦИОН**  
**ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”**

модули бўйича

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент - 2017**

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2017 йил 18 августдаги 4-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур  
асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** **З.А.Бабаханова** - Тошкент кимё-технология институти,  
“Силикат материаллар, нодир ва камёб  
металлар технологияси” кафедраси доценти, т.ф.н.;

**Б.Р.Рузибаев** - Тошкент кимё-технология институти,  
“Силикат материаллар, нодир ва камёб  
металлар технологияси” кафедраси доценти, т.ф.н.;

**Р.А.Хабибуллаев** - Тошкент кимё-технология институти,  
“Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси” кафедраси  
доценти, т.ф.н.

**Чет эл эксперти:** **Enrico Bernardo** – Падуя Университети, “Индустриал  
инженерия” факультети профессори

*Ўқув -услугий мажмуа Тошкент кимё-технология институти Кенгашининг  
2017 йил 4 июлдагидаги 17-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*



UNIVERSITÀ  
DEGLI STUDI  
DI PADOVA

DIPARTIMENTO DI INGEGNERIA INDUSTRIALE

Prof Enrico Bernardo  
Advanced Ceramics and  
Glasses group  
Via Marzolo, 9  
35131 Padova

tel. +39 049 8275510  
fax +39 049 8275505  
enrico.bernardo@unipd.it

CF 80006480281  
P.IVA 00742430283

Administrative Office  
via Gradenigo 6/a  
35131 Padova  
www.dii.unipd.it

tel. +39 049 8277500  
fax +39 049 8277599  
segreteria@dii.unipd.it

Padova, May 4<sup>th</sup>, 2016

**To whom it may concern**

*Expert Review on the Education Module "Innovative Technology of Composite Materials",  
prepared for the "Chemical technology" specialization on teachers retraining and educational courses*

Based on the proposed program, the Module "Innovative Technology of Composite Materials" is effectively devoted to the study of modern technologies in the production of composites. The module studies materials for matrices and fillers, with their properties and applications. Also the production technologies for polymer-matrix, ceramic-matrix and metal-matrix composites are included. Interestingly, I note that a special attention is paid to carbon-carbon composites and non-traditional composite materials such as Self-Reinforced composites, Biocomposites and Composites for Structural Design.

Based on the information from colleagues, the Module consists of a theoretical part and practical tasks, includes the case studies for self-study programs, the glossary and the list of references. I agree on the fact that the preparation of a glossary, containing reviews in both Uzbek and English languages, will enhance the assimilation of the program.

I think that the module "Innovative Technology of Composite Materials" can be used for educational purposes on teachers retraining and educational courses.

Yours sincerely,

Enrico Bernardo, PhD  
Associate Professor  
Università degli Studi di Padova  
Dipartimento di Ingegneria Industriale  
Edificio Ex Fisica Tecnica  
Via Marzolo, 9  
35131 Padova, Italy  
phone +39 049 8275510  
fax +39 049 8275505  
e-mail [enrico.bernardo@unipd.it](mailto:enrico.bernardo@unipd.it)  
web <http://www.dii.unipd.it/bernardo>

## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>5</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>11</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>23</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>83</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	<b>105</b>
<b>VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....</b>	<b>111</b>
<b>VII. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>113</b>
<b>VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>120</b>
<b>IX. ИЛОВАЛАР .....</b>	<b>121</b>

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## Кириш

Дастур ривожланган мамлакатлардаги хорижий тажрибалар асосида “Кимёвий технология” қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастур мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг билимини ва касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади. Дастур мазмуни композицион материаллар инновацион технологиялари соҳасида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва технологик жараёнларни ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Ушбу дастурда композицион материалларнинг инновацион технологиялари, композицион материаллар турлари ва уларнинг ишлаб чиқариш технологиялари, композитларнинг таркиби, структураси, макро ва микромеханикаси, композитлар билан дизайн қилиш усуллари, анъанавий ва ноанъанавий композитлар турлари, нанокompозитлар, биокompозитлар ва уларни ишлаб чиқаришдаги муаммолар баён этилган.

## Модулнинг мақсади ва вазифалари

Кимёвий технология қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишини “Кимёвий технология” мутахассислиги ўқув режасида махсус модуллар блокига киритилган “Композицион материалларнинг инновацион технологиялари” модули ўқув дастурининг **мақсади** – полимер, металл, керамик-матрицали композитлар ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар; нанокompозитлар, биокompозитлар, ламинатлар турлари, материалларда керакли структура ва хоссаларни таъминлашда композицион материалларнинг ўрни ва моҳияти, асосий асбоб ускуналари тўғрисида назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

“Композицион материалларнинг инновацион технологиялари” модулининг **вазифаси** - композицион материаллар ишлаб чиқаришда инновацион технологияларининг амалий принциплари, композицион материалларни заррача, тола ва структура даражасида мустаҳкамлаштириш; шиша, органик, карбон, керамик тола ва симлар; матрица материаллар;

композицион материалларнинг структура тузилишлари ва хоссаларини, замонавий композицион материалларни ишлаб чиқаришдаги ускуна ва жиҳозларнинг таснифи, тузилиши, худудий муаммоларнинг композицион материаллар ишлаб чиқаришга таъсири, уларни амалиётга қўллаш бўйича малакавий кўникмаларини шакллантириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Композицион материалларнинг инновацион технологиялари” модули бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- композицион материаллар таснифи ва турлари;
- заррачалар, толалар ва структура даражасида мустаҳкамлаштириш;
- матрица полимер, металл, керамика материаллари;
- полимер, металл, керамик-матрицали композитларни олиш жараёнлари;
- нанокompозитлар, биокompозитлар, ламинатлар инновацион технологиялари ҳақида **билимларга эга бўлиши лозим.**

#### **Тингловчи:**

- йўналтирилган хусусиятли композицион материал ишлаб чиқаришда матрица материални танлаш;
- полимер, металл, керамик-матрицали композитларнинг таркибларини тузиш;
- зарур сифатдаги композицион материаллар ишлаб чиқариш учун тадбиқ қилинаётган инновацион технологияларнинг режимларини ростлаш **кўникма ва малакаларини эгаллаши зарур.**

#### **Тингловчи:**

- замонавий инновацион технологияларнинг имкониятларини намоён қилиш тамойилларини ажратиб кўрсата олиш;
- технологик операцияларнинг инновацион технология жараёнларидаги ўрнини ва уларнинг характеристикаларини фарқлаш;
- керакли хусусиятларга эга бўлган композицион материал таркибини тузиш ва унинг физик-механик хоссаларини лойиҳалаштириш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Композицион материалларнинг инновацион технологиялари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, тарқатма материаллар, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ақлий хужум, кейслар ечиш, ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

### **Модулни ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Композицион материалларнинг инновацион технологиялари” модули қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишини “Кимёвий технология” мутахассислигидаги “Кимё саноатидаги инновацион технологиялар” ва “Кимё саноатидаги наноматериаллар” модуллари билан узлуксиз боғлиқ бўлиб, ушбу модулларни ўзлаштиришда амалий ёрдам беради. «Композицион материалларнинг инновацион технологиялари» модулини тўлиқ ўзлаштиришда ва амалий вазифаларни бажаришда “Муҳандислик технологиясида тизимли таҳлил асослари (кимёвий технология)”, “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш”, ҳамда “Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари” модуллари ёрдам беради.

### **Модулни олий таълимдаги ўрни**

“Композицион материалларнинг инновацион технологиялари” модули қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишини “Кимёвий технология” мутахассислиги бўйича умумкасбий ва ихтисослик фанлари модулларидан дарс берувчи профессор ўқитувчилар учун муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу модул Олий таълим муассасаларида таълим берувчи педагоглар томонидан ўқув-илмий ишларни олиб бориш учун асосий назарий ва амалий билимларни беради.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклариси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юклариси			Мустақил таълим
			жумладан,			
			Жами	назай	амалий машғулот	
1.	Композицион материаллар тузилиши. Матрицали ва дисперс фаза. Заррачалар, толалар ва структура даражасида мустаҳкамлаштириш. Шиша, органик, карбон, керамик тола, симлар. Матрица материаллари: полимерлар, металлар, керамика материаллари.	6	4	2	2	2
2.	Полимер матрицали композитларни олиш жараёнлари. Елимланган ёғоч материаллари. Ламинатлар.	4	4	2	2	
3.	Металл матрицали полимерлар турлари ва олиш жараёнлари. Композитлар микромеханикаси ва макромеханикаси.	4	4	2	2	
4.	Керамик матрицали композитларни олиш усуллари. Углерод-углеродли композитлар. Композитлар билан дизайн. Ноанъанавий композитлар. Нанокompозитлар. Биокompозитлар.	6	6	2	4	
<b>Жами:</b>		<b>20</b>	<b>18</b>	<b>8</b>	<b>10</b>	<b>2</b>

### НАЗАРИЙ МАШЎУЛОТЛАР МАЗМУНИ

#### 1-мавзу: Композицион материаллар тузилиши. Матрицали ва дисперс фаза.

Композицион материаллар тушунчаси. Композицион материаллар тузилиши. Матрицали ва дисперс фаза. Заррачалар, толалар ва структура даражасида мустаҳкамлаштириш. Шиша, органик, карбон, керамик тола,

симлар. Матрица материаллари. Полимерлар, металлар, керамика материаллари.

## **2-мавзу: Полимер матрицали композитларни олиш жараёнлари.**

Нометалл матрицали материаллар. Полимер матрицалар: Термопластлар ва реактопластлар. Полимер матрицали композитларни олиш жараёнлари. Елимланган ёғоч материаллари. Ламинатлар.

## **3-мавзу: Металл матрицали полимерлар турлари ва олиш жараёнлари.**

Металл матрицалар. Металл матрицали композитларни турлари ва олиш жараёнлари. Композитлар микромеханикаси ва макромеханикаси.

## **4-мавзу: Керамик матрицали композитларни олиш усуллари. Углерод-углеродли композитлар. Композитлар билан дизайн. Ноанъанавий композитлар. Нанокомпозитлар. Биокомпозитлар.**

Керамик матрицалар. Керамик матрицали композитларни олиш усуллари. Углерод-углеродли композитлар. Композитлар билан дизайн. Ноанъанавий композитлар. Нанокомпозитлар. Биокомпозитлар. Гибрид композитлар.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот:**

**Композицион материаллар ишлаб чиқаришдаги мустаҳкамлаштирувчи компонентлар хоссаларини ўрганиш.**

Композицион материаллар ишлаб чиқаришдаги толалар хоссаларини ўрганиш. Композицион материаллар ишлаб чиқаришдаги дисперс мустаҳкамлаштирувчи компонентларнинг гранулометриқ таркиби ва хоссаларини ўрганиш.

### **2-амалий машғулот:**

**Матрица материаллари таркиби ва хоссаларини ўрганиш.**

Терморектив полимер материаллар таркиби ва асосий хоссаларини ўрганиш. Термопластик полимер материаллар таркиби ва асосий хоссаларини ўрганиш.

### **3-амалий машғулот:**

#### **Композицион материал таркибини тузиш ва хоссаларини лойиҳалаш.**

Полимер матрица асосида композицион материал таркибини тузиш, композицияни тайёрлаш усуллари ва қотириш жараёнини ўрганиш.

### **4-амалий машғулот:**

#### **Шишакомпозитлар ишлаб чиқариш технологиясини ўрганиш.**

Шишакомпозит “Триплекс” таркиби, асосий хоссалари ва қўлланилиш имкониятларини ўрганиш.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (ўрганилаётган муаммо ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (муаммолар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Баллар</b>
1	Кейс топшириқлари		1.5 балл
2	Мустақил иш топшириқлари	2.5	1 балл

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ


### «Ақлий ҳужум» (брейнсторминг) методи

**Методнинг мақсади:** амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш, ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш.

• Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қилади) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади. Ҳар бир гуруҳ ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

**Намуна:** Ҳар қандай полимер бирикмаларидан композитлар таркибини тузишда фойдаланилиш мумкин-ми?

**Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади. Ўқув гуруҳидаги ҳар бир тингловчи ушбу муаммога жавоб беради, ўз фикрини билдириб, далиллар келтиради.



#### **ХУЛОСА:**

- Композитларда полимерлар боғловчи сифатида қўлланилади. Полимерлар қиздирилганда боғловчилик хусусиятига эгадир, юқори ҳароратдаги табиатига кўра 2 турга бўлинади: термопластик ва термореактив полимерлар.
- Композитларда боғловчи матрицалар сифатида қаттиқ эпоксид, полиэфир, фенол смолалар қўлланилади.
- Полимер матрицалар юқори мустаҳкамлик ва эластик хоссалар; агрессив муҳитларга бардошлик; яхши антифрикцион ва фрикцион хоссалар, ҳамда юқори иссиқлик химоялаш ва амортизация хусусиятларини таъминлайди.
- Полимер матрицалар қотган ҳолатда етарли мустаҳкамликка эга ва захарли моддаларни кўп миқдорда чиқармайдиган бўлиши талаб этилади.

## “Венн диаграммаси” методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиладиган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштириладилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

### Намуна 1:

“Нол-ўлчамли мустаҳкамлаштириш компонентлари” ва “Бир-ўлчамли мустаҳкамлаштириш компонентлари” мавзуси бўйича “Венн диаграммаси”.


#### Умумий жиҳатлари:

1. Композитларда мустаҳкамлаштирувчи вазифасини бажаради.
2. Композитларнинг термик бардошлигини оширади.
3. Композитларнинг мустаҳкамлигини оширади.
4. Композитларнинг қаттиқлигини оширади.



## Намуна 2:

Елимланган материаллардаги адгезия ва когезия кучлари бўйича “Венн диаграммаси”.



### “КЕЙС – СТАДИ” методи

«Кейс-стади» инглизча сўз - (case – аниқ вазият, ҳодиса, study - ўқитиш). Бу метод аниқ вазият, ҳодисага асосланган ўқитиш методи ҳисобланади. Кейс- услуб (Case study) – бу реал иқтисодий ёки ижтимоий вазиятлар таърифини қўллайдиган таълим бериш техникасидир. Бунда *вазият* деганда бирон аниқ ҳодисанинг таърифи назарда тутилади. Гуруҳга ҳақиқий ахборот тақдим этилиб (у ҳақиқий ҳодисага асосланган ёки ўйлаб чиқилган бўлиши мумкин), муаммоларни муҳокама қилиш, вазиятни таҳлил этиш, муаммонинг моҳиятини ўрганиб чиқиш, уларнинг тахминий ечимларини таклиф қилиш ва бу ечимлар орасидан энг яхшисини танлаб олиш таклиф этилади.

«Кейс - стади» методи бўйича ишлаш:

1. Якка тартибда ишлаш (умумий вақтнинг 30% си):

Вазият билан танишиш (матн бўйича ёки сўзлаб бериш орқали). Муаммоларни аниқлаш. Ахборотни умумлаштириш. Ахборот таҳлили.

2. Гуруҳда ишлаш (умумий вақтнинг 50% си):

Муаммоларни ҳамда уларнинг долзарблиги бўйича кетма-кетлигини (иерархиясини) аниқлаш. Муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш. Ҳар бир ечимнинг афзал ва заиф жihatларини белгилаш. Муқобил ечимларни баҳолаш.

3. Якка тартибда ва гуруҳда ишлаш (умумий вақтнинг 20% си):

Муқобил вариантларни қўллаш имкониятларини асослаш. Ҳисобот ҳамда натижалар тақдимотини тайёрлаш.

Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

## “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гуруҳда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

**Кейс 1.** «Кевлар» толалари билан мустаҳкамлаштирилган полимер – матрицали композитлар юқори эластиклик модулига эга, шунинг учун улар дунё бўйича қуролли кучларни ҳимоялаш воситаларида кенг қўлланилади (бронежилетлар тайёрлашда). Аммо бундай композитларнинг термик бардошлиги паст кўрсаткичларга эга.

Композитларнинг термик бардошлигини қандай ошириш мумкин?

### Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгилаш(индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Янги термик бардош ва юқори эластик модулига эга бўлган композитнинг таркибини тақлиф этиш (жуфтликлардаги иш).

**Кейс 2.**ДСП, фанера, МДФ, ДСтП материаллари ёғочсозликда мебель ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Бироқ, улар Ўзбекистонга асосан четдан келтирилади. Ўзбекистонда елимланган ёғоч материаллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун имкониятларни изланг.

#### Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг, зарур билимлар рўйхатини тузинг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Ёғоч хом ашёсини тўплаш бўйича бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликда ишлаш).
- Елимланган ёғоч материаллар бозори истеъмолчиларини изланг.
- Бажарилган ишларни тақдимот қилинг.

#### Кейс 3

Турли ёғочлардан олинган елимланган материаллар турлича физик-механик хоссаларни намоён қилади. Ўзбекистон шароитида қайси елимланган ёғоч материални ишлаб чиқариш ҳар тарафлама фойдали?

#### Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

• Елимланган материалларнинг структурасини ўрганиб чиқинг (якка тартибда).

• Уларда қўлланиладиган елимларни гуруҳларга ажратинг (жуфтликда).

• Мебель ва дугадгорлик буюмларининг конструктив элементларини ўрганинг (гуруҳда).

• Ишлаб чиқариш мумкин бўлган энг самарали елимланган ёғоч материални танланг.

• Кейс натижаларини намоён қилинг.

## “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Композицион материал	Ишлаб чиқарилган, икки ёки кўпроқ физикавий ва кимёвий ҳар хил бўлган, матрица (интерфейс) ичида тартибли жойлашган фазалардан ташкил топган материал.	
Матрица, интерфейс	Композицион материалнинг бир бутунлигини таъминловчи боғловчи компонент	
Матрица материаллари	Металл, керамика, полимер материаллар	

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

## “SWOT-таҳлил” методи

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топиш, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолаш, мустақил, танқидий фикрлаш, ностандарт тафаккурни шакллантириш.



**Намуна 1:** Толали мустаҳкамлаштириш компонентлари учун SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

<b>S</b>	Толали мустаҳкамлаштириш компонентларининг кучли томонлари	Мустаҳкамлиги энг юқори кўрсаткичларга эга композитларни имкониятлари...
<b>W</b>	Толали мустаҳкамлаштириш компонентларининг кучсиз томонлари	Толали мустаҳкамлаштирилган композитларнинг анизотроплиги
<b>O</b>	Толали мустаҳкамлаштириш компонентларининг имкониятлари (ички)	Янги турдаги юқори хусусиятли толалар яратилмоқда – бор толалари, углерод толалари...
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташқи)	Толали компонентлар матрица материаллари билан ҳўлланилиши ва араллиши қийинлиги...

**Намуна 2:** Ёғоч-елим адгезияси учун SWOT таҳлилини амалга оширинг.

<b>S</b>	Кучли томонлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ёғоч юзасига елим текис тақсимланади;</li> <li>• елим ёғоч юзасига пуркаш, ролик билан суркаш, шпател билан суркаш, қуйиш каби турли усуллар билан берилиши мумкин;</li> <li>• очик ва ёпиқ ҳолатларда қотиши мумкин;</li> <li>• ион боғланишлар энг кучли боғланиш ҳисобланади.</li> </ul>
<b>W</b>	Кучсиз томонлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>• очик ҳолатда қотганда эритувчини чиқариб юбориш керак;</li> <li>• елим ва ёғоч ўртасида мослашувчанлик бўлиши лозим;</li> <li>• дисперс боғланишлар энг кучсиз боғланиш ҳисобланади.</li> </ul>
<b>O</b>	Имкониятлари (ички)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ёғоч структурасига боғлиқ;</li> <li>• кимёвий боғлар ҳам, механик боғлар ҳам яхши адгезия бериши мумкин;</li> <li>• дисперсион, икки қутбли ва водород боғлари узилса намлик таъсирида қайта тикланиши мумкин.</li> </ul>
<b>T</b>	Тўсиқлар (ташқи)	<ul style="list-style-type: none"> <li>• ковалент боғлар узилса қайта тикланмайди;</li> <li>• дисперсия кучлар молекулалар орасида бўлганда жуда суст бўлади, атомлар орасида бўлганда эса жуда кучли ҳисобланади.</li> </ul>

## “Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айтилган пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратди. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

### Методни амалга ошириш тартиби:



тренинг-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари тўширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрафлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади:



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

### Намуна 1:

Композицион материаллар					
Полимер матрицали		Металл матрицали		Керамик матрицали	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
<b>Хулоса:</b>					

## Намуна 2:

Алтернатив ёқилғи турлари					
Фанера		MDF		OSB	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
<b>Хулоса:</b>					

### «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустақамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

## Намуна 1.

**Фикр:** “Полимер матрицали композитлар энг юқори физик-механик ва кимёвий хоссаларга эгадир”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

**Намуна 2:** “Елимланган материалда елим ва ёғочнинг бир-бирига мослашувчанлиги катта аҳамиятга эга” фикрини ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

Ф	• “Елимланган материалда елим ва ёғочнинг бир-бирига мослашувчанлиги катта аҳамиятга эга”.
С	• “Елим ва ёғоч бир бирига адгезияси юқори бўлса, елим ёғочга мос бўлади”.
М	• “Карбамид-формальдегид елимларининг ёғочга адгезияси юқори бўлади, чунки уларда метилол гуруҳлари ва ёғочдаги гидроксил гуруҳлари билан кучли боғлар ҳосил бўлади”.
У	• “Карбамид-формальдегид елимлари асосидаги елимланган ёғоч материалларида метилол гуруҳлари ва ёғочдаги гидроксил гуруҳлари билан кучли боғлар ҳосил қилиши сабабли адгезия юқори бўлади”.

## “Синквейн” методи

“Синквейн” – тингловчини ижодий фаоллаштиришга, фаолиятни баҳолашига йўналтирилган таълим машқи ҳисобланади. Синквейн-французча сўздан олинган бўлиб, бешлик деган маънони билдиради. “Синквейн” методини амалга ошириш босқичлари:

1. Ўқитувчи тингловчиларга мавзуга оид тушунча, жараён ёки ҳодиса номини беради.
2. Тингловчилардан улар ҳақидаги фикрларини қисқа кўринишда ифодалашлари сўралади. Яъни, шеърга ўхшатиб 5 қатор маълумотлар ёзишлари керак бўлади.

У қуйидага қоидага асосан тузилиши керак:

- 1-қаторда мавзу бир сўз билан (одатда от билан) ифодаланади.
- 2-қаторда мавзуга жуда мос келадиган иккита сифат берилади.
- 3-қаторда мавзу 3та ҳаракатни билдирувчи феъл билан фойдаланилади.
- 4-қаторда темага доир муҳокама этувчиларнинг ҳиссиётини ифодаловчи жумла тузилади. У тўрт сўздан иборат бўлади.
- 5-қаторда мавзуни моҳиятини ифодаловчи битта сўз берилади. У мавзунинг синоними бўлади.

**Намуна.** “Матрица” сўзига синквейн тузинг.

1. Матрица.
2. Боғловчилик хусусияти.
3. Хажм бўйича тенг тақсимланган.
4. Композитнинг бир жинслилигини таъминлайдиган керамик, полимер ёки металл материал.
5. Компонент.

### **“Кластер” методи**

Фикрларнинг тармоқланиши “Кластер” – бу педагогик стратегия бўлиб, у тингловчиларни бирон бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, тингловчиларни мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очик равишда кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашларига ўргатади.

Фикрларни тармоқлаш қуйидагича ташкил этилади:

1. Ҳаёлга келган ҳар қандай фикр бир сўз билан ифода этиб кетма-кет ёзилади.

2. Фикрлар тугамагунча ёзишда давом этавериш керак.

3. Иложи борича фикрларнинг кетма-кетлиги ва ўзаро боғлиқлигини кўпайтириш.

**Намуна.** “Композицион материаллар турлари” мавзусига “Кластер” график органиайзерини тузинг.

### **“Ассесмент” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг ёки катнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

**Намуна 1.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 0,5 балл (тест, қиёсий таҳлил, тушунча таҳлили учун) ёки 1 баллгача (амалий кўникма, кейс учун) баҳоланиши мумкин.



### Тест

**Икки ўлчамли тўлдирувчилар**

- а) Майда заррачали кўшимчалар
- б) Ленталар, матолар, матлар, тўрсимон элементлар
- в) Бир ўлчамли кўшимчалар
- г) Майда заррачали кум, металллар, фосфатлар



### Қиёсий таҳлил

Дисперс мустаҳкамлаштирилган ва толали мустаҳкамлаштирилоган композитларни таққосланг.



### Тушунча таҳлили

Никель ва алюминий асосида тайёрланган композитлар -



### Амалий кўникма, кейс

Дисперс фаза кўрсаткичларини келтиринг ва уларнинг аниқлаш усулларини ифодалаб беринг.

**Намуна 2.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 0,5 балл (тест, қиёсий таҳлил, тушунча таҳлили учун) ёки 1 баллгача (амалий кўникма, кейс учун) баҳоланиши мумкин.



### Тест

Карбамид-формальдегид елимларининг ёғочга адгезияси юқорими?

- А) ҳа
- Б) йўқ
- С) ҳар доим эмас



### Қиёсий таҳлил

Қутбли ва ион боғланишларни ўзаро таққосланг.



### 2. Тушунча таҳлили

Ион боғланиш бу – ...



### Амалий кўникма

Ван Дер Вальс кучларини ёғоч-елим композициясида қандай ҳолатларда ҳосил бўлишини асослаб беринг.

## III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

**1-мавзу: Композицион материаллар тузилиши. Матрицали ва дисперс фаза. Заррачалар, толалар ва структура даражасида мустаҳкамлаштириш. Шиша, органик, карбон, керамик тола, симлар. Матрица материаллари: полимерлар, металлар, керамика материаллари.**

### Режа:

- 1.1. Композицион материаллар тушунчаси.
- 1.2. Композицион материаллар тузилиши.
- 1.3. Матрицали ва дисперс фаза. Заррачалар, толалар ва структура даражасида мустаҳкамлаштириш.
- 1.4. Шиша, органик, карбон, керамик тола, симлар.
- 1.5. Матрица материаллари. Полимерлар, металлар, керамика материаллари.

**Таянч иборалар:** композицион, матрица, интерфейс, мустаҳкамлаштириш (армировка), тўлдиргич, дисперс, қатламли, тола, ип, ровинг, мат, шиша, керамик тола, металл матрица, органик, графит, углерод тола, дисперс-мустаҳкамлаштирилган, толали композитлар, қатламли композитлар, композитлар, матрица, термопласт, терморектив полимер, эпоксид смола, фенол, полиэфир, винил эфир, алюминий, никель, қотишмалар, шишакерамика, кристаллизация катализатори, керамика.

### 1.1. Композицион материаллар тушунчаси.

Конструкцион материалларнинг механик мустаҳкамлигини ошириш – машинасозликда энг долзарб муаммо бўлиб қомакда. Аммо материалларнинг мустаҳкамлиги ошиши уларнинг пластиклигини кескин пасайишига ва синишга мойиллигини оширишга олиб келмакда. Бу эса юкори мустаҳкамликга эга бўлган материалларнинг конструкцион материал сифатида кўлланилишига тўсқинлик қилиб келмакда.

Пластикликга эга матрица ва юкори мустаҳкамликга эга бўлган толалар (матрицадан мустаҳкамлиги анча юкорироқ бўлган материаллар) асосида олинган композицитлар конструкцион материалларнинг эксплуатацион хоссаларини кескин кенгайтириб бормакда. Албатта, энг замонавий турбиналар ёки космик техникаси конструкциясини ушбу агрессив муҳитда ишлай оладиган ва юкори даражали нагрузкаларни кўтара оладиган материалларсиз хозирда тасаввур этиб бўлмаиди.


Композицион материаллар чукур тарихга эга ва табиатда кенг учрайди. Мисол тариқасида кокос пальмасининг баргларини келтиришимиз мумкин: барг тузилиши армировка – мустаҳкамлаштирувчи толалар жойлашган

консоль деб тушунтирилса ҳам бўлади. Ёғоч ҳам ўз навбатида толали композитдир: целлюлоза толалари лигнин матрицасида жойлашган. Целлюлоза толалари чўзилиш бўйича юқори мустаҳкамликга эга ва юқори даражада эгилувчанликга ҳам эга (қаттиқлиги паст), лигнин матрицаси эса ўз навбатида ушбу толаларни бирлаштириб, материалга қаттиқлик беради. Суяк – табиий композицион материалга яна бир намуна бўла олади. Суяк бутун танадаги жисмларнинг оғирлигини кўтаради. Суяк қисқа ва юмшоқ коллаген толаларида иборат бўлиб, улар апатит номли минерал матрицада жойлашган бўлади. Вайнер ва Вагнерлар (1998) суякнинг структурасини ва хоссаларини яхши ўрганган. Элисс (2000) ва Уэйнрайтлар эса (1982) структура-функция ва унинг ўсимлик ва ҳайвонот оламида тарқалиши хақида ўз ишларини тақдим этганлар. Табиий композитлардан ташқари композициялар концепцияси жуда кўп техник материаллар яратишда ҳам кенг қўлланилиб келган.

Масалан, каучукдаги сажа, портланцементнинг ёки асфальтнинг қум билан қоришмалари (бетон ёки асфальт бетон) ушбу материалларга мисол бўла олади. Шундай қилиб таъкидлаш керак-ки, композицион материаллар концепцияси янги деб қабул қилина олмайди. Аммо композицион материалларнинг технологияси охириги замонда кенг ривожланиб, фаннинг инновацион йўналишларидан бири деб хисобланиши керак.

XX асрнинг охирига ва XXI асрнинг бошларига тўғри келган композицион материалларнинг инновацион технологиялари фанининг ривожланиши ва инновацион ғоялари машинасозлик, авиа-, космик-техникаси, атом энергетикаси, электроника материаллари, компьютерлар ва бошқа соҳаларни ривожланишига олиб келди.

**Композицион материаллар** – турли хоссаларга эга бўлган компонентлардан ташкил этган мураккаб системалардир. Бир бутунлик ҳамда мутаҳкамликни таъминловчи эластик ва қаттиқ фазалар аралашмасидан топган материал композицион материал деб аталади. Бунда ҳар бир компонент алоҳида композицион материалнинг ҳамма хосса-хусусиятларига тўлиқ жавоб бера олмайди. Оптимал шароитларга жавоб берадиган компонентларни тўплаб талабга тўғри келадиган композицион материални яратиш мумкин



Бу композицион материалларнинг энг кучли томонларидан биридир: керакли хосса хусусиятлари таъминлаш мақсадида турли компонентларни танлаш имконияти мавжуд бўлиб, ҳар бир эксплуатация шароитлари (аэрокосмик структуралар, лодкалар, автомобил ёки электр двигатели учун) учун максимал эффективликга эга бўлган махсус материал яратиш имкониятини мавжуд.

Счиер ва Юргенс (1983) композитларни реактив самолетларида қўлланилиши ўрганиб, шундай хулоса қиладилар:

"Композитлар (композицион материаллар) лойиҳалаш учун кенг имкониятлар туғдирди, материаллар дизайнерлари ҳар бир йўналиш учун


уларнинг оғирлигини ва нархини эътиборга олган ҳолда турли хоссаларга эга бўлган янги материалларни яратга катта ва чексиз имкониятлар берди”.

Охириги йилларда металл ва нометаллар асосида юқори мустаҳкамлик ва қаттиқликга эга бўлган ноорганик толалар, ипсимон крситаллар, ноорганик заррачалар билан армировка (мустаҳкамлаштирилган) қилинган сунъий композитлар қаторлари яратилди.

Толалар сифатида турли кристалларнинг ипсимон шакллари,  $\text{SiO}_2$ ,  $\text{SiC}$ ,  $\text{Al}_2\text{O}_3$  таркибли йўналтирилган кристаллизация ёки пардан юпка симга чўктириш усуллари ёрдамида ҳосил қилинган юпка кварц толалали, қўлланилмоқда.

Ҳамма сунъий композицион материалларнинг умумий структураси турли компонентларнинг бир ҳажмда жойлашиши билан боғлиқ, бу ерда бир компонент пластикликга эга (боғловчи), бошқа компонент эса юқори мустаҳкамлик ва қаттиқликга эга (тўлдиргич) бўлиши шартлидир.

Композицион материаллар ривожланиши 1965 йилдан бошлаб кескин қадамлар билан бошланди. 1960-чи йиллардан бошлаб юқори мустаҳкамликга, қаттиқликга эга бўлган ва енгил материалларга турли соҳаларда эҳтиёж ўсиб борди – аэрокосмик техникада, энергетикада ва қурилишда. Шу вақтда бу материалларга қўйилган янги талаблар шунчалик юқори ва турли бўлганлиги муносабати билан ҳеч қандай анъанавий материал бу талабларга тўлиқ жавоб бера олмади. Ва ўз навбатида бу шароитлар композицион материалларнинг концепциясига катта эътиборни қаратди.



Расм 1.1. Анъанавий монолит материалларнинг ва композицион материалларнинг хоссаларини солиштириш (оғирлиги, термик кенгайиши, қаттиқлиги, механик мустаҳкамлиги, вақтга бардошлиги)<sup>1</sup>

Расм 1.1 да монолит материаллар (алюминий ва пўлат) ва композицион материалларнинг хоссалари солиштирилган (Deutsch 1978). Бу расмдан кўришиб турибдики, композицион материалларни қўллаш натижасида конструкцияларнинг оғирлигини, термик кенгайишини кескин камайтириш (4-10 маротабага), шу вақтнинг ўзида қаттиқлик ва механик мустаҳкамлик, вақтга бардошлик кўрсаткичларини кескин (2-3 маротабага) ошириш мумкин.


<sup>1</sup> Krishan K. Chawla. Composite Materials. Science and Engineering. Third Edition. Springer Science, New York-London, 2012.- 4 p.

Композицион материаллар технологиясини ривожланиши яна бир тамойил билан боғлиқдир - илм ва фан ривожланиб, ишлаб чиқариш ва лойиҳалаш ишлари билан бир вақтда олиб борилди. Янги материал яратилишидан бошлаб уни эксплуатацияга киритишгача олиб бориш, ишлаш вақтида унинг хосса хусусиятлари назорат қилиш, ишлаб чиқариш нуқсонларини текшириш натижасида композицион материалларнинг хоссалари кескин ривожланиб борди. Бу борада ёқилгини тежашга ҳам катта эътибор қаратилди. Шунинг учун ҳаёт ва ишлаб чиқаришни ҳамма соҳаларида енгил, аммо мустаҳкам ва қаттиқ структураларга талаб ва эҳтиёж тобора ўсиб борди. Замон талабларига ва прогрессив технологияларнинг ривожланишига энг асосий туртки бўлиб композицион материалларнинг ривожланишини келтиришимиз мумкин.

Шиша толалар билан мустаҳкамлаштирилган смолалар йигирманчи асрнинг бошларидан қўлланилиб келмоқда. Шиша толалар асосида олинган композитлар енгил ва мустаҳкамликга эга бўлиб, қаттиқлиги (Юнг модули) унчалик юқори эмаслиги билан ажралиб туради. XX асрнинг охирида янги “замонавий (такмиллаштирилган) толалар кашф этилди: бор, углерод, кремний карбиди ва алюминий оксиди (Чаула 1998, 2005) асосида олинган бундай толаларнинг Юнг модули (модуль упругости) юқори кўрсаткичларга эгаллиги аниқланди. Бу толалар смола, металл ва керамик матрицаларда армировка компонентлари сифатида ҳозирги вақтда кенг қўлланиб келмоқда.

#### **Композицион материаллар қўйидаги шартларга жавоб бериши керак:**

1. Материал ишлаб чиқарилиши керак (табиий композицион материаллар – масалан, ёғоч бу гуруҳга кирмайди).
2. Материал икки ёки кўпроқ физикавий ва кимёвий ҳар хил бўлган, матрица (интерфейс) ичида тартибли жойлашган фазалардан ташкил топган бўлиши керак.
3. Композитнинг хосса-хусусиятлари ҳеч қайси унинг алоҳида компонентларида тўлиқ ҳажмда намоён бўла олмайди.



Толали мустаҳкамлаштирилган композитлар бошқа турдаги композитлардан кўра кенг қўлланилиши, кўпгина материалларнинг толали кўринишида энг юқори мустаҳкамликга эгаллиги билан боғлиқдир. Аммо толали композитларда мустаҳкамлаштириш асосан тола йўналишига параллел бўлади, демак ҳосил бўлган композит анизотроп хоссаларга эга бўлади. Агар композит ҳамма йўналишда бир хил хоссаларга эга бўлиши керак бўлса (изотроп модда), ламинат ёки икки турдаги материалдан ташкил топган сэндович панелларни танлаш мумкин. Баъзи вақтларда эса композитларда қўлланилган толалар мустаҳкамлигига катта эътибор берилмайди: масалан, юқори ўтказгичларда ўтказувчи матрица билан биргаликда ультра ингичка толалар қўлланилади.<sup>2</sup>

<sup>2</sup> Krishan K. Chawla. Composite Materials. Science and Engineering. Third Edition. Springer Science, New York-London, 2012.- 5 p.

## 1.2. Композицион материаллар тузилиши.

Композицион материалнинг бир бутунлигини таъминловчи компонент ташкил этувчига боғловчи компонент (**матрица, интерфейс**) деб аталади. Бошқа компонентлар (**армировка, мустаҳкамлаштириш, тўлдирувчи** ва ҳоказо) нинг шу матрицада жойлашиши маълум геометрик қонуниятга бўйсиниши ёки бўйсинмаслиги ҳам мумкин. Матрица қўшимчалар орасида махсус юпка қатлам бўлиб, у ажралиш юзасини белгилайди (1.5-расм). Композицион материалларни синфларга ажратишда матрица ёки арматура ва қўшимчаларнинг турига, микротузилиши хусусиятлари ва материални олиш усулига ҳам эътибор берилади.

Матрица материалнинг турига қараб, композицион материаллар куйидаги турларга бўлиниши мумкин: “металл матрицали”, органик бўлмаган (органик бўлмаган полимерлар, минераллар, углеродли, керамик), органик матрицали ва кўп матрицали аралаш композицион материаллар.

Боғловчи материалнинг вазифаси маҳсулотга маълум геометрик шакл бериб қолмасдан, балки у кучланишларни ҳажм бўйича бир хил тақсимланишини ҳам таъминлайди ва маълум механик хоссани шакллантиради, ҳамда арматура ёки қўшимчаларни ташқи муҳитдан сақлайди. Композицион материалнинг иссиқ ва коррозияга бардошлилик, электр ва иссиқликни сақлаш қобилияти, қайта ишлаш технологияси каби муҳим хоссалари боғловчининг хусусиятларига боғлиқ. Лекин армировка (мустаҳкамлаштириш) ва қўшимча элементларнинг турига қараб ҳамда уларнинг матрицада жойлашиши ва геометрик ўлчамларига қараб, композицион материалларнинг хоссалари ўзгаради. Масалан, композицион материалга қўшимчалар, яъни арматура элементлари (одатда, 10%дан кўпроқ миқдорда қўшилади) асосан, механик хоссаларни кучайтириш учун қўшилади. Бунда мустаҳкамлик, зичлик, пластиклик ортиб, материалнинг зичлиги, электр хоссалари, иссиқлик ўтказувчанлиги ва бошқа хусусиятлар маълум йўналишда ёки фақат алоҳида олинган жойлардагина ўзгаради.

Композицион материалларнинг энг муҳим хусусиятлари деформацияга мустаҳкамлигидир. Тўлдирувчилар сифатида қўлланиладиган элементлар одатда майда кукун ёки калта тола ҳолатда бўлади. Бундай қўшимчалар асосан материалнинг таннархини камайтиради. Лекин улар композицион материалнинг мустаҳкамлигини 1,5-2,0 баробар ошириши ҳам мумкин. Маълум миқдордаги (арматура) қўшимчалар материалнинг мустаҳкамлигини 2-10 баробарга оширади. Композицион материалларда тўлдирувчи ва қўшимча (арматура) материаллар биргаликда қатнашиши ҳамда уларнинг ўлчамлари ва жойлашиши ҳар хил бўлиши мумкин. Улчами уч йўналишда кичик бўлган қўшимчаларга кум, майда (кукун) дончаларга эга бўлган металллар, фосфатлар, шиша ва лойсимон микросфера шаклдаги материаллар киради (1.2-расм). Тўлдиргичнинг шакли бўйича улар 3 турга бўлинади (расм 1.2): нол-ўлчамли, бир-ўлчамли, икки ўлчамли. Бир ўлчамли қўшимчаларга толасимон тўлдирувчилар, арматура элементлари, калта толали табиий материаллар (масалан, асбест), ўсимлик материаллари, толасимон кристаллар


(оксидлар, алюминий нитрид, бериллий оксиди, бор карбиди, кремний нитриди), узун толали ҳар хил органик бирикмалар ва ҳоказолар киради. Икки ўлчамли тўлдирувчиларга ленталар, матолар тўрсимон ва бошқа арматура элементларни келтириш мумкин.

Композицион материаллар хоссаларига қўшимча элементлар (тўлдирувчи) нинг таъсири жуда катта бўлганлиги учун кўпинча шу композицион материалнинг номи унинг тўлдирувчиси номи билан ҳам айтилади. Масалан, графитопластлар, шиша толали композициялар, органопластиклар ва хоказо.

Композицион материалларни макротузилиши бўйича ҳам фарқлаш мумкин (1-диаграмма). Юқорида таъкидлаганимиздак, матрицада тўлдирувчилар тартибсиз жойлашиши мумкин, лекин кўпинча уларнинг тартибли жойлашишига эришишга ҳаракат қилинади. Ҳар хил ўлчамга эга бўлган тўлдирувчи ва арматуралар биргаликда катнашганда уларнинг ўзаро тартибли жойлашиш имкониятлари кўп булади.

Композицион материалларнинг хоссалари ҳамма йўналишда бир хил булса, бундай материал хоссалари изотроп бўлади. Бундай материалларга кукун ҳолидаги қўшимчалари хаотик жойлашган композициялар киради. Материалларнинг турли йўналишлардаги хоссалари фарқ қилса, бундай композициялар анизотроп хоссаларга эга дейилади. Бундай композицияларда арматура сифатида толалар, пластинкалар, матолар, тўрлар маълум йўналишда жойлаштирилган бўлади.


Тўлдиргичнинг турига қараб композицион материаллар *дисперс-мустаҳкамлаштирилган, толали ва қатламли композитларга ажралади.*



Расм 1.2. Армировка тўлдиргичлар: а- ноль ўлчамли, б – бир ўлчамли; в- икки ўлчамли,  $l_1, l_2, l_3$  - тўлдиргич ўлчамлари;  $L$  – матрица қалинлиги.




Top photograph— iStockphoto. Bottom diagram courtesy of Black Diamond Equipment, Ltd.)



Расм 1.3. Тоғ чанғиси конструкциясида қўлланилган композитлар турлари.<sup>3</sup>

Тўлдиргичлар заррачаларини кўриниши бўйича тоғали ва дисперс турларига ажралади (порошоклар). Армировка тўлдиргичларнинг жойлашиши бўйича (расм 1.4-1.5) тоғали композицион материаллар 3 гуруҳга ажралади: бир ўқли, икки ўқли ва уч ўқли (фазовий) мустаҳкамлаштириш (армировка).


Бир ўқли мустаҳкамлаштиришда тўлдиргичнинг миқдори 1...5%ни, икки ўқли армировкада – 15...16%, уч ўқли армировкада –15%дан ортиқ бўлади. Қатламли композитларда тўлдиргич сифатида қоғоз, мато ёки асбестнинг текис листлари қўлланилиши мумкин.




<sup>3</sup> William D.Callister, Jr., David G.Rethwisch. Materials Science And Engineering. An Introduction. Eight Edition. USA, Wiley, 2010.- 626 p.

Материал хоссаларининг комплексини кенгайтириш ёки баъзи хоссасини кучайтириш мақсадида композит таркибида бир вақтни ўзида турли шаклдаги тўлдиргичлар ҳам қўлланилиши мумкин (бир ва икки ўлчамли), баъзи вақтларда бир шаклдаги аммо ҳар хил ўлчамдаги тўлдиргичлар қўлланилади.

Икки ва ундан кўп турдаги мустаҳкамлаштириш тўлдиргичлари қўлланилган композицион материаллар полиармировка қилинган деб аталади.



Расм 1.4. Армировка схемалари: а – бир ўқли; б – икки ўқли; в – уч ўқли.




Расм 1.5. Композитлар хоссаларига таъсир этувчи дисперс фаза заррачаларининг турли хил геометрик ва фазовий кўрсаткичлари: а – концентрация, б - ўлчамлар, с - шакл, d- шакл, е – заррачалар йўналиши (ориентацияси).<sup>4</sup>

Биз бу фан модулида қўйидаги композитлар турларини ва уларни ишлаб чиқариш технологияси ўрганиб чиқамиз:

<sup>4</sup> William D.Callister, Jr., David G.Rethwisch. Materials Science And Engineering. An Introduction. Eight Edition. USA, Wiley, 2010.- 629 p.

### 1-диаграмма. Композитлар турлари.




### 1.3. Матрицали ва дисперс фаза. Заррачалар, толалар ва структура даражасида мустаҳкамлаштириш.

Толали композицион материаллардан фарқли дисперс мустаҳкамлаштирилган композитларда матрица оғирлик ва мустаҳкамликни таъминловчи асосий элемент ҳисобланади. Дисперс заррачалар металлда дислокацияларнинг ҳаракатини секинлаштиради, оддий ва юқори ҳароратларда унинг мустаҳкамлигини оширади.

**Дисперс-мустаҳкамлаштирилган композицион материалларнинг энг асосий афзаллиги – унинг хоссаларини изотроплигидир.**

Дисперс заррачаларнинг улчамлари 0,01...0,1 мкм бўлганда улар материалнинг юқори мустаҳкамлигини таъминлайди. Заррачаларнинг миқдори уларнинг фазода жойланишига боғлиқ бўлиб, одатда хажм бўйича 5-10 %ни ташкил этади.



Мустаҳкамлаштириш компонентлари сифатида юқори ҳароратли ва кийин эрувчан фазалар– оксид, нитрид, борид, карбид ( $Al_2O_3$ ,  $SiO_2$ , BN, SiC ва б.)лар қўлланилади. Дисперс-мустаҳкамлаштирилган композицион материаллар асосан порошок металлургия усуллари ёки суюқ металл таркибига қуйиш олдидан тўлдиргичлар қўшиш усуллари ёрдамида ишлаб чиқарилади.

Энг кўп тарқалган дисперс-мустаҳкамлаштирилган композицион материаллар алюминий ва никель асосида тайёрланади.

**Алюминий асосида тайёрланган материаллар “пишган алюминий порошоги” (САП)** деб аталади ва алюминий, ҳамда  $Al_2O_3$  (18% гача) заррачаларидан иборат бўлади. САП материали (жадвал 1.1) юқори мустаҳкамликга эга бўлиб, оловбардошлиги, коррозион бардошлиги ва хоссаларнинг термик стабиллиги билан ажралиб туради. Алюминий оксиди миқдори ошиши билан материалнинг мустаҳкамлиги, қаттиқлиги, оловбардошлиги ошади ва пластиклиги камайиб боради.

САП иссиқ ҳолда яхши деформацияга мойил, совуқ ҳолда қийинроқ, қирқиш билан онсон ишлов берилади, контакт ва аргон-дуга сваркаси билан яхши ишлов берилади. САПдан листлар, профиллар, штамп формалари, фольга ишлаб чиқарилади.

САП дан поршень штоклари, компрессор лопаткалари, вентилятор ва турбиналарнинг парраклари, трансформатор обмоткалари тайёрланади.

Жадвал 1.1. САП композитларининг механик хоссалари.

Материал	Микдори Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> , %	σ <sub>B</sub> , МПа	σ <sub>0,2</sub> , МПа	δ, %
САП-1	6...8	300	220	7
САП-2	9...12	350	280	5
САП-3	13...17	400	320	3
САП-4	18...22	450	370	1,5

**Никель асосида тайёрланган композитларда** матрица сифатида никель ва унинг хром билан қотишмалари қўлланилади (хромнинг микдори - 20%гача). Мустаҳкамлаштириш компонентлари: торий ва гафний оксидлари. Максимал мустаҳкамлаштириш гафний оксидининг микдори 3,5...4% бўлганда намоён бўлади: σ<sub>B</sub> = 750...850 МПа, δ = 8...12%.

Никель асосидаги материаллар юқори оловбардошлик, юқори ҳароратларда структура бузилишига қаршилиги билан ажралиб туради. Аммо материалларнинг қўлланилиши фақат бу соҳалар билан чекланиб қолмайди. Уларнинг қўлланилиши двигателларни кучланиши, энергетик ва транспорт ускуналарини кучланишини кескин ошириб беради ва ускуна-жиҳозларнинг оғирлигини камайтириш имконини беради.

### 1.3. Шиша, органик, карбон, керамик тола, симлар.

Толали мустаҳкамлаштирилган композитлада тўлдиргичлар сифатида тоза элементлар ва юқори ҳароратли бирикмалар (В, С, Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub>, SiC ва б.) толалари ва ипсимон кристаллари қўлланилади, ҳамда металл ва қотишмалар симларидан (Мо, W, Ве, юқори мустаҳкам пўлатлар ва б.) фойдаланилади. Армировка учун диаметри бир неча микрондан юз микронгача диаметрли узлуксиз ва дискрет толалар қўлланилади.

Назарий ҳисобларга кўра, мустаҳкамлаштирувчи тола диаметри d қанчалик кичик бўлса, демак унинг узунлиги диаметрига кўра қанчалик катта бўлса, шунчалик материалда тартиблик даражаси юқори бўлади. Бу назарий ҳисоблар амалий жихатдан ҳам тасдиқланди.

Толали композицион материаллар мустаҳкамлиги асосан толанинг хоссаларига боғлиқ, матрица эса армировка элементлари орасида кучланишларни тарқатиш вазифасини бажаради.

Қаттиқ армировка толалари материалга тушган кучланишни ўзига олиб, композициянинг мустаҳкамлигини ва қаттиқлигини толалар йўналиши бўйича кучайтириб беради.

Матрица толаларга кучланишни тўлиқ ўтказиб бериш учун, армировка толаси-матрица орасида мустаҳкам боғланиш бўлиши шарт. Бу шартни

бажариш учун матрица толани тўлиқ қоплаши керак: материалда матрицани миқдори 15-20%дан юқори бўлиши керак.

Материал тайёрланишида ва эксплуатация шароитида матрица ва тола орасида ўзаро таъсирланиш бўлиши керак эмас (ўзаро диффузия таъкикланади), чунки бундай диффузия мустаҳкамликни пасайишига олиб келади. Матрица ва тола орасида фазалар адгезияси намоён бўлади. Матрица ва тўлдиргич чегарасидаги сирт таранглиги юқори бўлса, тола устига оралик қатлам ҳосил қилувчи махсус қоплама берилади.

Композицион материалда толалар ёриқлар тарқалиш тезлигини кескин камайтиради ва деярли бутунлай тўсатдан мўрт синишни бартараф этади. Бир ўқли композицион материалларда механик хусусиятларнинг тола йўналиши ва қарама-қарши йўналишлари бўйлаб анизотропияси намоён бўлади.

**Толали тўлдиргичлар турлари ва хоссалари.**

**Металл мустаҳкамлаштириш тўлдиргичлари:**

**Пўлат сими** (коррозион-бардош пўлат) – алюминийни армировка қилиш учун;

**Mo, W, Ta симлари**– оловбардош матрицаларни мустаҳкамлаштириш учун;

**Бериллий сими** – юқори солиштира мустаҳкамлик ва паст зичликга эга; алюминий, магний, титанни армировка қилиш учун қўлланилади.

**Толалар:**

**Бор толалари юқори** мустаҳкамлик, қаттиқлик, юқори ҳароратда бузилишга чидамлилиги билан ажралиб туради; бор толалари 70...200 мкм диаметрига эга; улар металл ва полимер матрицалани армировка қилиш учун қўлланилади; бор толалари вольфрам сими устига бор бирикмасини чўктириш усули билан олинади;

**Углерод толалари** – юқори мустаҳкамлик ва механик хоссаларни термик стабиллиги билан ҳарактерланади; улар инерт шароитда синтетик органик толаларни юқори ҳароратда ишлов бериш усули ёрдамида олинади (вискоза, полиакрилнитрит); дастлабки хом ашё турига қараб турли углерод толалар олиш мумкин: иплар, сим, мато, лента, войлок; алюминий ва магнийни армировка қилиш учун қўлланилади;

**Керамик толалар** - оксид, нитрид, карбидлар (кремний карбиди, алюминий оксиди) юқори қаттиқлик, мустаҳкамлик ва термик барқарорликга эга; алюминий ва магнийни армировка қилиш учун қўлланилади;

**Ипсимон кристаллар** - сапфир  $Al_2O_3$ , кремний карбиди титанни армировка қилиш учун қўлланилади;

**Шишатола** - мустаҳкамлик, термик бардошлик, диэлектрик хоссалар, паст иссиқлик ўтказувчанликга эга; шиша массасини махсус фильералар орқали тортиш усули ёрдамида олинади; иссиқлик изоляция материаллар, конструкцион материаллар ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Бир турдаги толалар билан армировка қилинган композицион материаллар толанинг номига қараб номланади.

**Карбоволокнитлар** – мустаҳкамлаштириш учун углерод толаси

қўлланилади. Мустаҳкамликни 2200 °Сгача ва паст ҳароратларда ҳам сақлайди. Улар сув ва кимёвий бардош. Мустаҳкамлиги -1000 МПа гача.

Карбоволокнитлар пароход- ва автомобилсозликда (спорт машиналар кузовлари, шассиси, пропеллерлар); подшипник, иссиқлик панеллари, ЭВМ қисмлари тайёрлашда қўлланилади.

**Шишаволокнитлар** – шиша толаларни ўз ичида тутган, композит тарқибда 80%гача бўлганда унинг мустаҳкамлиги 700МПа ни ташкил қилади, совуқга чидамли (-196 °С гача) ва иссиқга чидамли (400 °С гача); юқори юклашда яхши ишлайди; улар арзон ва дефицит бўлмаган ҳисобланади. Камчилиги: модуль Юнга кичиклиги (модуль упруғости).

Шишаволокнитлар юқори аниқликдаги арматурали деталларни олишда қўлланилади. **Шиша толаларнинг** ҳар хил турлари полимер матрицаларнинг мустаҳкамлаштиришда кенг қўлланилади.

Ҳозирги вақтда армировка компонентлар сифатида “Кенгайтирилган толалар (“Расширенные волокна” катта қизиқиш туғдирмоқда. Улар юқори мустаҳкамликга, юқори қаттиқликга ва кичик зичликга эга.

Кўпгина табиий толаларни юқори механик кучлашиларда эксплуатация қилинмайдиган композитларни тайёрлашда қўллаш мумкин (Чавла 1976; Чавла ва Бастос 1979). Уларнинг асосий афзаллиги – арзонлигидир. Табиий толалар- ўсимлик дунёсида кенг тарқалган: целлюлоза толалари – пахта, зигир, жут, каноп, сизал ва рами толалари текстил саноатида кенг қўлланилади, ёғоч ва сомон эса қурилиш ва саноатда.

**Арамид толалар** - 1960-чи йилларда кашф этилган, улар шишатолаларга қараганда қаттиқроқ ва енгилроқдир. Арамид толалари: Кевлар - Du Pont фирмасиники, Twaron - Teijin Aramid фирмасида ишлаб чиқарилади. Гел туқимачилик усулида юқори мустаҳкамликга эга полиэтилен толаси 1980-чи йилларда таклиф этилди.


Юқори эффективликга эга бўлган керамик толалар – ХХчи асрнинг охирида кашф этилди: бор, кремний карбиди, углерод ва алюминий оксиди асосида тайёрланган. Баъзи керамик толалар янги ишлаб чиқариш усуллари ёрдамида ишлаб чиқилди: бу золь-гель технологиялар ва назорат қилинадиган органик прекурсорлар пиролизи усуллари дир.

Толалар юқори эффектив конструкцион материаллар сифатида қўлланилиши 3 асосий тамойилларга асосланади (Дрешер, 1969):

**1. Заррача ёки бошқа таркибий қисм ўлчамларига қараганда анча кичик диаметри. Бу ҳажм бирлигида анча юқори назарий мустаҳкамликни таъминлашга ёрдам беради. Бу эффект – ўлчамлар эффекти деб аталади: қанчалик заррачалар ўлчамлари кичик бўлса, шунчалик материалда дефектлар ҳосил бўлиш эҳтимоли кичик бўлади.**


**2. Ўлчамларнинг ўзаро нисбати юқори кўрсаткичга эга (узунлик/диаметр,  $l/d$ ), материалга берилган кучланишни қаттиқ ва мустаҳкам толага узатишга ёрдам беради.**

**3. Эгилувчанлиги юқори даражада, бу кичик Юнг модули ва кичик**



диаметр билан узлуксиз боғлиқ хусусиятдир. Бундай эгилувчиқ толали композитларни тайёрлаш учун турли хил усулларни қўллашга имконият беради.

Расм 1.6. да углерод толасининг унинг диаметри ошиши билан мустаҳкамлиги камайишини кўришимиз мумкин (Де Ламот и Перри, 1970).



Расм 1.6. Углерод толасининг мустаҳкамлиги ( $\sigma_f$ ) унинг диаметри ( $d$ ) ўсиши билан пасаяди.<sup>5</sup>

**Бороволокнитлар** – мустаҳкамлаштирувчи компонент – бор толалари; матрица – эпоксид ва полиамид смолалар. Сиқилишга, эгилишга юқори мустаҳкамликга, кичик силжишга мойиллиги, юқори қаттиқлик ва эластикли модули, иссиқлик ва электр ўтказувчанликга эга. Бороволокнитлар радиация, сув, органик эриткичлар ва ёқилғи материаллар таъсирига бардошлиги билан ажралиб туради.

Бороволокнитлардан профиллар, панеллар, роторлар ва компрессорлар қисмлари, винтларнинг парраклари ва вертолётлар трансмиссия валлари тайёрланади. Жадвал № 1.2 да 8 турдаги керамик материал толаларини қаттиқлиги келтирилган.

Жадвал 1.2. 8 турдаги керамик материал толаларини қаттиқлиги<sup>6</sup>.

**Table 12.6 Vickers (and Knoop) Hardnesses for Eight Ceramic Materials**

Material	Vickers Hardness (GPa)	Knoop Hardness (GPa)	Comments
Diamond (carbon)	130	103	Single crystal, (100) face
Boron carbide ( $B_4C$ )	44.2	—	Polycrystalline, sintered
Aluminum oxide ( $Al_2O_3$ )	26.5	—	Polycrystalline, sintered, 99.7% pure
Silicon carbide (SiC)	25.4	19.8	Polycrystalline, reaction bonded, sintered
Tungsten carbide (WC)	22.1	—	Fused
Silicon nitride ( $Si_3N_4$ )	16.0	17.2	Polycrystalline, hot pressed
Zirconia ( $ZrO_2$ ) (partially stabilized)	11.7	—	Polycrystalline, 9 mol% $Y_2O_3$
Soda-lime glass	6.1	—	

Оргаволокнитлар полимер боғловчи ва синтетик толаларни таркибида тутган композитлардир. Улар кичик оғирлиги, турли кучланишларга бардошлиги ва ҳароратни кескин ўзгаришига барқарорлиги билан фарқланадилар. Камчиликлари: сиқилишга мустаҳкамлиги кичиклиги, юқори силжиш хусусияти. Оргаволокнитлар агрессив муҳитларга ва иссиқ иқлим шароитларига бардошлиги билан ҳарактерланадилар, ҳамда юқори диэлектрик хоссаларга ва кичик иссиқлик ўтказувчаликга эга.

<sup>5</sup> Krishan K. Chawla. Composite Materials. Science and Engineering. Third Edition. Springer Science, New York-London, 2012.- 8 p.

<sup>6</sup> William D. Callister, Jr., David G. Rethwisch. Materials Science And Engineering. An Introduction. Eight Edition. USA, Wiley, 2010.- 491 p.

Оргаволокнитлар изоляцион ва конструкцион материал сифатида электр- ва радиосаноатда, автомобилшуносликда, авиасозликда қўлланилади. Оргаволокнитлардан трубалар, реактив сақлаш резервуарлари, пароход корпуслари қопламалари тайёрланади.

1.7-Расмда шиша толаларнинг анъанавий технологик тизими келтирилган (Е-шиша мисолида). Хом ашёлар бункерда эритилади, эритилган шиша электр ёрдамида қиздирилган платина втулка ёки тигелларга узатилади; ҳар бир втулкада 200тача тешиклари бор (фильера). Эритилган шиша ўз оғирлиги таъсирида ушбу тешиклардан ўтиб, узун узлуксиз тола ҳосил қилади, улар ип ҳолатида барабанга терилади. Толанинг диаметри втулка тешигининг диаметрига боғлиқ, массанинг қовушқоқлиги таркиб ва температура функциясидир.

### Шиша толалар ва уларнинг хоссалари.

Хозирги вақтда турли кимёвий таркибларда шиша толалар чиқарилмоқда. Шиша толаларнинг кимёвий таркиби: кремний оксиди (~ 50-60%  $\text{SiO}_2$ ), қолгани - кальций, бор, натрий, алюминий, темир оксидлари.

Жадвал 1.3 да баъзи кенг тарқалган шиша толалар кимёвий таркиби келтирилган.

Жадвал 1.3. Кенг тарқалган шиша толаларни кимёвий таркиби.

Composition	E glass	C glass	S glass
$\text{SiO}_2$	55.2	65.0	65.0
$\text{Al}_2\text{O}_3$	8.0	4.0	25.0
$\text{CaO}$	18.7	14.0	–
$\text{MgO}$	4.6	3.0	10.0
$\text{Na}_2\text{O}$	0.3	8.5	0.3
$\text{K}_2\text{O}$	0.2	–	–
$\text{B}_2\text{O}_3$	7.3	5.0	–

“E –glass” (Е-шиша) - деб электр толалар белгиланади, Е-шиша яхши электр изолятор, бундан ташқари яхши механик ва эластиклик модулига эга;


“C –glass” (С-шиша) – деб коррозия турдаги толалар белгиланади, С-шиша бошқа шиша турларига қараганда юқори кимёвий коррозияга бардошлиги билан тавсифланади;

“S –glass” (S-шиша) – энг юқори термик ва оловбардошликга эга шишалардир.



Шиша толаларнинг асосий қисми Е-шишадан тайёрланади, аммо ишлаб чиқарилган Е-шишанинг жуда кам қисми электр соҳаси бўйича қўлланилади.<sup>7</sup>


<sup>7</sup> Krishan K. Chawla. Composite Materials. Science and Engineering. Third Edition. Springer Science, New York-London, 2012.- 12 p.



1.7.-Расм. Е-шиша толасининг анъанавий ишлаб чиқариш технологик тизими.<sup>8</sup>

Илгари заводларда шиша толаси тўғри эритмадан эмас, балки биринчи босқичда шиша бўлаклари (глиба) ишлаб чиқарилар эди. Шиша бўлаклари эритилиб, ундан тола чўзилар эди. Замонавий ишлаб чиқаришларда шиша толаси эритилган шиша массасидан тўғридан - тўғри ишлаб чиқарилмоқда.

Шиша толаларнинг ишлаб чиқаришдаги турлари 1.8-расмда келтирилган.



Расм 1.8. Ишлаб чиқариладиган шиша толалар турлари: а – қичқа тола, b – узлуксиз шишатола, с- ровинг, d – шиша мат.<sup>9</sup>

**Е-шишаларнинг асосий механик хусусиятлари:** кичик зичлик, юқори мустаҳкамлик, Юнг модули – ўрта кўрсаткичларга эга. Шиша толалар полиэфир, эпоксид, фенол смолалар билан биргаликда армировка компоненти сифатида қўлланилади. Шишатола анча арзон ва турли кўринишда ишлаб чиқарилади (расм 1.8): узлуксиз ип алохида толалардан

<sup>8</sup> Krishan K. Chawla. Composite Materials. Science and Engineering. Third Edition. Springer Science, New York-London, 2012.- 13 p.

<sup>9</sup> Krishan K. Chawla. Composite Materials. Science and Engineering. Third Edition. Springer Science, New York-London, 2012.- 13 p.

иборат; ровинг эса параллел иплардан ташкил топган; қисқа тола – ипдан ёки 5-50 ммли қисқа ровничадан иборат, бундан ташқари шишатола тўқима мато ёки тўқилмаган матлар кўринида ҳам ишлаб чиқарилади.

**Намлик шишатоласининг мустаҳкамлигини пасайтиради. Бундан ташқари шиша тола вақт давомида чарчашга учрайди: узоқ вақт давомида доимий кучланиш таъсир этган ҳолатда шиша тола таркибида ёриқлар тез ўсиши намоён этиши мумкин. Шунинг учун вақт ўтиш билан шиша толанинг механик хоссалари кескин пасайиб боради, ammo қисқа вақт давомида мустаҳкамлиги яхши ҳисобланади.**



Шишатола билан армировка қилинган смолалар қурилишда ва саноатда кенг қўлланилади. Улар **шишапластик ёки GRP** деб номланади: бошқа конструкцион материаллар қопламалари сифатида, ёки юк ташимайдиган девор панеллари, структураларнинг таркибий қисмлари, дераза рамалари, цистерналар, труба ва трубопроводлар сифатида кенг қўлланилади. 1960-чи йиллардан бошлаб лодкалар корпуслари шишапластикдан ишлаб чиқарилди. Кимё саноатида ҳам шишапластиклар кенг қўлланилади – резервуарлар, трубопровод ёки технологик танклар сифатида. Бундан ташқари **шишапластиклар (GRP)** темир йўллари, автомобил транспорти, аэрокосмик саноатида ўз ўрнини топган.

#### **Углерод толалар ва уларнинг қўлланилиши.**

Углерод – енгил, кичик зичликга эга элементдир. Унинг зичлиги 2,268 г/см<sup>3</sup>. Углерод турли кристалл формаларда учрайди. Катта қизиқиш графит структурасига қаратилмоқда, графитда углерод атомлари гексагонал қатламлар кўринишида жойлашган. Олмос ҳам ўз ўрнида муҳимдир: углерод атомлари уч ўлчамли конфигурация шаклида жойлашган бўлиб, жуда кичик структура эгилувчанлигига эга. Янги углерод кўринишларида бири – фуллеренлар, молекуляр таркиби C<sub>60</sub> ёки C<sub>70</sub>; нанотрубкалар – чузик фуллеренлардир.

Графит шаклидаги углерод анизотроп хусусиятларга эга: қатлам орасида Юнг модулининг назарий қиймати 1000 ГПа, С ўқи атрофида эса модуль 35 ГПа га тенг. Графит структураси зич упаковка қилинган (1.9.-расм). Углерод толани ишлаб чиқаришда асосий мақсад – тола гексагонал текисликлар йўналишида жойлашган бўлиши керак. Юқори Юнг модулли углерод толалари ишлаб чиқариш учун бирламчи органик толаларнинг биринчи босқичида карбонизация қилинади, кейинги босқичда эса графитизация жараёнилари ёрдамида ишлаб чиқарилади. Бирламчи органик тола – бу карбонизация жараёнида эримайдиган махсус текстил полимер толадир. Бу органик тола узун занжирли молекулалардан иборат топган (0,1-1 мм- чўзик ҳолатдаги узунлиги). Бу толалар асосан паст механик хоссаларга эгадир. Органик толалар сифатида полиакрилонитрил (ПАН) кенг қўлланилади.

Ундан ташқари сунъий ипак ва смола, поливинил спирти, полиимидлар ва феноллар асосида олинган толалар ҳам карбонизация қилиниши мумкин.


Углерод толанинг асосий ишлаб чиқариш босқичлари қўйидагича:

1. Тола ҳосил қилиш босқичи. Хўл ёки қуруқ усулда бирламчи органик толадан, масалан ПАНдан тола тортилади, ёки эритмасидан тортиш усули ёрдамида.

2. Стабилизация босқичи. Кейинги юқори ҳароратли босқичларда толани эришдан сақлаш учун ўтказилади.

3. Термик ишлов бериш - карбонизация, нокарбонат элементлардан холи қилиш учун

4. Опционал термик ишлов бериш босқичи - графитизация, бу жараён углерод толасини хоссаларини яхшилашга имконият беради.



Расм 1.9. Графит структураси.

А - Графит атомларининг жойлашиши; б - графитнинг гексагонал кристаллик структураси.<sup>10</sup>

Углерод толаси ишлаб чиқаришнинг асосий босқичлари қўйидагича:

1. Тола ҳосил қилиш босқичи. Хўл ёки қуруқ усулда бирламчи органик толадан, масалан ПАНдан тола тортилади, ёки эритмасидан тортиш усули ёрдамида.


2. Стабилизация босқичи. Кейинги юқори ҳароратли босқичларда толани эришдан сақлаш учун ўтказилади.

3. Термик ишлов бериш - карбонизация, нокарбонат элементлардан холи қилиш учун

4. Опционал термик ишлов бериш босқичи - графитизация, бу жараён углерод толасини хоссаларини яхшилашга имконият беради.

1.10.-расмда полиакрилонитрил (ПАН)дан углерод толасини ишлаб чиқариш соддалаштирилган технологик тизими келтирилган.

<sup>10</sup> Krishan K. Chawla. Composite Materials. Science and Engineering. Third Edition. Springer Science, New York-London, 2012.- 25 p.



Расм 1.10. Полиакрилонитрил (ПАН)дан углерод толасини ишлаб чиқаришнинг соддалаштирилган технологик тизими.<sup>11</sup>


Углерод толалар техникада кенг қўлланилади: аэрокосмик саноатда, спорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришда. SHATTLE (АҚШ) ракета-ташувчининг эшиги ва корпуси углерод толали/эпоксид смола композитидан тайёрланган. Замонавий самолётлар, масалан Boeing 787 (Dreamliner) фюзеляжи ва қанотлари углерод толаси / эпоксид композитлардан тайёрланиб келмоқда. Уларнинг нархи доимий равишда пасайиб бормоқда, шунинг учун қўлланилиш соҳалари ҳам кенгайиб бормоқда. Углерод толали композитлар технологик жиҳозлар - турбина, компрессор, шамол тегирмонлари қанотлари, маховиклар тайёрлашда; медицинада эса – жиҳозлар ва имплантатлар (тизза суставлари) тайёрлашда қўлланилмоқда.

**Органик толалари ва уларнинг қўлланилиши.**

Органик тоаллар, масалан арамидные ва полиэтилен юқори мустаҳкамликга ва эластикли модулига эгадир.

Полиэтилен тола (гель-иплар, сорт СВМПЭ) таркибида 90-95% кристаллик фаза тутуган бўлиб, унинг зичлиги 0,97 г / см<sup>3</sup>.


Полимер толаларнинг механик хоссалари схемада келтирилган:



Полимер толанинг ишлаб чиқариш технологияси ва ишлатилиш имкониятлари уларнинг эриш ҳароратига боғлиқдир, бу боғлиқликни

<sup>11</sup> Krishan K. Chawla. Composite Materials. Science and Engineering. Third Edition. Springer Science, New York-London, 2012.- 27 p.

кўйидаги схемадан кўришимиз мумкин<sup>12</sup>:




Арамид толаси ўта енгил бўлиб, юқори қаттиқлик ва чўзилишга мустаҳкамликга эга. Энг машхур сортлари: **Кевлар -49 ва 29**. Кевлар -29 сортининг эластиклик модули икки баробар пастроқ, аммо бузилиш деформацияси коэффиценти кевлар-49га қараганда икки баробар каттароқдир. Шунинг учун Кевлар-29 кўролга қарши ҳимоялаш жилетларни тайёрлашда қўлланилади. Аммо арамид толаси бошқа органик толалар каби сиқилишга мустаҳкамлиги паст (эгилишга мустаҳкамлигини 1/9 қисмини ташкил этади), бу толанинг анизотроплиги билан боғлиқдир. Бу хусусиятларга кўра арамид толалари сиқилиш билан боғлиқ ҳолларда қўлланилмайди.

Кевлар- арамид толасининг қўлланилиш соҳалари:

1. **Кевлар**- шиналардаги резинани армировка қилиш (ремень, енгил ва оғир автомобилларнинг радиал шиналари), умуман резинатехника маҳсулотлар ишлаб чиқаришда.

2. **Кевлар-29**. Канатлар, кабеллар, қопламали матолар, архитектура матолари ва баллистик химоя матолари ишлаб чиқаришда. Кевлар-29 дан тайёрланган жилетлар кўп мамлакатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан ишлатилади.

3. **Кевлар-49** - эпоксид, полиэфир ва бошқа смолаларни армировка қилиш учун, аэрокосмик, денгиз, автомобил ва спорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўлланилади.



Расм 1.11. Кевлар-29 арамид толаси асосидаги композицион маҳсулотлар.<sup>13</sup>

<sup>12</sup> William D.Callister, Jr., David G.Rethwisch. Materials Science And Engineering. An Introduction. Eight Edition. USA, Wiley, 2010.- 619 p.

<sup>13</sup> William D.Callister, Jr., David G.Rethwisch. Materials Science And Engineering. An Introduction. Eight Edition. USA, Wiley, 2010.- 649-650 p.

Арамид толаси яхши антивибрацион хусусиятларга эга. Бошқа полимер толалар каби, арамид толалари ультрабинафша нурлага чидамлиги паст. Ультрабинафша нурлари таъсирида арамид толалар сариқ ва жигар рангига ўтади, ўз механик хоссаларини йўқотади. Шунинг учун Кевлар-толалар люминесцент лампалар ёки дераза ойналардан 0,3 м узоқроқда сақланиши ва қўлланилиши керак.

### **Керамик толалар ва уларнинг қўлланилиши.**

Керамик толалар юқори мустаҳкамлик, эластиклик модулига эга, ҳамда улар юқори ҳароратлар ва агрессив муҳитларга бардошлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун керамик толалар юқори ҳароратли конструкцион материаллар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади.

Керамик толалар ишлаб чиқаришнинг 3 асосий усули мавжуд: буғдан кимёвий чўкма ҳосил қилиш; полимерлар пиролизи ва золь-гель усули.

Золь-гель методлар кремний оксиди ва алюминий оксиди асосида оксидли толалар ишлаб чиқариш учун қўлланилади. Полимерлар пиролизи ҳам янги усуллардан биридир: кремний, углерод ёки азот тутган полимерлар (кремний органик бирикмалар) керамик юқори ҳароратли толаларга айлантирилиши мумкин. Бу усул 1.7.-расмда келтирилган углерод толалар ишлаб чиқаришга ўхшаш бўлиб, пиролиз натижасида SiC, Si<sub>3</sub>N<sub>4</sub>, B<sub>4</sub>C, ва BN таркибли керамик тола, кўпик ёки қопламалар ҳосил қилиш мумкин.

## **1.5. Матрица материаллари. Полимерлар, металлар, керамика материаллари.**

Композит материалнинг компонентлари геометрик кўриниши бўйича фарқланади. **Матрица** деб бутун ҳажм бўйича узлуксиз жойлашган компонент аталади. Композицион материалда матрицалар сифатида металлар ва уларнинг қотишмалари, органик ва ноорганик полимерлар, керамик материаллар қўлланилади.

Материалнинг хоссалари компонентларнинг физик-кимёвий хоссаларига ва улар орасидаги боғларнинг мустаҳкамлигига боғлиқдир. Композицион материал компонентлар ҳар хил хоссаларга эга бўлиши керак. Армировка (мустаҳкамлаштириш) компонентлари юқорида таъкидланганидек юқори каттик ва мустаҳкамликни таъминлайдилар.

Армировка компонентларини ва матрицани асосида тайёрланган композиция нафақат дастлабки компонентлар хоссаларини ўзида мужассамлаштиради, балки янги, бошланғич компонентларга хос бўлмаган

Конструкцион композитларда армировка компонентлари асосан керакли механик хусусиятларни (мустаҳкамлик, термик бардошлик, қаттиқлик ва б.) таъминлайди, **матрица** эса армировка элементларини бирга ишлашини, уларнинг механик бузилишдан ва агрессив кимёвий муҳитлардан ҳимоялаш вазифасини бажаради.



хусусиятларни ҳам намоён қилиши шарт. Масалан, армировка компонентлари ва матрица орасида ажралиш чегараси мавжуд бўлса, бу материалнинг ёриқларга чидамлигини оширади.

Матрица материали турига қараб композитларни қўйидагича классификация қилиш мумкин:

- *полимер матрицали композитлар*
- *керамик матрицали композитлар*
- *металл матрицали композитлар*
- *оксид-оксид композитлар*

Композицион материалларда матрица материалнинг бир жинслигини, монокристаллликни таъминлайди, буюмнинг шаклини ва армировка компонентларнинг ўзаро жойлашишини сақлайди, таъсир этаётган кучланишларни материал ҳажми бўйича тақсимлайди, толаларга бир хил кучланишни тақсимлашга ҳаракат қилади. Бундан ташқари матрица армировка компонентлари механик ва кимёвий таъсирлардан ҳам ҳимоялайди.

### **Полимерлар.**

Полимерлар керамика ва металлларга нисбатан мураккаб структурага эгадир, аммо полимерлар арзон ва уларга осонлик билан ишлов бериш мумкин. Хоссаларига келсак, полимерлар мустаҳкамлик ва эластиклик модули кўрсаткичлари паст, эксплуатация ҳароратлари юқори бўлмаган материаллардир. Ультрабинафша, ёруғлик нурлари ва баъзи эриткичларни узок вақтда таъсири полимерларнинг деградациясига ва хоссаларини кескин пасайишига олиб келади. Ковалент боғлар асосида ташкил этилганлиги муносабати билан полимерлар асосан иссиқликни ва электрни ёмон ўтказадилар. Аммо кимёвий моддалар таъсирига металллардан кўра чидамлироқдир.

### **Металл матрицалар.**

Металллар универсал конструкцион материаллардир. Металллар ўзининг мустаҳкамлиги ва қаттиқлиги билан ажралиб туради. Металллар пластик деформация қилиниши ва уларнинг хоссалари турли усуллар билан кучайтирилиши мумкин, бу асосан дислокациялар деб аталадиган чизикли дефектларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлади. Ҳамма металллар (металл шишалардан ташқари) кристалл тузилишга эга. Асосан металллар 3 та кристалл сингонияларда кристалланади:

- ёнлари марказлашган кубик (ГЦК)
- ҳажми –марказлашган кубик (ОЦК)
- олтибурчакли зич упаковка қилинган (НСР)

Металл матрицали композитларнинг (ММК) 3 тури мавжуд:

- **Дисперс-муштаҳкамлаштирилган ММК**
- **қисқа тола ва мўйловлар билан армировка қилинган ММК**
- **узлуксиз тола ва листлар илан армировка қилинган ММК.**



### Керамик матрицалар

Керамик материаллар қаттиқ ва мўрт бўлади. Керамик материаллар мўртлигидан ташқари, баъзи хоссалари турлича бўлиши мумкин. Реактив двигателларда қўлланиладиган металл- суперқотишмалар 800 °С ҳароратигача яхши хусусиятларга эга, аммо 1100 °Сда металл қопламаси оксидланиши бошланади. Ундан юқори ҳароратларда эса бошқа турдаги конструкцион материаллардан фойдаланиш керак бўлади. Шу ерда керамик материаллар керакли хоссаларни намоён қилиши мумкин.

Керамика материалларнинг асосий камчилиги – уларнинг мўртлиги, шунинг учун уларни муштаҳкамлаштириш зарур бўлади.

Шишакерамик материаллар – керамик материалларнинг махсус гуруҳини ташкил қилади. Улар композицион материал каби ҳажм бўйича 95-98 фоизи кристалл фазадан, қолган қисми эса шиша фазадан иборат бўлади. Кристалл фаза ўта нозик (заррачалар диаметри 100 нмдан кичик) структурага эга. Бундай кичик кристалларни ўстириш учун шиша массаси таркибига катализатор (одатда  $TiO_2$  ва  $ZrO_2$ ) қўшилади ва олинган шиша йўналтирилган кристаллизацияга учрайди.

Энг мухим шишакерамик материаллар:

1.  $Li_2O-Al_2O_3-SiO_2$  системасида: кичик термик кенгайиш коэффициентига ва демак юқори термик бардошликга эга. Бу турдаги материаллар «Corning ware» савдо белгиси билан ишлаб чиқарилади.

2.  $MgO-Al_2O_3-SiO_2$  системаси: юқори электрик бардошликга ва юқори механик муштаҳкамликга эга.

Керамик матрицали материаллар турли кукун методлар билан ишлов берилиши мумкин (анъанавий поликристалл керамика олиш усуллари), ҳамда махсус замонавий керамик матрицаларнинг синтез усуллар ёрдамида олиниши мумкин.

### Назорат саволлари:

1. Табиатда учрайдиган армировка қилинган композитларни, уларнинг структура ва хоссаларини келтиринг.

2. Voyager самолети мисолида композицион материалларнинг авиасозликда қўлланилиши ўрганиб чиқинг.
3. Одам тирноғи - толали композитдир. Унинг компонентлари, микроструктураси ва хоссаларини ўрганиб чиқинг.
4. Композицион материалларнинг фуқаро самолётларида қўлланилишини ўрганиб чиқинг, асосий эътиборни Boeing 787 ва Airbus A380га қаратинг.
5. Композитнинг керамик матричасига ишлов бериш натижасида материалнинг мустаҳкамлиги пасаяди. Сабабини тушунтириб беринг.
6. Керамик матрицали композитлар олишда золь-гель ва полимер пиролиз усуллари қўлланилиши мумкин-ми? Бу усуллар қандай композитлар олишда қулай хисобланади?
7. Деярли нолга тенг бўлган иссиқликдан кенгайиш коэффициентига эга бўлган углерод тола билан мустаҳкамлаштирилган шишакерамик композит олиш мумкин ми? Сабабини тушунтириб беринг.
8. Нима учун керамик матрицали композитларни ишлаб чиқаришда кўра иссиқлик хоссаларга катта эътибор беришимиз керак (металл матрицали композитлар билан солиштиринг)?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Krishan K. Chawla. Composite Materials. Science and Engineering. Third Edition. Springer Science, New York-London, 2012. - 7-67 p.
2. D.R. H. Jones, Michael F. Ashby. Engineering Materials 2: An Introduction to Microstructures and Processing. Fourth Edition. Elsevier, UK, 2012.- 289-305 p.
3. William D.Callister, Jr., David G.Rethwisch. Materials Science And Engineering. An Introduction. Eight Edition. USA, Wiley, 2010.- 629-645 p.
4. Тялина Л.Н., Минаев А.М., Пручкин В.А. Новые композиционные материалы. Тамбов: ГОУ ВПО ТГТУ, 2011.-5-35 с.
5. Шевченко А.А. Физикохимия и механика композиционных материалов. – М. : Профессия, 2010. – 120-150 с.

## 2-мавзу: Полимер матрицали композитларни олиш жараёнлари. Елимланган ёғоч материаллари. Ламинатлар.

Режа:

- 2.1. Нометалл матрицали материаллар.
- 2.2. Полимер матрицалар: Термопластлар ва реактопластлар.
- 2.3. Елимланган ёғоч материаллари – полимер матрицали композиция сифатида
  - 2.3.1. Елимланган ёғочда инобатга олинадиган омиллар
  - 2.3.2. Елимларнинг қўлланилиши. Ёғочни елимлаш. Адгезия назарияси. Ёғоч структурасининг адгезияга таъсири.

**Таянч иборалар:** *Елимлар, кимёвий боғлар, елимлаш жараёни босқичлари, фанера, OSB, MDF, адгезия кучлари, елимлаш жараёнида инобатга олинадиган омиллар, боғловчи миқдори, текстолит, генитакс, асотекстолит, шишатекстолит, кевлар, термопласт, терморреактив полимер, эпоксид смола, фенол, полиэфир, винил эфир.*

### 2.1. Нометалл матрицали материаллар.

Полимерлар углерод ковалент-боғланган йирик занжир молекулалар кўринишда тасаввур этишимиз мумкин. Кичик молекулалардан йирик молекулаларни ташкил этиш жараёни полимеризация деб аталади, демак полимеризация кўпгина мономерларни бириктириш жараёнидир.

Полимеризациянинг 2 асосий реакцияси мавжуд:

1. Конденсация-полимеризация. Бу жараёнда молекулалар босқичли реакцияга киришиб, реакция натижасида оддий бирикма ҳам ҳосил бўлади (сув).

2. Бириктириш- полимеризация. Бу жараёнда мономерлар ўзаро бириктириб, полимер ҳосил бўлади, аммо қўшимча бирикмалар ҳосил бўлмайди. Бундай реакциялар катализаторлар иштирокида бажарилади. Этилен ( $\text{C}_2\text{H}_4$ ) молекулаларининг чизикли бириктириши полиэтилен молекуласини ҳосил бўлишига олиб келади (этилен молекулалари цепочки). Полимернинг оғирлиги ҳамма мономерларнинг молекула оғирлиги суммасига тенг.

### 2.2. Полимер матрицалар: Термопластлар ва реактопластлар.

Полимерлар реакцияга киришиш табиатига кўра 2 турга бўлинади: Терморреактив ва термопластик полимерлар<sup>14</sup>.


Матрицалар сифатида каттик эпоксид, полиэфир, фенол смолалар қўлланилади. Полимер матрицали композитларнинг афзалликлари: юқори

<sup>14</sup> Krishan K. Chawla. Composite Materials. Science and Engineering. Third Edition. Springer Science, New York-London, 2012.- 73-76 p.

мустаҳкамлиги ва эластик хоссалари; агрессив муҳитларга бардошлиги; яхши антифрикцион ва фрикцион хоссалари, ҳамда юқори иссиқлик ҳимоялаш ва амортизацион хусусиятларидир.

**Терморреактив полимерлар** – полимер занжири ҳосил бўлаётганда қотиш реакцияси ҳам содир бўлади. Полимерлар реакция натижасида қотиб қолади. Ушбу реакциялар махсус кимёвий моддалар таъсирида, ёки иссиқлик ва босим таъсирида, ёки мономерларга электронлар оқимини таъсир этиш натижасида содир бўлади.

**Термопластлар** – полимерлар температура ва босим таъсирида оқувчанлик эга бўладилар ва иссиқлик таъсирида юмшоқ ёки пластик ҳолатга ўтадилар. Хона ҳароратигачан совутилганда бундай полимерлар ҳам қотади. Уларнинг иссиқлик таъсирида эриши молекуляр структураси ва шакли, молекулалар ўлчамлари ва массаси, боғланишлар тури (ковалент



Композитлар олишда полимерлар ёки тоза ҳолатда (порошок, гранула, листлар, пленкалар), ёки боғловчи ҳолатида қўлланилади.

### **Терморреактив полимер материаллар**

Композитлар олишда терморреактив полимерлар боғловчи сифатида қўлланилади. Терморреактив полимер боғловчи синтетик смола (полимер ёки олигомер таркибли) ва қотирувчилар ёки инициаторлар, катализаторлар, қотишни тезлаштирувчилардан ташкил топган икки ёки кўп-компонентли системадир. Полимер боғловчилар кўпинча пассив ёки актив эритгичлар, пигментлар ва буёвчилар, пластификаторлар, стабилизаторлар ва бошқа компонентларни ўз таркибида тутган бўлади. Булар боғловчига ёки композитга керакли технологик ва эксплуатацион хоссаларни таъминлайди.

Боғловчи компонентнинг таркиби қотиш жараёнининг механизмига ва қотган модданинг зарур бўлган механик хоссаларига боғлиқ ҳолда танланади.

Полимер матрицали композитларни тайёрлашда асосан полиэфир, эпоксид ёки фенолоформальдегид боғловчилар қўлланилади: булар қотган ҳолатда етарли мустаҳкамликка эга ва захарли моддаларни кўп миқдорда чиқармайдилар.

Полиэфир-малеинатлар (полиэфир смолалар) таркиби, кимёвий тузилиши ва молекуляр оғирлигига қараб қуюқ суюқлик ёки қаттиқ модда кўринишида бўлади. Қотиш ҳарорати ва тезлиги қўлланилган инициатор ва тезлаштирувчи турига боғлиқ бўлади. Паст ҳароратли қотириш учун асосан бензоил перекиси ёки изопропилбензол гидроперекиси (гипериз)

кўлланилади, юқори ҳароратли жараёнлар учун – трет-бутилпербензоат кўлланилади.

Тезлаштирувчилар сифатида учламчи аминлар, масалан диметил, диэтил- и диэтанолламин ва б. кўлланилади; гидроперекислар билан биргаликда нафтен кислоталарнинг кобальт тузлари, масалан, кобальт нафтенати (номи «ускоритель НК») ишлатилиши мумкин.

**Эпоксид смолалар** эрувчан қуюқ суюқликлар ёки мўрт қаттиқ моддалар кўринишида учрайди, кўп материалларга яхши адгезия қилади, ва қотиш жараёнида озгина қисқаради. Эпоксид смолаларнинг физик хоссалари 2.1 жадвалида келтирилган.

Жадвал 2.1. Эпоксид смолаларнинг физик хоссалари

Смола тури	$T_{пл}$ , °С	Физикавий ҳолати, 20°С
ЭД-22	-10	Суюқ
ЭД-20	0	Суюқ
ЭД-16	10	Қуюқ суюқлик
ЭД-10	50	Қаттиқ
ЭД-8	70	Мўрт

Эпоксид смолалар қотирувчилари сифатида аминлар (полиэтиленполиамин, гексаметилендиамин, пиридин) – совуқ ҳароратли қотирувчилар; ҳамда кислотали қотирувчилар (маллеин ва фталат ангидридлари) – юқори ҳароратли қотирувчилар кўлланилади.


**Фенолоформальдегид смолалар** қуюқ суюқлик ёки мўрт қаттиқ шаффор масса кўринишида учрайди. Бу масса 60–120°С ҳароратда суюқ ҳолатга ўтади.

Агар полимерларда молекулалар тўқималар сифатида боғланган бўлса, бундай полимерлар қиздирилганда юмшамайдилар. Бундай боғланган структурали полимерлар термореактив полимерлардир. Термореактив полимерлар қиздирилганда парчаланадилар. Материалда боғланишлар ўзаро боғланганлиги молекулаларнинг ўзаро ҳаракатига тўсиқлик қилади, шунинг учун полимер қаттиқ ва мутаҳкам бўлади. Мисол қилиб вулканизация резинаси, яъни олтингугурт билан боғланган каучукни келтиришимиз мумкин. Вулканизация қилинган резина мустаҳкамлиги табиий каучукдан 10 мартаба баланддир.

### Термопластик полимерлар.

Ҳарорат таъсирида юмшайдиган ёки эрийдиган полимерлар – термопластик полимерлар деб аталади. Бу турга паст ва юқори зичликдаги **полиэтилен, полистирол** ва **полиметилметакрилатлар** киради.





**Figure 15.25** Schematic diagram of an extruder. (Reprinted with permission from *Encyclopædia Britannica*, © 1997 by Encyclopædia Britannica, Inc.)

Расм 2.1. Полимер материалар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган экструдернинг схематик кўриниши.


### Полимер материалларнинг оловбардошлиги.

Ҳамма полимерларнинг оловбардошлиги қуйидагиларга боғлиқ бўлади: олов тарқалиш майдони, ёқилғини таъсири ва кислород индекси. Кислород индекси (LOI) – бу ёниш давом этиш учун зарур бўлган кислороднинг минимал қийматини белгилайди.

Полимернинг ёнувчанлик даражаси (ёки РМС) қўйидаги параметрларнинг функцияси ҳисобланади:

- матрица тури ва ҳажми (асосий таъсир кўрсатади)
- оловбардош кўшимчалар ҳажми
- армировка компонентларнинг тури ва ҳажми.

Полимерларнинг оловбардошлиги келтирилган қаторда ўсиб боради:



Фенол полимерлари кичик ҳажмда тутун чиқарадилар ва токсик чиқиндилар ҳосил қилмайдилар. Фенол матрицаларнинг яна бир афзаллиги – ёниш жараёнида улардан полукокс ҳосил бўлади, у эса яхши иссиқлик изолятори ҳисобланади. Терморреактив матрица сифатида полиэстер қўлланилган ҳолда албатта оловбардош кўшимчалар ишлатилиши керак. Полиэстер асосида олинган композитларнинг оловбардошлигини таъминлаш мақсадида баъзи вақтларда кўп миқдорда шиша толаси қўшилади.

Матрица материаллари сифатида анъанавий термопластик смолалар - полипропилен, нейлон, термопластик полиэфирлар (ПЭТ, ПБТ) ва поликарбонатларни қўллаш мумкин. Ҳозирги вақтда янги термопластик матрица материаллари таклиф этилмоқда – бу полиамид имид, полифениленсульфид (ПФС), полиарилсульфон (polyarylsulfone) ва полиэфир-эфиркетон кетонлардир (PEEK).

## 2.3. Елимланган ёғоч материаллари – полимер матрицали композициялар сифатида

Елимлар билан ишлаш анча қийин, чунки бу битта фан ўрганадиган соҳа эмас. Елим мустаҳкамлигининг муҳимлиги, полимер занжиридаги, ёғочдаги ва фазалар оралиғидаги асосий ва иккиламчи кимёвий боғларни алоҳида ўрганишни талаб этади. Демак, мустаҳкамликни ҳам кимёвий, ҳам механик нуқтаи назардан ўрганиш зарур.

Одатда, елимлаш жараёни учта босқичда амалга оширилади. Энг аввало, елим яхши ёпишиши учун ёғоч юзаси елимлашга тайёрланади. Бунда юзага механик ёки кимёвий усул билан ёки аралаш усулда ишлов берилиши мумкин. Баъзи ҳолатларда, юзанинг хўлланишини яхшилаш ёки ифлосланган юзага суркалиши учун боғловчи модификацияланиши мумкин. Елимланган ёғоч материалларининг тарихи эрамиздан олдинги 3000 йилларга, мисрликларга бориб тақалади.

Елимланган ёғоч ва қоғоз ишлаб чиқаришда турли елимлар қўлланилишига қарамадан елимли композицияларнинг илмий асослари ҳалигача тўлиқ ўрганилмаган. Боғловчи моддалар кимёси тўлиқ ўрганилган, лекин елимлар қандай қилиб ёғочни ёпиштиради, бунда ташқи ва ички омилларнинг илмий асослари тўлиқ очиб берилмаган.

Иккинчи босқичда, боғловчи ёғоч юзаси билан молекуляр даражада контактга киришади; бунинг учун боғловчи суюқ ҳолатда бўлиши ва асосга тўлиқ ётқизилиши зарур. Бу жараёнда ёғоч реологияси ва сирт кучлари ҳақидаги билимлар жуда зарур бўлади. Юза кучлари ёғоч ва елимнинг қутбланган ва қутбланмаган ташкил қилувчилардан иборат бўлади. Уларни ўзгартириш орқали мустаҳкам ва узок муддат турғун бўладиган боғларни ҳосил қилиш мумкин.

Учинчи босқичда, боғловчи қотади ва тикилади.

### 2.3.1. Елимланган ёғочда инобатга олинадиган омиллар

Энг йирик ёғоч маҳсулотлари бозори бу – фанера, ориентирланган қириндили плиталар (OSB), ёғоч толали (MDF) ва ёғоч қириндили плиталар ишлаб чиқаришдир. Фанерадан ташқари барча плиталарда елимлар ёғоч заррачалари билан яхлит ёғоч-елим матрицасини ҳосил қилади.



Плиталарнинг мустаҳкамлиги берилаётган кучнинг елим ва ёғоч фазаларига текис тақсимланишига боғлиқ. Композицияларда (ёғоч толали ёки қириндили плиталарда) елим ва ёғоч (толалар ёки қириндилар) ўртасида адгезия кучлари пайдо бўлади; кейин улар юқори температура остида прессланади ва тайёр маҳсулот олинади. Бундай жараёнда ишлатиладиган елим хона температураси остида қотиб қолмасдан, юқори температура таъсирида прессланганда қотиши зарур.

Ёғоч-елим аралашмаларида ва елимланган ёғоч буюмларидан фойдаланишда қуйидаги омилларга эътиборни қаратиш зарур (1-жадвал).

Елимланган ёғоч материалларда боғловчи миқдори 2-8% эканлигини

ҳисобга оладиган бўлсак, унинг нарҳини билиш жуда муҳим. Бундан ташқари, ёғоч юзалари жипс ёпишганлиги сабабли уларнинг оралиғига жуда кам елим сарфланади, бироқ ёғочнинг елимни шимиши катта муаммоларни келтириб чиқаради. Бошқа томондан қараганда, фанерада шпон юзалари жуда жипс ёпишмаса ҳам уларнинг фақат юза қатламларидагина елим бўлиши талаб этилади. Елимлар шаффоф ёки оч рангли бўлиши мақсадга мувофиқ, бироқ кўплаб елимланган материалларнинг юзалари бошқа ҳимоя-декоратив материаллар билан қопланган бўлади. Кўпчилик елимлар таркибида сомономер сифатида формальдегид ишлатилади, унинг ташқарига чиқишининг олдини олиш ҳам муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Жадвал 2.2. Елимланган ёғочда инобатга олинадиган омиллар

<b>Елим учун</b>	<b>Ёғоч учун</b>	<b>Жараён учун</b>	<b>Фойдаланишда</b>
<b>Елим тури</b>	Ёғоч тури	Елим миқдори	Мустаҳкамлик
<b>Қовушқоқлиги</b>	Зичлиги	Елимнинг тақсимланиши	Силжиш модули
<b>Молекуляр массанинг тақсимланиши</b>	Намлик миқдори	Намлик миқдори	Намлик таъсирида шишиш, куриб кичрайишга чидамлилиги
<b>Реагентлар нисбати</b>	Юза тури: радиаль, тангенциаль, кўндаланг, аралаш	Температураси	Киришиш
<b>Қотиш тезлиги</b>	Ядроёки етилган ёғоч	Яшовчанлиги	Нави
<b>Қуруқ қолдиғи</b>	Ёш ёки кекса дарахт	Умумий ушлаш вақти	Нуксон тури
<b>Катализатор</b>	Эрта ёки кеч етилган ёғоч	Пресслаш	Қуруқ ёки нам эканлиги
<b>Аралаштириш</b>	Реактив ёғоч	Елим билан хўлланиши, елим шимиши	Эластиклик модули
<b>Ёпишқоқлиги</b>	Толалар қиялиги	Газ ўтказувчанлик	Температураси
<b>Тўлдиргич</b>	Ғоваклилик	Пресслаш вақти	Гидролизга чидамлилиги
<b>Эритувчилар</b>	Юза нотекислиги	Дастлабки ишлов бериш	Иссиқликка чидамлилиги
<b>Ишлатилиш муддати</b>	Қуришдан ёрилиш	Кейинги ишлов бериш	Биологик чидамлилиги:

			замбуруғларга, бактерияларга, хашаротларга, сув организмларига
<b>Водород кўрсаткичи</b>	Ишлов бериш нуқсонлари	Асоснинг температураси	Пардозлаш
<b>Химояланганлиги</b>	Ифлослан- ганлик, ташқи кўшимчалар		Нурланишларга чидамлилиги
	Экстрактив моддалар		
	Водород кўрсаткичи		
	Химояланиш хусусияти		

Ламинатлар ва брусоксимон материалларни елимлашда боғловчилар юқори температурада ёки хона температурасида қотирилиши мумкин. Бунда елим нархини аниқлаш жуда муҳим, чунки унинг қалинлиги кенг ораликда ўзгариши мумкин. Елим ранги одатда унчалик муҳим эмас, чунки эҳтиётлик билан ишланса зарари тегмайди. Ёғоч структураси анизотроп бўлгани учун елимнинг намлиги ва киришувчанлигига кўпроқ эътибор қаратиш керак.

Турли конструкцияларда ва мебелда ишлатиладиган елимлар одатда, яшовчанлиги **юқори бўлиши ва хона температурасида қотадиған бўлиши** талаб этилади. Мебелда оч рангдаги, қовушқоқлиги паст, намлик таъсирига етарли даражада чидамли елимлар қўлланилади. Конструкцияларда қўлланиладиган елимлар эса юқори қовушқоқликда бўлиши, эгилувчанликни таъминлаши ва тўқ рангли бўлиши мумкин.



### 2.3.2. Елимларнинг қўлланилиши

#### Ёғочни елимлаш.

Юқорида келтирилгандек, боғларнинг шаклланиши учун энг аввало елим ёғоч юзасига текис тақсимланиши зарур. Бунда елим ёғоч юзасига пуркаш, ролик билан суркаш, шпател билан суркаш, қуйиш каби турли усуллар билан берилиши мумкин. Елим суртилганидан кейин термокомпрессия усулига қараб у очик ёки ёпиқ ҳолатда қотиши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам елим ёғочга сингиши ва боғлар ҳосил бўлиши учун муайян вақт талаб этилади. Очик ҳолатда қотиш учун эритувчининг ёки сувнинг чиқиб кетиши талаб этилади.

Очик ҳолатда қотиш елимнинг асос сиртида тўлиқ ёпишмасдан узок қолиб кетишига олиб келади. Ёпиқ ҳолатда термокомпрессия жараёнида ёғоч заррачалари юзалари жипслашиб кетади. Баъзи ҳолатларда иссиқ пресшлаш

жараёнида намлик кўп бўлади, температура ва намликнинг биргаликдаги таъсири елимланган ёғочнинг мустаҳкамлигини пасайтиради.

Ёғоч сирти мураккаб таркибга эга. У анизотроп тузилишга эга, хужайралари бўйламасига чўзилган, ёғоч марказдан ташқарига қараб ўсгани учун унинг радиал йўналишдаги хоссалари, тангенциаль йўналишдагидан фарқ қилади. Дарахтда ядро ёғочи ва етилган ёғочдан, эрта ва кеч етилган ёғочлар ўзаро бир-биридан фарқ қилади. Шунингдек, ёғочда ички зўриқишлар, реактивлик ва толалар қиялигининг мавжудлиги унинг тузилишини янада мураккаблаштиради. Ёғоч юзасини елимлашга тайёрлаш усули ҳам унинг ҳўлланиш хоссасига таъсир кўрсатади.

### **Адгезия назарияси**

Ёпишқоқлик елим юзасининг асос юза билан таъсирлашиш хоссаси ҳисобланади, уни боғ мустаҳкамлиги билан адаштирмаслик керак. Албатта, елим асосга яхши ёпишмаса, салгина куч таъсирида юзалар ажралиб кетади. Бироқ, чокнинг мустаҳкамлиги анча мураккаб ҳолат ҳисобланади, чунки зўриқиш кучларининг концентрацияси, сирт кучларининг тарқоқлиги ва уларнинг сирт юзаларида сустиги каби ҳолатлар ёпишқоқликка нисбатан муҳимроқ ҳисобланади. Ёпишқоқлик эса боғларнинг шаклланиши учун зарур.

Баъзи ёпишқоқлик назарияларида механик жиҳатларга кўпроқ урғу берилади ва бошқаларида эса кимёвий жиҳатларга эътибор қаратилади. Кимёвий тузилиш ва кимёвий таъсир ўз навбатида механик хоссаларни белгилаб беради, шунингдек, механик мустаҳкамлик ҳам ўз навбатида елимланган материалдаги кимёвий боғларнинг мавжудлигини кўрсатади. Шу сабабли, кимёвий ва механик жиҳатларни бир-биридан алоҳида омиллар сифатида ажратиб қараб бўлмайди.

Механик боғланишда елим ва асоснинг ғоваклари ўртасидаги боғланишлар назарда тутилади. Механик боғланишга тиканак илмоқларининг мато ипларига илашишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бундай чигал тишлашишда илмоқларнинг ўзаро силжишига йўл қўйилмайди. Аслини олганда механик тишлашишда кимёвий таъсирлар мавжуд эмас, деб ҳам бўлмайди. Бунда ажралишга юзалардаги ишқаланиш кучлари қаршилик кўрсатади. Елимлар қотиб шакллангандан сўнг уларнинг асос юза билан ажралишига ҳам кимёвий, ҳам механик кучлар қаршилик кўрсатади. Ғовакларга кириш орқали механик тишлашиш кучларини аниқ ўлчаб бўлмайди, ғоваклар кичик бўлса тишлашиш кучи ҳам кам бўлади. Шунини таъкидлаш керакки, механик боғлар нормал кучларга катта қаршилик кўрсатади. Бундан ташқари, кўпчилик юзалар механик боғланиш учун етарли даражадаги ғадир-будирликка эга бўлмаслиги мумкин. Бундай боғланишни таъминлаш учун юзани абразив материал билан ишқалаб текислаш зарур.

Бундай боғланиш ҳосил бўлиши учун елим ва асос ўртасида ўзаро мослашувчанлик ҳам бўлиши лозим. Бундай мослашувчанлик кўпчилик полимерларда кузатилмайди. Кучли тармоқли боғланиш фақат кимёвий ва

механик боғлар ҳисобига мавжуд бўлади.


Бошқа назариялар, асосан механик нуқтаи назардан эмас, балки кимёвий боғлар орқали ифодаланади. Уларга кўра елим ва асос юза орасида молекуляр даражадаги контакт кучлари мавжуд бўлади. Бу кимёвий таъсирлашиш кучлари ортиб бориш тартибида кўриб чиқилади. Турли хил боғларнинг афзалликлари 2-жадвалда келтирилган, шу билан бирга 3-расмда баъзи боғланишлар ҳам кўрсатилган. Шунини таъкидлаш керакки, кучли боғ ҳосил бўлиши учун бундай боғлар жуда кўп бўлиши ва таъсирлашиш сирти бўйлаб текис тақсимланган бўлиши керак.

Жадвал 2.3. Кимёвий боғлар мустаҳкамлиги

<b>Боғланиш тури</b>	<b>Bond Energy (kJ·mol<sup>-1</sup>) Боғланиш энергияси</b>
Primary bonds (асосий боғлар) Ionic (ионли боғланиш)	600–1100
Covalent (ковалент боғланиш)	60–700
Metallic, coordination (металл, координацион боғланиш)	110–350
Donor-acceptor bonds (донор-акцепторли боғланиш) Bronsted acid-base interactions (кислотали-асосли таъсирлашишдаги Брэнстед кучлари)	Up to 1000  1000 гача
Lewis acid-base interactions (кислотали-асосли таъсирлашишдаги Льюис кучлари)	Up to 80 80 гача
Secondary bonds (иккиламчи боғлар) Hydrogen bonds, excluding fluorines (водород боғлар, фторни истисно қилганда)	1-25
VanderWaals bonds (Ван-Дер Вальс кучлари) Permanent dipole-dipole interactions (доимий диполь-диполь таъсиридаги кутбли боғланиш)	4-20
Dipole-induced dipole interactions (диполлар таъсирида пайдо бўлган кутбли боғланиш)	Less than 2 2 гача
Dispersion (London) forces (Дисперс (Лондон) кучлари)	0.08–40

Бу кучларнинг энг кичиги дисперс боғланишга тўғри келади. Дисперсион кучлар бир-бирига жуда яқин жойлашган молекулалар ва уларнинг таркибий қисмлари ўртасида пайдо бўлади. Дисперсия кучи - кутбланмаган молекулаларни боғловчи асосий восита ҳисобланади (масалан, полиэтилендаги каби). Елим ва асос юза ўзаро молекуляр контактда бўлганда бу кучлар жуда суст бўлади, бу куч атомлар орасида бўлганда эса жуда катта

куч пайдо бўлади. Гекконнинг девор ва шипларда юриши ушбу кучга асосланган.



Расм 2.2. Боғланишкучлари: (а) иккита углеводород занжиридаги дисперсион боғланиш (полиэтилендаги каби); (b) иккита карбонил гуруҳидаги диполь боғлари (полиэстердаги каби); (c) целлюлоза сегменти ва фенол-формальдегид полимери орасидаги водород боғлари, (d) аммоний ва карбоксил гуруҳлари ўртасидаги ионли боғланиш.

Бошқа кучлар одатда кутбли тарзда содир бўлади. Уларнинг энг кучсизи дипол-дипол таъсирлашишида пайдо бўлади. Кутбли боғланишлар атомлар ўртасида содир бўлади, бунда доимий, табиий диполь пайдо бўлади. Агар диполларнинг мусбат ва манфий учлари бир-бирига мос келса улар ўзаро таъсирлашади.

Бундай таъсирлашиш кучлари диполларнинг муайян тартибда жойлашишига боғлиқ. Бундай жойлашиш кичик молекулалар учун осон кечади, бироқ иккита занжир орасида уларнинг ҳаракати чекланганлиги сабабли қийин кечади. Дипол-дипол таъсирлашиши натижасида пайдо бўлган кутбли боғланиш одатда доимий диполлар таъсирида пайдо бўлган кучларга нисбатан анча суст бўлади, полимер макромолекулаларининг текис

жойлашмаслигига сабаб бўлади.

Иккиламчи боғланишлар ичида энг кучлиси водород боғлари таъсирида пайдо бўлади. Бу турдаги боғланишлар кутбланган таркибларда (азот, кислород, олтингугурт ва водород, карбонил гуруҳларида) содир бўлади. Бундай боғланишда водород атоми иккита кутбланган гуруҳга тақсимланади, бундай боғлар асосан ёғоч ва елим молекулалари ўртасида пайдо бўлиш эҳтимоли юқори, чунки иккаласида ҳам кутбланган гуруҳлар кўп. Деярли барча ёғоч компонентлари гидроксил гуруҳларига бой ҳисобланади ва баъзи мураккаб эфирлар ва кислоталарда карбоксил гуруҳлари мавжуд бўлади. Бу гуруҳларнинг иккаласи ҳам кучли ички водород боғларини ҳосил қилиб ёғочнинг мустаҳкамлигини таъминлайди, шунингдек, бу боғлар ташқи водород боғланишларида ҳам иштирок этади.


Барча ёғоч елимларида ички ва ташқи водород боғларини пайдо қиладиган кутбланган гуруҳлар мавжуддир.

Ҳайвонот ва ўсимлик елимларининг мустаҳкамлиги асосан улардаги мавжуд водород боғларига ва елимдаги когезион кучларга боғлиқ бўлади.

Кўпчилик синтетик елимларнинг когезион мустаҳкамлиги водород боғларига боғлиқ эмас, чунки уларда ички чокланиш кучлари мавжуд, бироқ улар ҳам шубҳасиз ёғоч билан водород боғларини ҳосил қилади. Водород боғларининг ўзига ҳослиги шундаки, улар намлик таъсирида парчаланadi. Сув ва водороднинг бошқа бирикмалари ўзларини водород боғларидаги мавжуд бўлган икки хил шаклда тутиши мумкин. Бу жараён ички боғларни кучсизлантиради ва улар ташқи кучларга суэт қаршилик кўрсатади. Ёғоч материали ҳам нам ҳолатда бундай боғланишларга эга бўлмайди. Ёғоч ва елим ўртасидаги боғланишлар ҳам шундай бўлади - водород боғлари анча кучсизланиб, нуқсонлар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Иккиламчи боғларнинг (дисперсион, икки кутбли ва водород боғлари) қизиқ жиҳати шундаки, улар ковалент боғлардан фарқли равишда қайта тикланиши мумкин. Водород боғларининг қайта тикланиши ёғоч кўпчилик боғлар сустлашганда ҳам ўзининг мустаҳкамлигини йўқотмасдан туришига сабаб бўлади. Елимлардан фойдаланганда бу жараён елимнинг ёғочга мослашишига ва ёғоч деформациясига қандай таъсир қилиши жуда аниқ эмас, бироқ улар катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Одатда, кўпчилик материалларда энг катта таъсир кучи елим ва асос ўртасидаги ковалент боғларидан ҳосил бўлади. Ёғочдаги учта асосий компонентда - целлюлоза, гемицеллюлоза ва лигнинда гидроксил гуруҳлари мавжуд бўлиб, кўпчилик елимлар гидроксил гуруҳлари билан таъсирлашади, ва шубҳасиз, чокланиш реакцияси содир бўлади. Бироқ, бошқа олимларнинг таъкидлашича, кўп миқдорда намликнинг бўлиши бу боғларни сусайтиради.



Донор-акцептор боғлари таъсирида кучли боғланишлар пайдо бўлиши мумкин. Буларнинг ичида ёғоч-елим тизимида энг кўп тарқалгани Брёнстед кислота-асос кучларидир. Баъзи катион ва анионлар ўртасидаги кислота-асос

таъсир кучлари асосга елимнинг ёпишишида кузатилади. Ёғочда баъзи бир карбоксилли кислоталар мавжуд бўлиб, улар елимлар билан туз ҳосил қилади, бу тузлар меламинаформальдегиддаги, оксил ва аминли эпоксид елимларидаги амин гуруҳлари каби асос гуруҳларни ўз ичига олади.

Одатда елимнинг ёғочга ёпишиши катта таъсир кучига эга.

Бу ёпишиш ҳодисаси – таъсирлашиш кучларининг вақт бўйича частотаси йиғиндисидан иборат деган далилни инкор этади. Шундай қилиб, ковалент боғлар, камроқ пайдо бўлади ва улар водород боғлари ёки дипол-дипол қутбли боғлари каби муҳим эмас. Водород боғлари сув таъсирида парчаланганлиги сабабли нам ҳолатдаги ёғочда сустроқ бўлади. Бу ерда ёғочда фақат битта кучли боғланишни ҳосил бўлиши ҳақида эмас, балки кўплаб миқдордаги боғланишларнинг ҳосил бўлиши ҳақидаги фикрлар муҳимроқ. Шунинг ҳам эътиборга олиш керакки, елимнинг ёғочга кучли боғланмаслигига елимнинг ўзида ёки асос юза билан орасидаги фазада боғланиш кучларининг етарли эмаслиги сабаб бўлади.

Адгезия назариясига кўра ёпишиш ҳодисаси боғ ҳосил бўлиш босқичларига боғлиқ эмас, боғлар узилганда унинг электростатик табиатга эга эканлигини кўриш мумкин. Бунда елим ва асос юза ўзаро бир-бирига мос бўлиши зарур.

Бошқа бир назарияга кўра ёпишқоқлик инкор қилиниб, полимер ва ёғоч аралашмаси монолит бирикма ҳосил қилиши зарурлигини таъкидланади.

Шунингдек, елим молекулалари ёғоч хужайралари деворларига шимилади ва бир неча хил ёғоч-елим структураларни ҳосил қилиши ҳақидаги назария ҳам мавжуд.

Бу назарияларнинг кўпчилиги боғлар ҳосил бўлишини тушуниш учун жуда муҳим бўлиб, елим чокларининг узилишига катта қаршилик кўрсатади. Муҳими шундаки, боғланишлар пайдо бўлаётганда, кучлар юза бўйлаб бир жойда тўпланиши ёки бир хилда тақсимланиши мумкин. Агар кучлар юза бўйлаб текис тақсимланган бўлса, у ҳолда боғланиш кучи камроқ бўлади.

Кўпинча, қайси адгезия назарияси тўғри, деган савол пайдо бўлади. Бу ерда бир нарсага - елим ва ёғочнинг ўзаро таъсирлашишига эътиборни қаратиш тўғри бўлади. Вариантлар жуда кўп, умумий жиҳатдан олиб қараганда, елим қанча ёпишқоқ бўлса, юзада шунча кучли боғ ҳосил қилади.

### **Ёғоч структурасининг адгезияга таъсири**

Елим ва ёғоч ўртасидаги боғларни тушуниш учун ёғоч структурасининг ўзига хослигини, энергиянинг тақсимланишини ва атроф муҳит таъсирида ёғочнинг ўзгаришини эътиборга олиш керак. Ёғоч кўп жинсли материал саналади. Елим ёғоч юзасидаги кўплаб турдаги биркмалар билан боғланиши зарур бўлади.

Юмшоқ ёғочларда бўйлама трахеидлар кўпчиликни ташкил этганлиги сабабли ёғоч юзасида улар бўйламасига кесилган ҳолатда очик бўлади. Паренхим хужайралари (ўзак нурлари ва смола йўллари) ҳам елим билан боғланадиган кўшимча юзалар ҳисобланади. Қаттиқ ёғочларда либриформ

толалари ва йирик найчалар асосий таъсир юзасини ҳосил қилади, уларга ўзак нурлари ва бошқа ҳужайралар ҳам қўшилади. Ёғоч структурасида эрта етилган юпқа деворли ва кеч етилган қалин деворли ҳужайралар унинг юзасини жуда мураккаблаштириб юборади.

Елим ва ёғоч ўртасидаги боғланиш ўлчами одатда миллиметрларда ўлчанади. Бироқ, ёғоч-елим боғланишлари миллиметр, микрометр ва нанометрларда ҳам ўрганилиши зарур. Миллиметрлар билан оддий кўз билан чамалаганда ёки ёруғлик микроскопларида ўлчанади. Электрон микроскопияда эса ҳужайралар даражасида, микрометрларда ўлчанади. Целлюлоза толалари, гемицеллюлоза ва лигнинлар нанометрларда ўлчанади.

Нанометр даражасида елим молекулаларининг ёғоч молекулалари билан боғларининг шаклланиши ўрганилади. Атом микроскоплари нано ўлчамларни ўлчашга имкон беради, бироқ ёғочнинг сирти жуда ҳам дағал бўлиб уни микрометрларда ифодалаш қулай.

### **Назорат саволлари:**

1. Фанерадаги адгезия кучларини изоҳлаб беринг.
2. МДФ плитасида бўлиши мумкин бўлган кимёвий боғларни таърифлаб беринг.
3. ДСП пластигида бўлиши мумкин бўлган кимёвий боғларни таърифлаб беринг.
4. ДСтП плитасида бўлиши мумкин бўлган кимёвий боғларни таърифлаб беринг.
5. ОСП плитасида бўлиши мумкин бўлган кимёвий боғларни таърифлаб беринг.
6. МДП да бўлиши мумкин бўлган кимёвий боғларни таърифлаб беринг.
7. Эгиб елимланган заготовкларда бўлиши мумкин бўлган кимёвий боғларни таърифлаб беринг.
8. ХДФ плитасида бўлиши мумкин бўлган кимёвий боғларни таърифлаб беринг.
9. ЛУДП плитасида бўлиши мумкин бўлган кимёвий боғларни таърифлаб беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар :**

1. Krishan K. Chawla. Composite Materials. Science and Engineering. Third Edition. Springer Science, New York-London, 2012. - 137-194 p.
2. D.R. H. Jones, Michael F. Ashby. Engineering Materials 2: An Introduction to Microstructures and Processing. Fourth Edition. Elsevier, UK, 2012. - 239-379 p.
3. William D. Callister, Jr., David G. Rethwisch. Materials Science And Engineering. An Introduction. Eight Edition. USA, Wiley, 2010. - 647-652 p.
4. Roger M. Rowell. Handbook of Wood Chemistry and Wood Composites. ISBN-13: 978-1439853801. CRC Press; 2 edition; 2012. - 215-273 p.

### 3-мавзу: Металл матрицали полимерлар турлари ва олиш жараёнлари. Композитлар микромеханикаси ва макромеханикаси.

#### Режа:

- 3.1. Металл матрицали композитлар.
- 3.2. Металл матрицали композитларни турлари ва олиш жараёнлари.
- 3.3. Композитлар микромеханикаси ва макромеханикаси.

**Таянч иборалар:** металл, матрица, пўлат, алюминий, никель, САП, гафний, торий, қотишмалар, кукун (порошок) металлургияси, эвтектик қотишма, кристаллизация катализатори, керметлар, дисперс–мустаҳкамлаштирилган, фуллерен, оловбардош, контрукцион, қатламли металл-композитлар, Duralcan.

#### 3.1. Металл матрицали композитлар.

Металлар универсал конструкцион материаллардир. Металлар ўзининг мустаҳкамлиги ва қаттиқлиги билан ажралиб туради. Металлар пластик деформация қилиниши ва уларнинг хоссалари турли усуллар билан кучайтирилиши мумкин, бу асосан дислокациялар деб аталадиган чизикли дефектларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлади. Металл матрицали композитларнинг (ММК) 3 тури мавжуд:

- Дисперс-мустаҳкамлаштирилган ММК
- қисқа тола ва мўйловлар билан армировка қилинган ММК
- узлуксиз тола ва листлар илан армировка қилинган ММК.

3.1-жадвалда металл матрицали композитларда энг кенг қўлланиладиган армировка материалларининг ўлчамлари ва диаметр / узунлиги нисбатлари келтирилган<sup>15</sup>:

Type	Aspect ratio	Diameter (µm)	Examples
Particle	~1-4	1-25	SiC, Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> , WC, TiC, BN, B <sub>4</sub> C
Short fiber or whisker	~10-1,000	0.1-25	SiC, Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> , Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> + SiO <sub>2</sub> , C
Continuous fiber	>1,000	3-150	SiC, Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> , Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> + SiO <sub>2</sub> , C, B, W, NbTi, Nb <sub>3</sub> Sn

Дисперс–мустаҳкамлаштирилган ММК энг кенг тарқалган бўлиб, узлуксиз толалар билан мустаҳкамлаштирилган композитлардан кўра арзонроқлиги ва хоссалари изотроплиги билан фарқланадилар.

<sup>15</sup> Krishan K. Chawla. Composite Materials. Science and Engineering. Third Edition. Springer Science, New York-London, 2012.- 198 p.

Замонавий технологияларда нано ўлчамли фуллеренлар билан мустаҳкамлаштириш катта қизиқиш туғдирмоқда. Фуллеренлар (C<sub>60</sub>-энг кенг тарқалганлиги)-енгил ва бўлиқга эга. Баррера ва б. (1994) ўз тадқиқотларида порошок металлургия усулари ёрдамида фуллерен /металл композицион материаллар таркибини яратган. Мис-фуллерен композитлар мисни фуллерен устига пуркаш (аргон атмосферасида) натижасида олинди.

Ноль-ўлчамли тўлдиргичлар билан композитлар ўзларининг изотроплиги билан ажралиб турадилар. Дисперс мустаҳкамлаштирилган композициялар кукун металлургия усуллари ёрдамида ишлаб чиқарилади. 1-мавзуда САП композитининг таркибини келтирган эди (жадвал 1.1.).

### **Никель матрицали композицион материаллар**

Никель матрицали композицион материалларда мустаҳкамлаштириш компоненти сифатида токсик торий оксиди (ThO<sub>2</sub>) ёки гафний диоксиди қўлланилади (HfO<sub>2</sub>). Бу композицион материаллар ВДУ-1 ва ВДУ-2 деб аталади: улар пластик хоссаларга эга, турли усуллар ёрдамида ишлов берилиши мумкин (ковка, штамповка, осадка, чуқур тортиб олиш). ВДУ таркибли деталларни пайлашда юқори ҳароратли пайвандлаш ёки диффузион сварка қўлланилади. Авиация двигателларини тайёрлашда ВДУ-2 композит қотишмалари кенг қўлланилади.

Оловбардош никель қотишмаларини армировка қилишдан мақсад – уларнинг иш ҳароратини 1100–1200 Сгача кўтариш ва ишлаш вақтини узайтиришдир. Никель қотишмаларини мустаҳкамлаштириш учун ипсимон кристаллар, оловбардош ва қийин эрийдиган металллар ва қотишмалар, углерод ва кремний карбиди толаларидан фойдаланилади.

Эвтектик композицион материаллар –эвтектик таркибли композитлар. Бу композитларда мустаҳкамлаштирувчи фаза сифатида масса таркибида йўналтирилган кристаллизация жараёнлари натижасида ҳосил бўлган кристаллар хизмат қилади. Бундай композитлар Al, Mg, Cu, Co металлари асосида олинган. Алюминий композитлари енгиллиги, кичик зичлиги ва зўр мустаҳкамлиги муносабатини билан аэрокосмик соҳада кенг қўлланилади. Al-Cu-Mg ва Al-Zn-Mg-Cu таркибли қотишмалар ҳам катта эътиборга эга.

Алюминий-литий қотишмалари махсус дисперс-қотадиган алюминий қотишмалар турига мансуб. Алюминийга литий қўшилганда қотишманинг янада зичлиги пасаяди ва эластиклик модули ўсади. Бундай таркиблар асосан аэрокосмик йўналишларда фойдаланилади. Al-Li, Al-Cu-Mg ва Al-Zn-Mg-Cu қотишмалари – эвтектик композитларга киради (кристаллизация давомида қотади).

Никель асосидаги эвтектик композитлар – оловбардош материаллар сифатида ракета ва космик техникасида қўлланилади. Асосий металл ва қотишмаларнинг хоссалари 2.3. жадвалида келтирилган.

Қатламли металл композитлар – кенг спектрдаги хоссаларга эга бўлган муҳим материаллар синфидир. Асосий хоссалари: юқори мустаҳкамлиги, коррозияга бардошлиги, электр- ва иссиқлик ўтказувчанлиги, оловбардошлиги, ишқаланишга чидамлилиги.

Жадвал 3.2. Кенг тарқалган металл ва қотишмаларнинг механик хоссалари<sup>16</sup>

Property	$E$ (GPa)	$\sigma_y$ (MPa)	$\sigma_{max}$ (MPa)	$K_{Ic}$ (MPa m <sup>1/2</sup> )
Aluminum	70	40	200	100
Copper	120	60	400	65
Nickel	200	70	400	350
Ti-6Al-4V	110	900	1,000	120
Aluminum alloys (Low strength-high strength)	70	100-380	250-480	40-23
Plain carbon steel	210	250	420	140
Stainless steel (304)	195	240	365	200

Бугунги кунда бундай материаллар денгиз кемалари -, авто-, трактор созишда, турли ускуналар тайёрлашда, металлургияда, тоғ конлики, нефт, машинасозиш саноатида кенг қўлланилмоқда. Поли- ва биметаллардан листлар, ленталар, трубкалар, сим, труба, фасон профиллари, деталлар ва бошқа конструкциялар тайёрланмоқда. Бу эса юқори легирланган пўлатлар, дефицит ва қимматбаҳо рангли металлларни ( Ni, Cu, Cr, Mo) тежашга имконият беради.

Қатламли металл-композитлар функционал хоссаларига асосан бир нечта турларга бўлинади: коррозия бардош, антифрикцион, электротехник, инструментал ва б.

Қатламли металл-композитлар асосида буюмлар турли усуллар ёрдамида ишлаб чиқарилади: қуйиш, қуйиш плакирлаш, прокат, пайвандлш ва наплавка.

Масалан, юқори ҳароратларда эксплуатация қилинадиган реактив двигателлар ёниш камерасини ичида молибден ва вольфрам симлари титан матрица асосидаги композитлар қўлланилади. 1093°C ҳароратда энг юқори мустаҳкамликка ( $\sigma_b = 2.2$  ГПа) эга W—Re—Hf—C таркибли сим никель ва кобальт суперқотишмаларининг ушбу температурадаги мустаҳкамлигидан 6 баробар каттадир.

### 3.2. Металл матрицали композитларни турлари ва олиш жараёнлари.

Янги металл матрицали композитларни турлари: боралюминий (бор толаси — алюминий қотишмаси матрицаси), углерод-алюминий (углерод толали композитлар), титан ёки титан-алюминид матрицасида кремний карбиди толалари билан композитлардир.

<sup>16</sup> Krishan K. Chawla. Composite Materials. Science and Engineering. Third Edition. Springer Science, New York-London, 2012.- 210-214 p.

## **Куқун металлургияси (Порошок металлургияси) усулида металл композитларни олиш.**

Куқун металлургия усули – куқун материалларни ёки металлсимон бирикмаларни уларни эритмасдан олиш усуллариدير.

Куқун металлургия усули қўйидаги технологик босқичлардан иборат:

1) металл ва бошқа материалларнинг куқунини ишлаб чиқариш;

2) кимёвий биржинсли кўпкомпонентли шихта тайёрлаш учун куқунларни аралаштириш ва қаттиқ боғловчи (смазка) ёки пластификатор қўшиш;

3) куқундан преслаш ёки прокатки қилиш усули ёрдамида заготовка (форма) тайёрлаш: боғловчи (связка) қўшиш ёки қўшмасдан бажариш мумкин.

4) заготовкани пишириш (асосий компонентни эриш ҳароратидан пастроқ ҳароратларда бажарилади);

5) пишган буюмга қўшимча ишлов бериш – механик ишлов, махсус қопламалар суриш ва б.

Куқунли металлургия усули иқтисодий жихатдан самарадорлигини кўрсатди:

1) механик ишловда материал йўқотишлар кескин камаяди (куқунли усули учун йўқотишлар 5...7%, қуйиш ва прокатка қилиш усулларида - 70%ни ташкил қилади);

2) ишлаб чиқаришда меҳнат сарфини камайтириш (технологик операциялар 30-40 дан 4 – бгача камаяди);

3) турли усқуналарнинг ишдан озод қилинади;

4) ишлаб чиқариш учундорлиги 2 – 2,5 мартаба ошади.




## **Суюқ фаза иштирокида композитлар ишлаб чиқариш жараёнлари.**

Юқори эриш ҳароратига эга бўлмаган металллар, масалан алюминий, суюқ фаза иштирокида ишлаб чиқарилиши мумкин.

Замонавий суюқ фазали жараёнлар асосида композитларни ишлаб чиқариш – бу Duralcan жараёни.

3.1-расмда Duralcan жараёнинг технологик схемаси келтирилган. Бу жараёнда керамик заррачалар ва алюминий брусоти аралаштирилади ва эритилади. Жараёнда қўлланиладиган заррачалар ўлчами - 8-12 мм. Суюлтма ликвидус температурасидан юқорироқ ҳароратда- 600- 700 °Сда аралаштириб турилади. Тайёрланган суюлтма экструзия, брусот ҳолида қуйиш, прокатка

қилиш орқали формовка қилинади<sup>17</sup>



Расм 3.1. Duralcan жараёнининг технологик схемаси.

Узлуксиз толалар билан армировка қилинган металл матрицали композитлар ишалб чиқаришда тола жгутлари металл суюқликли ваннадан тортилади. Ваннада алоҳида толалар суюқ металл билан қопланади, суюқлик ортиқчаси тозаланиб, композит сим тайёрланади. 3.2.-расмда шундай усулда тайёрланган симни микротасвири келтирилган. Композитнинг таркиби: кремний карбиди толаси алюминий матрицаси.




Fig. 6.3 A silicon carbide fiber/aluminum wire preform. SiC fibers can be seen in the transverse section as well as along the length the wire preform

Расм 3.2 . Кремний карбиди толаси алюминий матрицаси композит симини микротасвири.

### Пресслаш усули.

Пресслаш усули суюқ металлни толали заготовка таркибига киритиш учун қўлланилади. 3.3.-расмда пресслаш усулининг 2 тури кўрсатилган.

<sup>17</sup> Krishan K. Chawla. Composite Materials. Science and Engineering. Third Edition. Springer Science, New York-London, 2012.- 202-203 p.




Fig. 6.4 (a) Press forming of a preform. (b) Suction forming of a preform

Расм 3.3. Пресслаш усулида композитлар ишалб чиқариш схемаси.

### Қуйиш ва пресслаш технологияси.

Керакли йўналишда мустаҳкамлаштириш учун қуйиш ва пресслаш технологияси кенг қўлланилади (3.4.-расм). Толали ғовакли заготовка (одатда, қисқа  $Al_2O_3$  толалари, Saffil компанияси) пресс формага жойлаштирилади. Суюлтирилган алюминий олдиндан қиздирилган пресс формага қуйилади (пресс форма гидравлик прессни ичида жойлаштирилган). 70-100 МПа босими таъсирида алюминий суюлтмаси толани ичига кириб, уларни бир бири билан боғлайди.

### 6.3 Processing

205




Fig. 6.5 (a) Squeeze casting technique of making a metal matrix composite. (b) The microstructure of Saffil alumina fiber/aluminum matrix composite made by squeeze casting. [Courtesy of G. Eggeler]

Расм 3.4. Қуйиш ва пресслаш усулининг технологик схемаси.

### 3.3. Композитлар микромеханикаси ва макромеханикаси.

Композитлар микромеханикасига унинг таркиби ва структураси катта таъсир кўрсатади.

#### Зичлик

Композитларнинг зичлиги унинг массаси ва ҳажмига боғлиқдир. Композитнинг массаси унинг таркибий компонентлари (масалан, тола ва матрица) массасининг суммасига тенг (3.1.-формула).

$$m_c = m_f + m_m \quad (3.1.)$$

Бу ерда  $c$ ,  $f$ , и  $m$  - композит, тола ва матрица символлари. Композитларда ғоваклар бўлган ҳолда ҳам 3.1. формула тўғри келади. Аммо композитнинг ҳажмини ҳисоблаганда ундаги ғовакликларни эътирга олиш керак бўлади (3.2.-формула).

$$V_c = V_f + V_m - V_v \quad (3.2.)$$

Шунда композитнинг зичлиги (3.4.)-формуласи орқали ҳисобланади:

$$\begin{aligned} \rho_c &= \frac{m_c}{V_c} = \frac{m_c}{V_f + V_m + V_v} = \frac{m_c}{M_f/\rho_f + M_m/\rho_m + V_v} \\ &= \frac{1}{M_f/\rho_f + M_m/\rho_m + V_v/m_c} \\ &= \frac{1}{M_f/\rho_f + M_m/\rho_m + V_v/\rho_c V_c} \\ &= \frac{1}{M_f/\rho_f + M_m/\rho_m + V_v/\rho_c} \end{aligned} \quad (3.3.)$$

$$\rho_c = \frac{\rho_c}{\rho_c \left[ M_f/\rho_f + M_m/\rho_m \right] + V_v}$$


$$V_v = 1 - \rho_c \left( \frac{M_f}{\rho_f} + \frac{M_m}{\rho_m} \right). \quad (3.4.)$$

(3.3.)-формуласи ёрдамида композитлардаги бўшлиқларнинг ҳажм умулишини тўғридан-тўғри аниқлашимиз мумкин.

#### Композитларнинг асосий хусусиятлари:

##### Анизотропияси.

Қўлланилган йўналишга қараб композитларнинг хосса хусусиятлари



фарқланиши мумкин. Баъзи вақтларда анизотропия керак бўлади, баъзида эса композитларнинг камчилиги деб тан олинади (қўллаш соҳасига кўра).

### **Юқори солиштирма ҳажми.**

Одатда композитлар юқори солиштирма ҳажмга эга. Бу камчилик композитларни баъзи соҳаларда қўлланилишига тўсиқлар туғдиради.


### **Гигроскопиклиги.**

Композицион материаллар гигроскоп хусусиятга эга. Композитларнинг ички структураси бир текисликда бўлмаганлиги сабабли, улар намликга сезгир бўлади. Узоқ эксплуатация вақтида ва кўп маротаба музлаш-эриш ҳароратларида ишлайдиган композитларда сув материал структурасига кириб. Уни бузилишига олиб келиши мумкин.

### **Токсиклиги.**

Эксплуатация вақтида композитлар токсик газ ва буғлар ҳосил қилиши мумкин.

Композитлар макромеханикаси қўйидаги схемада келтирилган:



**Fig. 11.1** Macromechanical analysis of laminate composites. A unidirectional ply is treated as a homogeneous, orthotropic material. Many such plies are stacked in an appropriate order (following laminated plate or shell theory) to make the composite [reprinted from McCullough (1971), courtesy of Marcel Dekker, Inc.]

Расм 3.5. Қатламли композитларнинг макромеханикаси. Бир текисликда йўналтирилган қатламлар гомоген ортотропик материал ҳисобланади. Ушбу қатламлар тартибли жойлаштириш натижасида йўналтирилган структурали ламинат ҳосил бўлади.

### **Назорат саволлари:**

3.1. Металл матрицали композитлани ишлаб чиқаришда босим остида куйиш усули кенг қўлланилади. Сабабини тушунтириб беринг.

3.2. Металл композитлар хоссаларини монокристалл металл билан солиштиринг. Уларнинг афзалликларини келтиринг.

3.3. Металл матрица композитларни полимер матрицали композитлар билан солиштиринг. Уларнинг афзалликларини келтиринг.

3.4. Суюқ фаза ёрдамида металл композитларни ишлаб чиқариш усулини бошқа усуллар билан солиштиринг. Камчиликлари ва афзалликларини келтиринг.

3.6. Алюминий ва магний – асосий матрица материаллари. Суюқ ҳолда уларнинг қовушқоқлиги қандай?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Krishan K. Chawla. Composite Materials. Science and Engineering. Third Edition. Springer Science, New York-London, 2012. -197-243 p.
2. D.R. H. Jones, Michael F. Ashby. Engineering Materials 2: An Introduction to Microstructures and Processing. Fourth Edition. Elsevier, UK, 2012. -3-24, 108-134 p.
3. William D.Callister, Jr., David G.Rethwisch. Materials Science And Engineering. An Introduction. Eight Edition. USA, Wiley, 2010. -343-436 p.
4. Тялина Л.Н., Минаев А.М., Пручкин В.А. Новые композиционные материалы. Учебное пособие. Тамбов: ГОУ ВПО ТГТУ, 2011.-55-70 с.
5. [L.Fiocco](#), [Z.Babakhanova](#), [E.Bernardo](#). Facile obtainment of luminescent glass-ceramics by direct firing of a preceramic polymer and oxide fillers. *Ceramics International Journal*. Available online 10 February 2016. <http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0272884216000833>
6. З.А.Бабаханова, М.Х.Арипова. Кремний-органик бирикмалар асосида техник керамика материаллар синтези. *Ўзбек кимё журнали*. 2015, №3, 16-21 б.
7. Enrico Bernardo, Laura Fiocco, Giulio Parcianello, Enrico Storti, Paolo Colombo. Advanced Ceramics from Preceramic Polymers Modified at the Nano-Scale: A Review. *Materials* 2014, 7, 1927-1956 p.; doi:10.3390/ma7031927.
8. Шевченко А.А. Физикохимия и механика композиционных материалов. – М. : Профессия, 2010. – 120-130 с.

## 4-мавзу: Керамик матрицали композитларни олиш усуллари. Углерод-углеродли композитлар. Композитлар билан дизайн. Ноанъанавий композитлар. Наноккомпозитлар. Биоккомпозитлар.

### Режа:

- 4.1.Керамик матрицали композитларни олиш усуллари.
- 4.2. Углерод-углеродли композитлар.
- 4.3. Композитлар билан дизайн.
- 4.5.Ноанъанавий композитлар.
- 4.6.Наноккомпозитлар. Биоккомпозитлар, биоккерамика.
- 4.7. Гибрид композитлар.

**Таянч иборалар:** керамика, композит, совуқ пресслаш, иссиқ пресслаш, кремний органик бирикма, керамик тола, прекурсор, керамизация, графитизация, техник керамика, нано-тупроқ, наноккомпозит, биоккомпозит, гибрид системалар, дизайн, углерод, графит.

### 4.1.Керамик матрицали композитларни олиш усуллари.

Керамик матрицали композитларни олиш усуллари керамик кукунлар асосида материаллар ишлаб чиқариш технологиясига асосланиб (совуқ ва иссиқ пресслаш, изостатик пресслаш) тайёрланиши, ёки замонавий наъанавий усуллар ёрдамида ҳам олиниши мумкин.

#### Совуқ пресслаш ва куйдириш.

Матрица ва толаларнинг совуқ пресслаш ва уни куйдириш – керамик материаллар ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган усулдир. Аммо бундай усулда пишириш давомида **матрица қисқаради** (усадка) ва материал **ичида ёриқлар пайдо бўлади**. Композитларда яна бир муаммо - узун толалар матрица материалида тўрлар ҳосил қилиб, матрицада текис тақсимланмаслиги мумкин. **Бундан ташқари керамик матрица ва армировка компонентининг термик кенгайиш коэффиценти ҳам катта эътиборга эга**. Уларнинг орасидаги фарқ жуда катта бўлган ҳолларда композит материал совутилиши/қиздирилиши вақтида компонентлар ҳар хил тезликда кенгайди ва материал бузилиши намоён бўлади (Bordia ва Raj 1988; De Йонге ва б. 1986; Сакс ва б.,1987; Rahaman ва Де Йонге 1987; Prewo 1986).




## Иссиқ преслаш

Керамик матрицали композитлар ишлаб чиқаришда иссиқ преслаш кенг қўлланиди. Бунда бир вақтда юқори ҳарорат ва босимни таъсир этиш зич структурали, ғоваксиз ва майда заррачали материал олишга имконият беради.

Масалан, суспензия усулида узлуксиз шиша тола билан армировка қилинган шиша композитлар (Sambell ва б. 1974; Филлипс 1983; Cornie 1986 и др.; Prewo ва Бреннан 1980; Бреннан ва Prewo 1982; Чавла ва б. 1993а, б) олиш мумкин.

Суспензия жараёнида керамик матрицали композит олиш усули қўйидаги тартибда бажарилади:

1. Матрицага армировка фазасини жойлаштириш.
  2. Иссиқ преслаш натижасида матрицани қотириш.
- 4.1.-расмда ушбу жараённинг схемаси келтирилган.



Расм 4.1. Керамик матрицали композитни суспензия билан ҳўллаш ва иссиқ преслаш усулининг технологик схемаси<sup>18</sup>.

Биринчи босқичда толани текислаштириш жараёни ҳам намоён бўлади. Суспензия таркибида матрица кукуни, эритгич (сув ёки спирт) ва органик боғловчи бўлади. Органик боғловчи қотишдан аввал куйиб кетади. Баъзи вақтларда толани яхши ҳўлланишини таъминлаш мақсадида махсус агентлар ҳам қўшилади. Ҳўлланган толалар ва жгутлар барабанга тортилади ва қурилади. Ундан кейин ярим маҳсулот (препреглар) қирқилади ва графит

<sup>18</sup> Krishan K. Chawla. Composite Materials. Science and Engineering. Third Edition. Springer Science, New York-London, 2012.- 251p.

формасида жойлаштирилади. Унга юқори босим ва ҳарорат таъсир эттирилади. Натижада йўналтирилган структурага эга бўлган композит ҳосил бўлади.

Керамик материалларнинг толалар билан мустаҳкамлаштириш юқори мустаҳкамликга эга бўлган композитларни олишга имконият беради, аммо қўлланиладиган мустаҳкамлаштирувчи толалар кўп эмас. Кўпинча металл толалари қўлланилади. Бунда матрицани ва мустаҳкамлаштирувчи компонентни термик кенгайиш коэффициентини эътиборга олиш зарур бўлади.

Металл заррачалар билан мустаҳкамлаштирилган керамика – **керметлар** деб аталади. **Керметлар – юқори механик мустаҳкамлик, иссиқлик зарбга бардошлиги, юқори иссиқлик ўтказувчанликга эга.** Юқори ҳароратли керметлар асосида газ турбиналар деталлари, электр печлар арматураси, ракета ва реактив техника деталлари тайёрланади. Қаттиқ ишқаланишга чидамли керметлар эса қирқиш инструментлари ва деталлари тайёрлашда кенг қўлланилади. Бундан ташқари керметлар махсус соҳаларда ҳам ўз жойини топган – уран оксиди асосидаги атом реакторларининг иссиқлик чиқариш элементларни тайёрлашда ва хоказо.



Керамик композицион материаллар иссиқ пресслаш усули (шакллаш ва босим остида пишириш жараёнлари), шликер куйиш усули (толалар матрица материали суспензияси билан ҳўлланилади, қуритилгандан сўнг, термик ишлов берилади).

### **Реакцион куйдириш жараёнлари.**

Монолит керамик материаллар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган реакцион куйдириш жараёнлари композицион материаллар ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланилади. Бу жараён қўйидаги афзалликларга эга:

- матрица қисқаришини (усадка) олдини олиш;
- армировка толаларни катта ҳажмда қўллаш мумкин;
- тартибсиз йўналтирилган, узлуксиз толаларни қўллаш мумкин;
- системаларни бир бирига бирикиш реакция ҳарорати куйдириш ҳароратида пастроқ бўлади, бу толаларни деградациядан сақлайди.


Материалнинг ғоваклиги юқори кўрсаткичларга эгаллиги **реакцион куйдириш жараёнларини энг катта камчилигидир.**

Иссиқ пресслаш ва реакцион куйдириш жараёнлари биргаликда ҳам қўлланилиши мумкин – гибрид жараён (Бхатт, Бхатт, 1986, 1990). Кремний матоси кремний кукуни, полимер боғловчи ва органик эритгич асосида тайёрланади. Тайёрланган масса керакли қалинликда мато олиш қилиш учун прессланади. Матлар керакли тартибда жойлаштирилади ва боғловчини олиб ташлаш учун термик ишлов берилади (debinderized-боғловчини олиб ташлаш жараёни) ва азот атмосферасида (ёки вакуумда) прессланади. Температура ва босим заготовкага кейинги ишлов бериш учун тақсимланади. Бу боскида кремний матрицаси кремний нитридига айланади (1100-1400 ° Сда азотли

печда олиб борилади). Кремний нитриди асосидаги матрица 30% гача фовакликга эга бўлади.

### Кремний-органик бирикмалар асосида замонавий техника керамикаси ишлаб чиқариш усуллари.

Кремний органик бирикмалар (силиконлар) ушбу кимёвий формулага эга:  $[R_nSiX_{(2-0.5n)}]_m$ , бу ерда  $R=H, CH_3$ , винил, фенил ва б. группалар;  $X=O, N, C, Si$  ва/ёки  $B$  :



Кремний органик бирикмалар асосида наноструктурали керамик матрицали композитларни олиш қўйидаги босқичлардан иборат (Расм 4.2.):


1) **Прекурсор тайёрлаш.** Силикон танлаш ва уни эритгичда эритиш, наноструктурали қўшимчалар қўшиш: металл оксидлари ва б. Эритгич сифатида этиленгликоль, ацетон ва б. қўлланилади. Аралаштириш: механик аралаштиргич, ультратовуш ваннаси.



2) **Керамизация.** 300-450 °C да 6-12 соат давомида ишлов бериш. Натижада аморф структурага эга керамик композиция ҳосил бўлади.


### 3. Керамик композицияни куйдириш.

Турли шакллаш усуллари ёрдамида олинган керамик композитларнинг тасвири 4.3.-расмида келтирилган.



Расм 4.2. SiHfOC таркибли керамик наноккомпозитнинг кремний-органик бирикмалар (оксикарбид қўлланилган) асосида синтез қилиш (PDC-NCs

усули): ТЭМ микросуратлар материалдаги фазалар таркибни ўзгаришини кўрсатади<sup>19</sup>.



Расм 4.3. Прекерамик полимер/нано ўлчамли тўлдиригич таркибли композицияларни турли усуллар шакллаш ва тайёрланган материалнинг микроструктураси:

а) 3D-принтерда тайёрланган шакллар (органик боғловчи томчилари кальций карбонат ва силикон кукуни устига тушуриш), ўнгда - кукунли подложкадан ажратиб олинган шакллар (куйдиришдан аввал);

б) суюқ силикон ва кальций карбонатининг шприц орқали экструзияси натижасида олинган шакллар (куйдиришдан аввал);;

с) 2 см×2 см×2 см ўлчамли SiC кремний карбидли пеноблокни чап томонда силикон қўшилмаган ҳолдагиси, ўнг томонда – суюқ силикон ва цирконий суспензиясига солинган шакллар (хавода, 1250 °Cда куйдирилган намуналар);

д) силикон боғловчиси ёрдамида ёпиштирилган сиалон ва глинозем (узун оқ чизик) тақрибли блоклар (1550 ° C да куйдирилган намуна)<sup>20</sup>.

<sup>19</sup> Enrico Bernardo, Laura Fiocco, Giulio Parcianello, Enrico Storti, Paolo Colombo. Advanced Ceramics from Preceramic Polymers Modified at the Nano-Scale: A Review. Materials 2014, 7, 1927-1956 p; doi:10.3390/ma7031927.

## 4.2. Углерод-углеродли композитлар.

Углерод-углерод толалари углероднинг гомоген ва графитланмайдиган турларидан тайёрланади. Шунинг учун бундай толалар кўмир-графит материалларнинг камчиликларидан холи бўлади: мўртлик, паст механик мустаҳкамлик, механик ва термик зарбларга бардошлиги.

**Углерод-углеродли композитларлар матрицаси**— композицион материалнинг таркибий қисми, унинг бирламчи хоссаларини узоқ вақт давомида сақланишини таъминлайди. Ушбу композитларнинг агрессив муҳитларга ва юқори ҳароратларга бардошлиги, электрик хоссалари, эрозияга ва радиацияга бардошлиги матрицага боғлиқдир.

Углерод-углеродли композитларнинг хоссалари қўлланилган хом ашё тури ва сифати, тола ва матрицаларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари ва шароитлари, ишлов бериш ҳарорати, пропитканинг миқдор, армировканинг структураси ва бошқа шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Бу кенг спектрдаги хоссаларга эга бўлган материалларни олишга имконият беради.

Масалан, армировка йўналишлари бўйича мустаҳкамлаштириш даражасини ошириш, толали каркасни матрица билан тўлдириш даражасини ўзгартириш натижасида турли хил иссиқлик-техник ва мустаҳкамликга эга бўлган, ҳар хил анизотропияга эга бўлган, турли зичликга ва ғоваклига эга бўлган материаллар олиш мумкин.

**Углерод-углеродли композитларларни пўлатлар ўрнига қўлланилишмоқда.** Металлургия ва термик жараёнлар билан боғлиқ барча соҳаларда углерод-углеродли композитларларни қўллашни чексиз имкониятлари мавжуд. Бу ерда қўйидаги хоссалар муҳим ҳисобланади:

- **Иссиқлик ўтказувчанлик, иссиқлик сиғими, зичликни паст кўрсаткичлари;**
- **2800-3000 °С ҳароратларгача юқори мустаҳкамлик хоссаларга эга бўлиши;**
- **Барча температура интервалларида силжишга мойиллиги йўқлиги;**
- **Кислоталар таъсирига бардошлиги.**



---

<sup>20</sup> P. Colombo, E. Bernardo, G. Parciannelo. Multifunctional advanced ceramics from preceramic polymers and nano-sized active fillers. Journal of the European Ceramic Society. 33 (2013). -453–469 p.


## Углерод-углеродли композитларларни ишлаб чиқариш усуллари.

Углерод-углеродли композитларларни ишлаб чиқаришнинг асосий усуллари – кўмир пластикларга юқори ҳароратли ишлов бериш ва углерод толали тўлдиргичга углеводородлар куйдиришдан ҳосил бўлган пироуглеродни солиш усуллари. Углерод-углеродли композитларларни суюқ фазали, буғ фазали ва комбинировка усулида олиш мумкин.

### Углерод-углеродли композитларларни 3 асосий ишлаб чиқариш усуллари қўйидагича:

**1 -«НПРС» усули.** Углерод толадан тўқилган мато-заготовкани иссиқлик ва босим остида термопластик полимерга (смола) шимдириш (пропитка тканых заготовок). Кейинги босқичда смола пиролизга учрайди ва натижада углеродга айланади. Бу босқичлар бир неча мартаб қайтарилиб, керакли зичликга эга бўлган материал олинади. Смола –турли молекула оғирликдаги углеводородлардир. Ўрта молекуляр масса ортиши билан углероднинг чиқиши ортади. Лекин юқори молекуляр оғирликдаги смолалар жуда қовушқоқ бўлади, бу эса толани хўллашда қийинчиликлар туғдиради.

**2- Реакцион куйдириш жараёнлари усули.** Углерод тола фенолформальдегид смоласида (терморреактив полимер) яхшилаб хўлланиб, инерт атмосферада куйдирилади.



Расм 4.4. Углерод-углеродли композитларларни реакцион куйдириш жараёнлари усулида ишлаб чиқариш тизими.

Натижада смола пиролизга учрайди ва углерод ҳосил бўлади. Олинган композит яна бир бор босим остида смоллага шимдирилади ва яна куйдирилади. Бу жараёнлар кўп мартаба қайтарилгач, зич ва мустаҳкам композит ҳосил бўлади.

Реакцион куйдириш жараёнлари усулида углерод углеродли композит ишлаб чиқариш тизими 4.4-расмда келтирилган.


**3 – Бўғ фазасидан чўктириш усули.** Бу усул “Chemical vapor

**deposition - CVD**” деб номланади ва юқори сифатли, қаттиқ ва мустаҳкам материал олиш учун ишлатилади. Тола ва преформадаги углерод толасини қушимча газли углеводородлар иштирокида қуйдирилади. Углеводородлар  $>550\text{ }^\circ\text{C}$  ҳароратларда парчаланди ва углеродга айланади. Асосан бу жараёнда метан қўлланилади. У қуйидаги реакция натижасида парчланади:



Газларнинг диффузиясини яхшилаш мақсадида паст босим ёки  $\text{H}_2$ ,  $\text{N}_2$  ёки  $\text{Ar}$  инерт газларини қўшиш мумкин.

Бўғ фазасидан чўктириш усулининг технологик тизими 4.5.-расмда келтирилган:




Расм 4.5. Бўғ фазасидан чўктириш усули ёрдамида углерод-углеродли композитларнинг ишлаб чиқариш тизими<sup>21</sup>.

### 4.3. Композитлар билан дизайн.

Композитларни дизайн қилинганда уларнинг махсус хосса-хусусиятларини эътиборга олиш керак. Биринчидан, композитлар ўз табиати бўйича микроструктура нотекислиги билан ҳарактерланади. Композитлар турли эластик хоссалари, термик кенгайиш коэффиценти ва бошқа хоссаларга эга бўлган материалларда ташкил топган бўлади. Иккинчидан, оддий монолит материаллар хусусиятлари изотроплиги билан ажралиб туради. Композитлар эса кучли анизотропияга эга. Композитлар дизайнида ушбу хоссаларни бир йўналишда кучли бўлганлигига алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

<sup>21</sup> Krishan K. Chawla. Composite Materials. Science and Engineering. Third Edition. Springer Science, New York-London, 2012.- 295 p.

Хозирги замонда композитларни таркибини ва тузилиши ўрганишда, уларнинг янги турларини дизайн қилишда компьютер тизимларининг ўрни ўта муҳим ҳисобланади. Ламинатланган композитларнинг хусусиятлари ва



Расм 4.6. Композитлар дизайннинг методологияси.

таркибини хисоблашда матрица хисоблари кўлай келади, шунинг учун махсус компьютер тизимлари ушбу хисобларни тез бажаришга имконият беради (4.6.-расмда композитлар дизайнининг методологияси келтирилган<sup>22</sup>).

Композитларни дизайнида FiberSIM компьютер дастуридан фойдаланилади. Бу дастур CAD (система автоматизированного проектирования) дастури асосида тузилган ва конструкцияларни тузишда ёрдам беради. Унинг афзалликлари:


- Композит муҳитини лойиҳалаш.
- Шаблон/унинг хоссалари. Материалнинг қалинлигини эътиборга олган ҳолда хисоблаш имконияти.
- Ламинат хоссалари – толанинг йўналишлари берилган ҳолда композитнинг керакли хоссалари таъминланади.

#### 4.4. Ноанъанавий композитлар. Нанокompозитлар. Биокompозитлар.

Ноанъанавий композитларга (полимер, металл, керамик матрицали), ўз ўзидан тикланадиган композитлар, ўз ўзидан мустаҳкамланадиган композитлар, биокompозитлар киради. Бу композитлар ҳозирги вақтда олимлар томонидан ўрганилмоқда.

##### Гибрид композит системалар

Композит таркибида бир турдан кўп толалар қўлланилган ҳолда материал гибрид композит деб аталади. Материалнинг энг муҳим жойларида унинг максимал мустаҳкамликга эга бўлишини таъминлаш мақсадида турли хил мустаҳкамлаштириш компонентлари ва уларни жойлаштириш йўналишлари қўлланилиши мумкин. Масалан, 4.7.-расмда келтирилган гибрид композитнинг тан нархини анча камайтириш мумкин: қимматбаҳо углерод толасини миқдорини камайтириш йўли билан. Аммо бу толани оптимал ҳолда жойлаштириш натижасида материал сифатига салбий таъсир кўрсатилмайди.



Расм 4.7. Углерод ва шиша толаси билан мустаҳкамлаштирилган гибрид композит.

Яна бир мисол - роман композит материал, ёки толали-металл ламинат (расм 4.8.).


Бу гибрид ~ 0,3 мм қалинликдаги алюминий, пўлат, титан, магний металл листи ва полимер- матрицали композит (РМС) препреги (толали мустаҳкамлаштирилган полимер) дан иборат. Полимер- матрицали

<sup>22</sup> D.R. H. Jones, Michael F. Ashby. Engineering Materials 2: An Introduction to Microstructures and Processing. Fourth Edition. Elsevier, UK, 2012. - 323 p.

композитдаги тола-шиша, арамид ёки углерод толасси бўлиши мумкин, матрица сифатида эса одатда эпоксид смоласи ишлатилади.

Бу материалнинг қўйидаги турлари мавжуд:

- **Glare:** шиша толаси билан мустаҳкамлаштирилган ламинат
- **ARALL:** алюминий ламинатлар, арамид толаси билан мустаҳкамлаштирилган.
- **УХОД:** углерод пластик ламинатлар.
- **ТИГР:** Титан / Графит-эпоксид ламинатлар.



Расм 4.8. Толали-металл ламинат таркиби.

## Наноккомпозитлар

Наноккомпозитлар : бу турдаги композицион материаллар таркибида ўлчамлари нанометр (нм) диапазонида бўлган битта ёки кўпроқ компонентлар мавжуд бўлади.

Одатда бундай нано ўлчамли материал мустаҳкамлаштирувчи компонентдир: бу нанотрубкалар, нанотолалар ва нанозаррачалар.



Матрицалар 3 турда бўлиши мумкин, аммо асосий қисми –полимер матрицали наноккомпозитлардир (Баррера 2000; Баррера и другие, 2005; Shofner и др., 2003, 2006).

Бундай материалларни кукун металлургия ёки суюқ усулда металл матрицаларни тайёрлаш усули ёрдамида олиш – юқори мустаҳкамликга ва ишқаланишга чидамли наноккомпозитлар яратишнинг истиқболли йўналишларидир.

## Полимер тупроқ-наноккомпозитлар

Наноккомпозитнинг яна бир тури: полимер тупроқ-наноккомпозитлар - ишлаб чиқаришда ўзини иқтисодий жihatдан самарадорлигини кўрсатди. Нанотупроқлар билан мустаҳкамлаштирилган полимер матрицалар кўп миқдорда ишлаб чиқарилмоқда (Ајапан 2003;. Коо 2006; Lee 2005; Окада ва Usuki 2006; Пол ва Робсон 2008).

**Нанотупроқлар кимевий таркиби бўйича магний алюмосиликатларидир. Ўлчамлари - нанометр диапазонида. Қалинлиги - 1 нм, узунлиги 70-150 нм. Хозирги вақтда энг кўп монтмориллонит тупроғи қўлланилмоқда.**



Тальк ва слюдадан фарқлироқ, монтмориллонит алохида қатламларга бўлиниши онсон – натижада керакли ўлчамларга эга бўлган нано қатламлар ҳосил бўлади. Полимер матрица билан яхши аралашини ва майдаланишни таъминлаш мақсадида тупроқга дастлаб ишлов берилади.

Бу йўналишдаги ишлар илк бор Toyota компанияси томонидан 1990 й. бажарилган. General Motors корпорацияси 2001 йилда GMC Astro / Safari фургонида нано-тупроқ билан мустаҳкамлаштирилган термопластик олефинни қўллаган. Ҳосил бўлган нанокомпозит анъанавий полимер материалларидан энгилроқ, қаттиқроқ ва иқтисодий самаралиги билан ажралиб туради: бу автомобил камроқ ёқилги ишлатади. Автомобилшуносликда иқтисодий самарадорлик жуда муҳим ҳисобланади, фақат спорт автомобилларини ишлаб чиқаришда иқтисодий самарадорликга эътибор берилмайди.

Нанотупроқлар смоланинг мустаҳкамлигини ва стабиллигини оширади, ва умуман олганда оддий тўлдиргичларга қараганда функционал ҳисобланади. Нанозаррачалар жуда оз миқдорда қўшилади – оғирлиги бўйича 2-3%ни ташкил қилади. Бундан ташқари нано тупроқларнинг қўлланилиши материалнинг эстетик хоссаларини яхшилади: ташқи кўриниши, ранги ва юза сифати ошади.


### **Биокомпозитлар.**

Биокомпозитлар - биоактив қопламали имплантатлар. Биокомпозитлар ики ёки кўпроқ фазадан ташкил топган бўлади. Бу фазалар шундай танланадики, кучланишлар фазалар чегараси бўйича тарқалиши зарур бўлади. Биокомпозитлар қўлланилиши – траматология, ортопедия, стоматология.

#### **Биокомпозитлар турлари:**

##### **1. Полимер-керамик биокомпозитлар.**

Бу композитларда ноорганик фаза (шиша ёки кальций фосфатлари) органик бирикма таркибида текис тақсимланади. Органик бирикма – юқори босимли полиэтилен ёки эпоксид смола. Бундай композитлар юқори мустаҳкамликга, эластикликга эга, энгил,



биомослашувчан ва анизотропдир (суяк хоссаларига яқин).

## 2. Металл-керамик биокомпозитлар.

Бу композитлар асосан юқори мустаҳкамликни таъминловчи металлдан иборат бўлади. Металл юзасига керамик қоплама (кальций фосфати ёки биоактив смола) қoplanadi. Бунда керамика металл юзасига яхши ёпишишни таъминлаш зарур бўлади.



Ҳеч қандай биокомпозит одам тўқималарининг ва организмнинг ҳамма анатомик-физиологик ва биомеханик хусусиятларга тўлиқ жавоб бера олмайди. Шунинг учун турли қўлланилиш соҳаларида турли биокомпозитлар яратилиши зарур бўлади.

Биокомпозитларнинг истиқбол йўналишлари: 1) композит имплантатлар яратиш; 2) гибрид имплантатлар яратиш; 3) индивидуал био-тиббий параметрларга эга бўлган имплантатлар тўпламини яратиш (“квазиинтеллектуал” имплантатлар).



Расм 4.9. Композицион материаллар қўлланилиши.

Хулоса қилиб, композитларнинг асосий қўлланилиш соҳаларини келтираемиз:

- Аэрокосмик соҳа.
- Автомобилшунослик.
- Электр ва алоқа тармоқлари.
- Курилиш соҳаси.
- Спорт буюмлари ишлаб чиқариш.
- Медицина.
- Машинасозлик.
- Электротехника.
- Нанотехнология.
- Metallургия ва бошқа соҳалар (расм 4.9.).

### **Назорат саволлари:**

- 4.1. Микро ёриқлар толали композитларда нима сабаблардан пайдо бўлиши мумкин?
- 4.2. Нано-тупрокни композитлар таркибида қўлланилишига мисоллар келтиринг.
- 4.3. Тоғ велосипедини конструкцияси ўрганинг: қандай конструкцион материаллар қўлланилганлигини аниқланг.
- 4.4. “Нексия” ва “Матиз” автомобилларида қўлланилган композитлар турларини аниқланг.
- 4.5. Курилишда қандай композицион материаллар қўлланилади? Мисоллар келтиринг.
- 4.6. Ўз ўзидан тикланадиган композитларга мисоллар келтиринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Krishan K. Chawla. Composite Materials. Science and Engineering. Third Edition. Springer Science, New York-London, 2012. -98-101, 249-306 p.
2. Morgan P. Carbon fibers and their composites / Morgan P. - Boca Raton: Taylor & Francis, 2005. Materials engineering; vol.27. - ISBN 0-8247-0983-7. 1153 p.
3. D.R. H. Jones, Michael F. Ashby. Engineering Materials 2: An Introduction to Microstructures and Processing. Fourth Edition. Elsevier, UK, 2012. - 319-350 p.
4. William D.Callister, Jr., David G.Rethwisch. Materials Science And Engineering. An Introduction. Eight Edition. USA, Wiley, 2010.- 655-660 p.

5. L.Fiocco, Z.Babakhanova, E.Bernardo. Facile obtainment of luminescent glass-ceramics by direct firing of a preceramic polymer and oxide fillers. *Ceramics International Journal*. Available online 10 February 2016. <http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0272884216000833>
6. З.А.Бабаханова, М.Х.Арипова. Кремний-органик бирикмалар асосида техник керамика материаллар синтези. *Узбек кимё журнали*. 2015, №3, 16-21 б.
7. Enrico Bernardo, Laura Fiocco, Giulio Parcianello, Enrico Storti, Paolo Colombo. Advanced Ceramics from Preceramic Polymers Modified at the Nano-Scale: A Review. *Materials* 2014, 7, 1927-1956 p.; doi:10.3390/ma7031927.
8. Тялина Л.Н., Минаев А.М., Пручкин В.А. Новые композиционные материалы. Учебное пособие. Тамбов: ГОУ ВПО ТГТУ, 2011.-5-25 с.
9. Шевченко А.А. Физикохимия и механика композиционных материалов. – М. : Профессия, 2010. – 140-170 с.

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### 1- амалий машғулот:

#### Композицион материаллар ишлаб чиқаришда мустаҳкамлаштирувчи компонентларни хоссаларини ўрганиш

##### Ишнинг мақсади:

*Композицион материаллар ишлаб чиқаришда қўлланадиган толасимон ва заррасимон мустаҳкамловчи компонентларни хоссаларини ўрганиш.*

##### Элементар толаларнинг асосий механик хоссалари.

*Ишнинг мақсади:* Элементар толаларнинг механик хоссаларини ўрганиш.

Тола – бу кўндаланг кесим юзанинг кичик кесимида бўйлама ўлчамларининг кўндаланг ўлчамларига нисбатан катта қийматга (10-100 дан кам эмас) эга бўлган материалдир.

Кўпгина толалар чўзилишда юқори механик хоссалар ва юқори эластиклик модулига эгадирлар. Бундай кўрсаткичлар юқори механик хоссаларга эга композицион материаллар (КМ) олишда асосий кўрсаткичлар ҳисобланади.




Элементар толаларни механик хоссаларини аниқлаш ГОСТ 6943.5–79 га асосан олиб борилади. Синов учун элементар толадан кесиб олинган ва рамкага қотирилган намуналар қўлланилади. Рамкалар 10 мм узунликда ва 5–6 мм кенгликда тешик кўринишида зич қоғоздан қирқиб олинади (расм 1, а, б).

Намунани бузилишигача юкланиш бериш махсус асбобда амалга оширилади (расм 2). Максимал юкланиш  $F$  динамометр шкаласи бўйича аниқланади, толанинг узунлиги бўйича ўзгариши  $\Delta l$  – деформация шкаласи ёки горизонтал микроскоп (катетометр) орқали аниқланади. Талаб этилганда деформация диаграммаси тузилади ( $F-\Delta l$  боғлиқлик).


Қуйида баъзи элементар толаларнинг чўзилишидаги диаметр  $d$  нинг, бузувчи кучланиш  $\sigma_p$  ва эластиклик модули  $E_p$  нинг қийматлари келтирилган (жадвал 1).

Жадвал 1. Элементар толаларнинг кўрсаткичлари.

Тола тури	$d$ , мкм	$\sigma_p$ , МПа	$E_p$ , ГПа
Шиша толаси	6–20	3450	70–73
Юқори мустаҳкам углеродли тола	7,5–8	2500–3500	200–250
Юқори модулли углеродли тола	7,5–8	2000–2500	300–700



Расм 1. Элементар толалардан механик синов учун намуна олиш. (а–д – тайёрлаш босқичлари): 1 – тешиклар; 2 – кесиш чизиқлари; 3 – букиш чизиқлари; 4 – элементар тола; 5 – клей; 6 – кесик; 7 – қисқичлар.



Расм 2. Элементар толаларни бузувчи кучланиш ва эластиклик модулини аниқлаш учун асбоб. 1 – динамометр; 2 – ричаг; 3 – қисқичлар; 4 – тола; 5 – стойка; 6 – деформация шкалали маховик.

### Бир томонга йўналтирилган толали тўлдирувчиларнинг мустаҳкамлигини аниқлаш

*Ишининг мақсади:* Элементар толалар мустаҳкамлигини ип ва боғичлар мустаҳкамлигидан фарқини кўрсатиш.

Элементар толаларнинг хоссалари маълум даражада бошқа турдаги толаларнинг хоссаларини аниқлайди. Бунда бу хоссаларни амалга ошириш қайта ишлаш усули ва харақтерига боғлиқ бўлади. Шунинг учун бир

томонлама йўналтирилган тўлдирувчиларнинг механик хоссалари элементар толаларнинг механик хоссаларидан паст бўлади.

**Мустаҳкамловчи тўлдирувчиларни асосий механик хоссалари эластиклик модули ва чўзилишдаги бузилиш кучланиши ҳисобланади.**



Бу синовларда рамкаларга қотирилган кесма намуналар қўлланилади. Намунага Р-05 типдаги универсал машинада бузулгунча 60-100мм/мин ўзгарувчан тезликда юкланиш берилади. Берилган кучланишларни куч ўлчаш шкаласи бўйича ўлчанади.

Керак бўладиган асбоблар ва материаллар: шиша ип ва шиша боғлардан кесмалар, намуналарни маҳкамлаш учун рамкалар, қайчилар, клей, синовчи машина.

Ишнинг бориш тартиби. Синов олиб бориш ва намуналарни тайёрлаш ГОСТ 6943.10–79 га мувофиқ олиб борилади.

220 мм узунликдаги ип кесмалари рамкаларга қотирилади. Елимланган иплар намуналарга ажратилади ва синов машинаси қисқичларига қотирилади. Бунда елимланган қисм 8-10 мм ташқарига чиқиб туриши, қисқичлар орасидаги масофа  $100 \pm 1$  мм ни ташкил этиши керак.

Намуналарга 60-100 мм/мин тезликда синов машинасида кучланиш берилади ва бузилиш вақтидаги юкланиш қайд қилинади. Олинган қийматлар бўйича чўзилишдаги мустаҳкамлик  $\sigma_p$  (МПа) қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\sigma_p = \frac{F_p}{A},$$

Бу ерда  $F_p$  – бузувчи юкланиш, Н;  $A = \frac{T}{\rho} \cdot 10^{-3}$  – толанинг умумий юзаси, мм<sup>2</sup>;

$T$  – тўлдирувчининг чизиқли зичлиги(маълумотномадан олинади);  $\rho$  – тўлдирувчи материали зичлиги, г/см<sup>3</sup>.

Эксперимент камида ўн марта қайтарилади ва ўртача қиймати олинади. Олинган натижалар худди шу турдаги элементар тола натижалари билан солиштирилади ва хулосалар чиқарилади. Олинган натижалар қайд этилади.

**Бир томонга йўналтирилган толали тўлдирувчиларни эластиклик модулини аниқлаш.**

**Керак бўладиган асбоблар ва материаллар:** шиша ип ва шишабоғламлар кесмалари, рамкалар, клей, синов машинаси, катетометр, штангенциркуль.

**Иш тартиби.** Рамкаларга қотирилган намуналарга намунанинг марказидан юқори ва паст томонга 25 мм масофада бўёқ билан белги қўйилади.

Белгилар орасидаги масофа  $l_0$  (катетометр, штангенциркул ёрдамида) бошланғич юкланиш  $F_0$  да ўлчанади. Намунага секин аста юкланиш  $\Delta F$   $F_1$  кучгача берилади ва намунанинг узунлиги  $\Delta l$  ўлчанади. Синов 2-3 марта

такрорланади ва намунанинг ўртача чўзилганлиги аниқланади.

Тўлдирувчининг элатиклик модули  $E_p$  (МПа) қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$E_p = \frac{\Delta F \cdot l_0}{\Delta l \cdot A},$$

Бу ерда  $\Delta F$  – ўсиб борувчи юкланиш, Н;  $l_0$  – белгилар орасидаги масофа, мм;  $\Delta l$  – чўзилган намуна узунлиги, мм;  $A$  – толанинг умумий юзаси, мм<sup>2</sup>.


Эксперимент камида ўн марта қайтарилади ва ўртача қиймати олинади. Олинган натижалар худди шу турдаги элементар тола натижалари билан солиштирилади ва хулосалар чиқарилади. Олинган натижалар қайд этилади.

### **Композицион материаллар ишлаб чиқаришда заррасимон тўлдирувчиларни грануламетриқ таркиби ва хоссаларини ўрганиш.**

**Ишнинг мақсади:** тўлдирувчиларнинг асосий геометрик тавсифини аниқлаш.

Тўлдирувчиларни танлаш аввало, унинг зарраларининг ўлчамлари ва зарраларнинг шакли ва тавсифига боғлиқ.

Заррали материаллар тавсифий ўлчамлари нисбатига боғлиқ ҳолда шаклига кўра синфланади (расм 10).



Расм 3. Тўлдирувчи зарраларни ўлчами ва турлари:

*a* – сфера; *б* – куб; *в* – параллелепипед; *г* - толасимон; *д* - тангасимон.

*L* - узунлик; *H* – баландлик; *B* – кенглик.

Кўпгина тўлдирувчиларнинг зарраларининг шакли бир – биридан кескин фарқ қилади. Шунинг учун уларнинг юзасининг зарраси синфланиш учун хизмат қилади. Бу мақсадда зарраларни ўлчамини тавсифлайдиган тушунча-эквивалент сфера диаметри (ЭСД) киритилган.

### **Калта толали тўлдирувчиларнинг геометрик ўлчам ва заррасининг шаклини аниқлаш**

Керак бўладиган асбоблар ва материаллар: ёғоч қириндиси, шоя толаси, льнокостра, микроскоп, штангенциркуль, микрометр.

Иш тартиби. Текис юзага маълум миқдордаги тўлдирувчи бир текис ёйилади. Ўлчаш учун штангенциркуль ёки микрометр, жуда майда зарралар учун эса ( $<0,1$  мм) микроскоп ишлатилади.

Зарранинг тегишли ўлчамлари аниқланади (узунлиги, кенглиги, қалинлиги) ва максимал ва минимал ўлчамларнинг нисбати аниқланади.

Турли тўлдирувчилар зарраларининг шакли аниқланади ва чизилади. Олинган натижалар 5 жадвалга ёзиб борилади.

### **Кукунсимон тўлдирувчилар зарраларининг шакли ва ўлчамларини аниқлаш.**

**Керак бўладиган асбоблар ва материаллар:** турли типдаги кукунсимон тўлдирувчилар, типова, микроскоп, шиша предметлар.

**Ишнинг тартиби.** Зарраларни шакли ва ўлчамларини аниқлаш учун маълум миқдордаги тўлдирувчи олдиндан намланган шиша предмет юзасига жойланади ва устидан иккинчи шиша билан ёпилади. Бунда тўлдирувчини текис тақсимланиши ва зарраларининг бир-биридан алоҳида – алоҳида бўлишига эътибор берилади.

Намуна микроскоп столчасига ўрнатилади. Керак бўлган катталаштириш ва кескинлик танланади. Зарраларнинг шакли аниқланиб чизиб борилади. Зарраларнинг асосий ўлчамлари ва ЭСД ҳисобланади.

### **Тўлдирувчиларнинг гранулометриқ таркибини ўрганиш.**

*Ишнинг мақсади:* Таҳлилнинг элақлар усулини ўрганиш.

Тўлдирувчини танлашда аввало унинг зарраларининг ўлчамлари ва ўлчамлар бўйича тақсимланганлиги аниқланади.



Кукунсимон материалларнинг гранулометриқ таркиби кукундаги турли ўлчамдаги зарраларнинг ўзаро нисбати ва қанча миқдордан мавжудлиги тўғрисида маълумот олишга ёрдам беради.

**Зарраларнинг ўлчамини аниқлашнинг бир нечта усуллари мавжуд: элақлар ёрдамида (зарралар ўлчами 0,06 дан 19 мм гача), микрометриқ (0,001дан 0,06 ммгача), седиментацион (0,0001дан 0,06 ммгача).**



Элақлар усули материал намунасининг стандарт элақлар тўпламидан ўтказиш орқали фракцияларга ажратишга асосланган. Бу усул дисперс анализнинг асосий усули ҳисобланади. Лекин бу усул зарраларнинг ҳақиқий ўлчамларини аниқлай олмайди.

Гранулометриқ таркибни аниқлашда ажралиш даражаси тақсимланиши  $D$  (расм 11, а) ва фракцияларнинг нисбий сақланиши  $dD$  (расм 11, б) зарра ўлчамлари  $\delta$  га боғлиқликлари тузилади.



*a*

*Б*

*Расм 4. Ажралиш даражаси тақсимланиш функция кўринишлари (а) ва фракцияларнинг зарра ўлчамига нисбийлиги (б).*

Майда дисперс материаллар ўлчамини аниқлашда асосан седиментацион усул қўлланилади.

Микроскопик усул зарраларнинг чизикли ўлчамларини аниқлашдаги энг аниқ усул ҳисобланади, лекин анча меҳнат ва вақт талаб этади.

### Амалий машғулот вазифалари:

#### 1- вазифа.



Жадвалда келтирилган қийматлар асосида материал ўлчамларига боғлиқ ҳолда фракцияларни мавжудлиги диаграммасини тасвирланг.

### Сармат қумининг гранулометрик таркиби



Проба №	Заррачалар миқдори, мас.%	Элакдаги тешиklar ўлчамлари , мм					0,14 элакдан ўтган
		2,5	1,25	0,63	0,3	0,14	
94	1,6	0,6	2,1	17,3	84,4	98	1,9
95	6,8	1,5	4,3	20,7	69,7	95,3	4,6
98	22,6	-	1,1	4,9	42,3	87,5	12,1
99	16,1	-	-	0,6	24,4	83,1	16,8
100	22,7	-	-	1	26,6	78,9	20,6
101	2,8	0,3	1,3	13,8	67,6	96,2	3,4
102	2,7	-	0,2	2,8	37,6	92,9	6,8

## 2- вазифа.

Келтирилган микроскопик 5,6-расмлардан фойдаланиб, асосий кристалл фазалар ўлчамларини аниқланг.



Расм 5. Керамик материалнинг электрон-микроскопик расми. (электронный микроскоп ЭВМ-100)



Расм 6 – Вольфрам карбиди ва темир кукунларининг электрон-микроскопик расмлари.

### Назорат саволлари:

1. Бир томонлама йўналган толали тўлдирувчиларни келтиринг ва тушунтиринг.
2. Толасимон тўлдирувчиларни юкланишдаги ҳолати нима мақсадда ўрганилади?
3. Чизиқли зичлик нимани тавсифлайди, нималарга боғлиқ ва қандай аниқланади?
4. Элементар тола ва бир томонлама йўналган толасимон тўлдирувчиларнинг чўзилишга мустаҳкамлиги нимаси билан фарқ қилади?
5. Чўзилишга мустаҳкамликни аниқлашда намуналар қандай тайёрланади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Krishan K. Chawla. Composite Materials. Science and Engineering. Third Edition. Springer Science, New York-London, 2012. -98-101, 249-306 p.
2. Morgan P. Carbon fibers and their composites / Morgan P. - Boca Raton: Taylor & Francis, 2005. (Materials engineering; vol.27). - ISBN 0-8247-0983-7. 1153 p.
3. D.R. H. Jones, Michael F. Ashby. Engineering Materials 2: An Introduction to Microstructures and Processing. Fourth Edition. Elsevier, UK, 2012. -319-350 p.
4. William D.Callister, Jr., David G.Rethwisch. Materials Science And Engineering. An Introduction. Eight Edition. USA, Wiley, 2010. -655-660 p.
5. Стекловолокно. Нити крученые комплексные. Технические условия: ГОСТ 8325–93 (ИСО 3598-86). – М.: ИПК Изд-во стандартов, 2002. – 12с.
6. Ю.Н. Сидоренко. Конструкционные и функциональные волокнистые композиционные материалы : учебное пособие. -Томск : Изд-во ТГУ, 2006. – 107 с.

### **2 –амалий машғулот:**

#### **Матрица материаллари таркиби ва хоссаларини ўрганиш.**

##### **Ишнинг мақсади:**

*Терморектив ва термопластик полимер материалларнинг таркиби ва хоссаларини ўрганиш.*

Композит материаллар олишда терморектив полимерлардан боғловчи сифатида фойдаланилади.

Терморектив полимер боғловчилар синтетик смолалар ва қотирувчи, катализаторлардан ташкил топган икки ёки кўп компонентли система ҳисобланади.

Боғловчининг таркиби қотиш реакциясининг бориши ва маҳсулотнинг механик хоссаларига боғлиқ бўлади.

КМ тайёрлашда кўп ҳолларда полиэфир, эпоксидли ёки фенолформальдегидли боғловчилар қўлланилади.

Полиэфирмалеинатлар (полиэфир смоллар) таркиби, кимёвий тузилиши ва молекуляр массасидан келиб чиққан ҳолда қовушқоқ суюқлик ёки қаттиқ моддан иборат. Температура ва қотиш тезлиги инициатор ва тезлаштирувчи турини танлаш орқали аниқланади.

Қотмайдиган эпоксид смолалар эрийдиган қовушқоқ суюқлик ёки мўрт қаттиқ моддалар ҳисобланади. Қуйида баъзи эпоксид смолаларни физик ҳолатлари келтирилган. (жадвал 2).

Эпоксид смолаларнинг қотирувчиси сифатида аминлар ишлатилади.

Қотирилмаган фенолоформальдегид смолалар қовушқоқ суюқлик ёки 60–120°Сда суюқ ҳолга ўтувчи қаттиқ мўрт шаффоф аморф масса ҳисобланади.

Жадвал 2. Баъзи эпоксид смолаларни физик ҳолатлари.

Смола тури	$T_{пл}, °C$	Физик ҳолат 20°Cда
ЭД-22	-10	Суюқ
ЭД-20	0	Суюқ
ЭД-16	10	Қовушқоқ
ЭД-10	50	Қаттиқ
ЭД-8	70	Мўрт

Керакли асбоблар ва материаллар: смолалар – полиэфир, эпоксид, фенолоформальдегидли; қотирувчилар – полиэтиленполиамин (ПЭПА), триэаноламинотитанат (ТЭАТ), малеин ангидрид (МА), гидропероксид изопропилбензол (гипериз); тезлатувчи: кобальт нафтенати (НК).

Иш тартиби. Полимер боғловчилар тайёрлаш учун турли типдаги смолалар ва компонентларни визуал ўрганиш.

Адабиётлар таҳлили ёрдамида ҳар бир компонентнинг алоҳида белгилари бўйича ёзилади, яъни хиди, ранги, агрегат ҳолати, зичлиги. Натижалар 3- жадвалга ёзиб борилади.

Жадвал 3

Компонентлар	Ранг	Хиди	Физик ҳолати	Бошқа хусусиятлар

### Терморреактив олигомерлар асосида боғловчилар тайёрлаш

Ишнинг мақсади: турли боғловчиларни тайёрлаш учун керак бўладиган компонентларни ҳисоблашни ўрганиш.

Полимер боғловчилар бир нечта компонентлардан ташкил топади: смолалар, қотирувчилар, тезлаштирувчи, катализатор, пластификатор ва бошқалар.

Маълум миқдордаги боғловчини тайёрлашда керакли компонентлар массасини аниқлик билан танлаш лозим бўлади. Аниқ танланган таркиб ва қўшилмалар сифатли маҳсулот олиш учун замин бўлади. Компонентлар таркиби эмпирик ёки ҳисоб йўли билан аниқланади.

**Керак бўладиган масса йўқотишни ҳисобга олган ҳолда (тахминан 10%) барча компонентлар масса улушини йиғиндисига тенг деб қабул қилинади.**

**Боғловчи компонентлари смолага босқичма босқич қўшиб борилади ва яхшилаб аралаштирилади. Қотирувчилар жараённинг охирида қўшилади.**



Юқори қовушқоқ смолалар ишлатишдан олдин 80°Cгача қиздирилади ва шу ҳолида пластификатор ёки аралаштирувчи қўшилади.

Керакли асбоблар ва материаллар: эпоксид ва полиэфир боғловчиларни

тайёрлашга керакли компонентлар, тарози, шиша таёқча, идиш, термошкаф.

Ишнинг тартиби. Эпоксид смола асосида 100 г боғловчи тайёрлашни ҳисоби. ЭД-20 – 100 мас. ч, ПН-1 – 20 мас. ч., ПЭПА – 10 мас. ч.

Компонентлар массасини йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда аниқлаш. Боғловчилар массаси 110 г, 130 мас. қ. Боғловчига мос келади (100+20+10).

У ҳолда 110 г (боғловчи) – 130 мас. қ,  $X_1$  (ЭД-20) – 100 мас. қ.,  $X_2$  (ПН-1) – 10 мас. қ.,  $X_3$  (ПЭПА) – 20 мас. қ. Бу пропорцияларни ечган ҳолда қуйидагиларга эга бўламиз: 84,6 г – ЭД-20; 8,4 г – ПН-1; 16,9 г – ПЭПА.

Олинган натижалар қуйидаги жадвалга ёзиб борилади.

Жадвал 4

№ рсц.	Смола		Пластификатор		Қотирувчи		Тезлаштирувчи	
	мас. қ.	г	мас. қ.	г	мас. қ.	г	мас. қ.	г
1								
...								

### Боғловчининг зичлигини аниқлаш

Ишнинг мақсади: турли терморреактив полимерлар асосидаги боғловчиларнинг зичлигини назарий ва экспериментал аниқлашни ўрганиш.

Композицион материалларни таркибини ҳисоблашда бир неча компонентдан иборат бўлган боғловчининг зичлигини ўрганиш керак бўлади.

Бундай боғловчининг зичлигини дастлабки компонентлар зичлигини ва композитдаги масса улушини билган ҳолда, аралашма қоидасига асосан назарий жихатдан аниқлаш мумкин.

Олинган қийматни экспериментал текшириш учун масса ва ҳажм усулидан фойдаланиш мумкин. Бунда зичлик композит массасини унинг ҳажмига нисбати орқали ҳисобланади.

Керакли асбоблар ва материаллар: эпоксид ва полиэфир боғловчини тайёрлаш учун керак бўладиган компонентлар, 0,1 г гача аниқликдаги лаборатория тарозиси, шиша таёқча, идиш, термошкаф, ўлчов цилиндри.

Иш тартиби. 50 г дан турли таркибли боғловчилар тайёрланади. (2-илова).

Ҳар бир композитнинг назарий зичлиги қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\rho_{\text{св}} = \frac{\rho_1 \cdot C_1 + \rho_2 \cdot C_2 + \dots + \rho_n \cdot C_n}{C_1 + C_2 + \dots + C_n},$$

Бу ерда  $\rho_1, \rho_2, \rho_n$  – компонентлар зичлиги (3-илова);  $C_1, C_2, C_n$  – тегишли компонентларнинг масса улуши.

Зичликни экспериментал аниқлаш учун ўлчов цилиндри лаборатория тарозисида ўлчанади. Кейин ўлчов цилиндрига композит жойланади ва эгаллаган ҳажми аниқланади. Бунда композитни цилиндр деворларига тарқалиши ва пуфаклар пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак. Шундан кейин композит жойланган цилиндр яна тарозида ўлчанади ва қуйидаги формула

орқали аниқланади:

$$\rho_3 = \frac{m - m_1}{V},$$

Бу ерда  $m$ ,  $m_1$  – ўлчов цилиндрини боғловчи билан ва бўш холидаги массаси, г;  $V$  – боғловчи эгаллаган ҳажм, см<sup>3</sup>.

Эксперимент камида уч марта такрорланади ва ўртача арифметик қиймат топилади.

### **Термопластик полимер материалларнинг таркиби ва хоссаларини ўрганиш.**

Ишнинг мақсади: турли табиатга эга грануллашган полимер материалларнинг асосий тавсифий хусусиятларини ўрганиш.

Тайёр маҳсулотдаги полимер материалнинг табиатини аниқлаш учун тизимли тарзда сифат ва миқдор анализлар ўтказилади ва маълум полимерлар билан солиштирилади.

Полимер материал намунаси қуйидаги схема бўйича аниқланади:

- **намунани ташқи кузатиш;**
- **юмшаш температурасини аниқлаш;**
- **намунани алангада ўзини тутиши;**
- **намунанинг эришини аниқлаш;**
- **полимерда ранг реакцияларни олиб бориш.**



Аввало, намунанинг ташқи кўриниши, унинг физик ҳолати, ранги, хиди, шаффофлиги, қаттиқлиги, эластиклиги, зичлиги ва гранула ўлчамлари белгиланади.

Кейин унинг эрувчанлиги текширилади. Бунинг учун намуна иссиқ ҳавога ёки металл ёки асбест тагликда қиздирилади.

Ўзини қандай тутишига қараб пластмасса термо ёки реактопластга ажратилади. Агар полимер термопласт материалга таалуқли бўлса, унда полимернинг юмшаш температураси аниқланади.

Материални солиштириш мақсадида уни алангадаги ҳолати ўрганилади. Бунинг учун маълум миқдордаги материал эҳтиёткорлик билан алангага тутилади. Бунда ёнишнинг тавсифлари белгилаб борилади: ёнувчанлиги, эгилиши, эриши, хиди, аланга ранги, тутун пайдо бўлиши, ўз-ўзидан ўчиши, кул ҳосил бўлиши, ранги ва бошқалар (**4-илова**).

Материални эритмаларда эриши у ёки бу полимерлар синфига оидлиги билан амалга оширилади (**5-илова**).

Кўпчилик смолалар сирка ангидриди ва сульфат кислотаси кўшилганда турли рангли бирикмалар ҳосил қилади. Либерман– Шторх – Моравский реакцияси шунга асосланган (**6-илова**).

### **Полимер материалларнинг эрувчанлигини аниқлаш**

Керакли асбоблар ва материаллар: турли табиатли полимер материаллар; эритувчи – бензин, ацетон, сув, этил спирти, уксус кислота, хлорид кислота.

Иш тартиби. Эрувчанликни аниқлаш учун 0,5 г майдаланган намунани пробиркага солинади. 5-10 мл эритувчи кўшилади ва чайқатилиб, бир неча соатга тик ҳолатда қолдирилади. Кейин эриш даражасини аниқланади-тўлиқ, қисман, бўккан, эрмаган.

Агар намуна қисман эриган бўлса, эрувчанлик қиздириш орқали аниқланади.

#### **Материалнинг алангадаги ҳолатини аниқлаш**

Керакли асбоблар ва материаллар: турли табиатли полимер материаллар; ёндиргич, шпатель, пинцет.

Иш тартиби. Маълум миқдордаги материал шпател ёрдамида эҳтиёткорлик билан аланганинг юқори температурали зонасида тутиб турилади.

Алангадан олингандан сўнг унинг ёниши кузатилади. Бунда ёнишнинг тавсифлари белгилаб борилади. Бунда ёнишнинг тавсифлари белгилаб борилади: ёнувчанлиги, эгилиши, эриши, хиди, аланга ранги, тутун пайдо бўлиши, ўз-ўзидан ўчиши, кул ҳосил бўлиши, ранги ва бошқалар.

#### **Полимерда рангли реакция**

Керакли асбоблар ва материаллар: турли табиатли полимер материаллар; чинни пластина, сирка ангидриди, концентранган сулфат кислота, пипетка.

Иш тартиби. Чинни пластинкага полимер бўлакчаси жойлаштирилади ва унга бир неча томчи сирка ангидриди томизилади, кейин сулфат кислота томизилади. 30 минут давомида суюқлик ва смола юзаси ранги ўзгариши кузатилади. Натижалар 6-иловага солиштирилиб полимер тури аниқланади.

#### **Юмшаш температурасини аниқлаш**

Керакли асбоблар ва материаллар: турли табиатли полимер материаллар; металл ёки чинни тигел, термометр, кварц куми, металл ёки асбест таглик.

Иш тартиби. Эриш учун намуна. Олинган намуна иссиқ ҳаво оқимида тутилади. Натижага қараб уни термо ёки реактоплас эканлиги аниқланади.

**Юмшаш температураси.** 5-10 см узунликдаги ва 1 м кенликдаги намуна куруқ кум билан тўлдирилган темир тигелга ўрнатилади. Тигел аста секин қиздирилади ва намуна эгилиши вақтидаги температура белгиланади. Бу юмшаш температураси ҳисобланади.

**Оқувчанлик температураси.** Худди юқоридаги усул билан намунанинг оқувчанлигини ҳам аниқлаш мумкин, яъни намунанинг маълум температурадаги оқувчанлиги унинг оқувчанлик қиймати ҳисобланади.

### **Амалий машғулот вазифалари:**

#### **1-вазифа.**

Адабиётлар рўйхатида ва иловалар бўлимида келтирилган E. Bernardo, J-F. Carlotti и др. “Novel akermanite-based bioceramics from preceramic polymers and oxide fillers” илмий мақоласидан фойдаланиб (**7-Илова**) биокомпозитлар синтезида қандай полимер ва тўлдиргичлар қўлланилганини аниқланг. Қўшимча маълумотлар **1-6- Иловалар**да келтирилган.

## **2-вазифа.**

Интернет-маълумотларидан фойдаланилган ҳолда композицион материалнинг асосий хоссалари ва уларни ўлчаш усуллари аниқланг. Тадқиқот натижалари жадвал шаклида келтирилиши керак.

### **Назорат саволлари:**

1. Полимер боғловчи таркибига қандай компонентлар киради?
2. Эпоксид боғловчилар учун қотирувчиларни аниқланг.
3. Полиэфир смолалар учун инициатор ва қотишни тезлатувчиларни келтиринг.
4. Термореактив полимерлар асосида боғловчилар тайёрлаш учун масса компонентлари ҳисоби қандай амалга оширилади?
5. Боғловчиларнинг зичлиги қандай аниқланади?
6. Боғловчиларнинг сирт таранглигига қандай параметрлар таъсир кўрсатади?
7. Термореактив полимерларни сирт таранглигини аниқловчи асосий усулларни келтиринг.
8. Боғловчиларнинг асосий технологик тавсифларини келтиринг.
9. Полимер материалларнинг қовушқоқлигини аниқлашнинг асосий усуллари келтиринг.
10. Полимерларнинг қовушқоқлик кўрсаткичига температура қандай таъсир кўрсатади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Krishan K. Chawla. Composite Materials. Science and Engineering. Third Edition. Springer Science, New York-London, 2012. - 98-101, 249-306 p.
2. E. Bernardo, J-F. Carlotti and oth. "Novel akermanite-based bioceramics from preceramic polymers and oxide fillers"// Ceramics International.- 40 (2014).- 1029-1035 p. Available at [www.sciencedirect.com](http://www.sciencedirect.com).
3. D.R. H. Jones, Michael F. Ashby. Engineering Materials 2: An Introduction to Microstructures and Processing. Fourth Edition. Elsevier, UK, 2012. -319-350 p.
4. William D. Callister, Jr., David G. Rethwisch. Materials Science And Engineering. An Introduction. Eight Edition. USA, Wiley, 2010.- 655-660 p.
5. Носов В.В. Механика композиционных материалов.- М.: Лань, 2013.-240 с.

### **3-амалий машғулот: Композицион материал таркибини тузиш ва хоссаларини лойиҳалаш.**

**Ишнинг мақсади:** полимер матрица асосида композицион материал тайёрлаш, композит тайёрлаш усулини аниқлаш ва қотиш жараёнини ўрганиш. Термореактив боғловчилар ва мустаҳкамловчи тўлдирувчилар асосида композицион материал тайёрлаш.

Полимерларни тўлдириш амалий жиҳатдан материални технологик ва эксплуатацион хоссаларини бошқаришга имкон беради. Конструкция тўйинган полимер материалларнинг хоссалари, олиш усуллари полимер матрица ва тўлдирувчи, уларнинг ҳажмий нисбатларига боғлиқ.

КМ дан буюмлар тайёрлашда полимер боғловчиларнинг қовушқоқлик. Гел ҳосил бўлиш вақти каби технологик хоссаларини аниқлаш лозим.

Гел ҳосил бўлиш вақтини аниқлаш асосий параметрлардан бири ҳисобланади. У тўйинган материалнинг сақланиши давомийлигини ва материалдан буюм тайёрлаш температурасини тавсифлайди. КМ олиш вақтининг давомийлиги боғловчи аралашмасини хона ҳароратида тайёрлаш вақтидан ошиб кетмаслиги керак.

**Берилган компонентлар асосида белгиланган структура ва компонентлар нисбатига эга КМ тайёрлаш.**

Мустаҳкам пластикларнинг асосий компонентларидан бири бу боғловчи ҳисобланади. Боғловчи мустаҳкамловчи толали тўлдирувчи билан тўйинтирилади. Боғловчи қотгандан кейин тола ёки тўлдирувчилар қатламини ўзаро бирлаштиради..

Мустаҳкам пластиклар олишда полиэфир, эпоксид ва модифициланган фенолоформалдегид смолалар асосидаги боғловчилар кенг қўлланилади. Тўлдирувчилар сифатида турли материаллар: ленталар, матолар, иплар ишлатилади.

#### **Композитларни тайёрлаш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:**

- боғловчи ва тўлдирувчи турини аниқлаш;
- композит компонентларини нисбатини ҳисоблаш;
- боғловчини тайёрлаш, берилган пропорцияларда компонентларни аралаштириш;
- тўлдирувчиларни тайёрлаш;
- боғловчини тўлдирувчи қаватларига суркаш, ва тўйинган қаватларни бирлаштириш;
- белгиланган режимда материални қотишини амалга ошириш.

## Композицион материалдаги компонентлар массасини ҳисоблаш

Аввало КМдан тайёрланган пластинанинг керакли ҳажмини  $V_{\text{КМ}}$  ( $\text{м}^3$ ) аниқланади.

$$V_{\text{КМ}} = l \cdot b \cdot h,$$

Бу ерда  $l$ ,  $b$ ,  $h$  – КМ пластинанинг узунлиги, кенглиги, қалинлиги. КМ қалинлиги синов стандартидан келиб чиқиб танланади ( $h = 2-8$  мм).

Материал ҳажмини билган ҳолда унинг массасини аниқланади:  $m_{\text{КМ}}$ , кг

$$m_{\text{КМ}} = \rho_{\text{КМ}} \cdot V_{\text{КМ}},$$

Бу ерда  $\rho_{\text{КМ}}$  – зичлик КМ,  $\text{кг}/\text{м}^3$ .

Материал зичлиги  $\rho_{\text{КМ}}$  ( $\text{кг}/\text{м}^3$ ) компонентлар нисбатини билган ҳолда ўртачаси олинади .

$$\rho_{\text{КМ}} = \rho_a \cdot P_a + \rho_c \cdot P_c,$$

Бу ерда  $\rho_a$  – арматура зичлиги,  $\text{кг}/\text{м}^3$ ;  $\rho_c$  – боғловчи зичлиги,  $\text{кг}/\text{м}^3$  ;

$P_a$ ,  $P_c$  – арматура ва боғловчининг ҳажмий миқдори.

Тўлдириш даражаси технологик жараёнлар учун масса улушларда, ҳисоблаш учун ҳажмий улушларда олинади. Компонентларнинг массавий  $C$  ва ҳажмий  $P$  миқдорлари ўртасидаги боғлиқлик қуйидаги тенгликлар орқали ифодаланади::

$$C_a = \frac{P_a \cdot \rho_a}{P_a \cdot \rho_a + P_c \cdot \rho_c}, \quad C_c = 1 - C_a;$$

$$P_a = \frac{C_a \cdot \rho_c}{C_a \cdot \rho_c + C_c \cdot \rho_a}.$$

Бунда материал таркибида ғоваклар йўқ деб ҳисобланади, яъни нолга тенг.

Компонентларни массаси (г) уларнинг масса нисбатларидан топилади:

$$m_a = m_{\text{КМ}} \cdot C_a, \quad m_c = m_{\text{КМ}} \cdot C_c.$$

Бу ерда  $m_a$ ,  $m_c$  – тўлдирувчи ва боғловчи массаси, кг;

$C_a$ ,  $C_c$  – тўлдирувчи ва боғловчининг массавий миқдори.

КМ тайёрлаш учун керак бўладиган тўлдирувчи каватлари сони  $N_a$  аниқланади :

$$N_a = \frac{m_a}{m_{1c}},$$

Бу ерда  $m_a$  – арматура массаси, г;  $m_{1c} = \gamma_a \cdot l \cdot b$  – бир қават арматура массаси, г, ҳисоб йўли ёки ўлчаб олиш орқали аниқланади;  $\gamma_a$  – арматура материаллини юза зичлиги, г/м<sup>2</sup>.

Ҳисоблашдан кейин технологик чиқиндилар ҳисобга олинади, яъни 20% боғловчи қўшилади.

Бошқа турдаги КМ учун ҳам худди шундай ҳисоб ишлари олиб борилади. Олинган натижалар КМ олишнинг технологик картасига ёзиб борилади (жадвал 5).

### Композицион материал пластиналарини тайёрлаш

Керакли асбоблар ва материаллар: боғловчи тайёрлаш учун компонентлар, матоли тўлдирувчи, қайчи, тарози, қаттиқ пластинкалар, муфел печи.

Иш тартиби. Компонентлардан 250×250 мм ўлчамда қават-қават усулида плита тайёрланади.

Кесилган тўлдирувчи боғловчи билан тўйинтириб, пластина устига қават-қават қилиб, ҳавосизлантириб тахланади.

Маълум миқдорга эришилгандан кейин қаттиқ пластина қўйилади ва қотиш режимига мувофиқ қотирилади. **(2-илова).**

Жадвал 5. КМ тайёрлашнинг технологик картаси

Намуна					
Материал	Ўлчамлар, мм			Ҳажм,	Миқдори
	Узунлиги	Кенглиги	Қалинлиги	см <sup>3</sup>	

Компонентлар	Норматив	Ҳолати, ўлчамлар	Миқдори, масс. %	Миқдори , г
Тўлдирувчи				
Боғловчи				

### Амалий машғулот вазифалари:

Адабиётлар рўйхатида ва иловалар бўлимида 7-иловада келтирилган E. Bernardo, J-F. Carlotti и др. “Novel akermanite-based bioceramics from preceramic polymers and oxide fillers” илмий мақоласидан фойдаланиб, композицион материалнинг ишлаб чиқариш технологиясини ўрганинг. Керамик матрицали композитларнинг қандай синтез усули қўлланилган? Унинг технологик параметрларини аниқланг.

### **Назорат саволлари:**

1. Шиша тола билан мустаҳкамланган композицион материалнинг таркиби ва хоссаларини аниқланг.
2. Бир томонлама йўналтирилган КМ микроструктура таҳлили қандай олиб борилади?
3. Бир томонлама йўналтирилган КМ микроструктурасини аниқлашда қандай асосий параметрлар аниқланади?
4. Тўйиниш даражаси нима ва у қандай аниқланади?
5. Бир томонлама йўналтирилган КМ ларнинг структурасининг бир жинсли эмаслигини қандай параметрлар аниқлайди?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. E.Bernardo, J-F. Carlotti and oth. “Novel akermanite-based bioceramics from preceramic polymers and oxide fillers”// Ceramics International.- 40 (2014).-1029-1035 p. Available at [www.sciencedirect.com](http://www.sciencedirect.com).
2. Krishan K. Chawla. Composite Materials. Science and Engineering. Third Edition. Springer Science, New York-London, 2012. - 98-101, 249-306 p.
3. Morgan P. Carbon fibers and their composites.- Boca Raton: Taylor & Francis, 2005. Materials engineering; vol.27. - ISBN 0-8247-0983-7. 1153 p.
4. D.R. H. Jones, Michael F. Ashby. Engineering Materials 2: An Introduction to Microstructures and Processing. Fourth Edition. Elsevier, UK, 2012. - 319-350 p.
5. William D.Callister, Jr., David G.Rethwisch. Materials Science And Engineering. An Introduction. Eight Edition. USA, Wiley, 2010. - 655-660 p.
6. Б.В. Гусев, В.И. Кондращенко, Б.П. Маслов, А.С. Файвусович. Формирование структуры композиционных материалов и их свойства.– М. : Научный мир, 2006. – 560 с.
7. А.А. Батаев, В.А. Батаев. Композиционные материалы. Сер. Новая университетская библиотека.– М. : Логос, 2006. –400 с.

### **4- амалий машғулот:**

#### **Шишакомпозитлар ишлаб чиқариш технологиясини ўрганиш.**

##### **Ишнинг мақсади:**

*Шишакомпозит материал – “Триплекс”нинг таркиби, хоссалари, тайёрлаш технологияси ва қўлланишини ўрганиш.*

Кўп қаватли шиша буюмлар бир ёки бир нечта неорганик шиша листи ва уларни елимлайдиган полимер пленка ёки суюқликдан иборат материалдир.

“Триплекс” термини (лотинча triplex - учқават) иккита шиша

пластинасини полимер материал билан елимланган кўп қаватли шиша материалга қўлланилади.

ГОСТ 30826-2001га мувофиқ, кўпқаватли шиша қуйидагиларга бўлинади;

- оловдан ҳимояловчи;
- шовқиндан ҳимояловчи;
- совукбардош;
- махсус хоссаларга эга.

Кўпқаватли шишалар механик хоссалари бўйича бир неча турларга бўлинади (жадвал 6).

Жадвал 6. Кўпқаватли шишалар механик хоссалари

Шиша тури	Норматив хужжат	Маркаси
Листли шиша	ГОСТ 111	М0, М1, М2
Узорли	ГОСТ 5533	У
Арматурали	ГОСТ 7481	А
Арматурали ва сайқалланган	НД	А <sub>п</sub>
Бўялган	НД	Т
Мустаҳкамланган		
Кимёвий мустаҳкам	НД	К
Тобланган	ГОСТ 30698	Т
Ҳимояловчи	НД	Х
Энергиясақловчи	ГОСТ 30733	Э

Кўп қаватли шишалар юмшоқ предметлар зарбасига бардошлилиги бўйича қуйидаги СМ1 - СМ4 ҳимоя синфларига киради, қаттиқ предметлар зарбасига бардошлилиги бўйича Р1А - Р5А, тешиб ўтиши бўйича Р6В - Р8В ҳимоя синфларига киритилади.


Зарба тўлқинига бардошлилиги бўйича К1 - К14, ўқдан ҳимоялаш бўйича П1 - П6а ҳимоя синфларига киритилади.

Шовқиндан ҳимоялаш бўйича ГОСТ 23166га мувофиқ А-Д синфларга киритилади.

### Триплекс таркиби.

Қуйма триплекс шиша пластиналарни бири-бири билан бутун юзаси бўйича махсус елимловчи суюқлик билан қопланади ва УФ нурлар ёрдамида полимерланади.

Пленкали триплекс шишаларни полимер пленкани юқори температура ва босим таъсирида елимлашга асосланган. Бунда пленка сифатида полимер пленка, масалан, поливинилбутирал пленкадан фойдаланилади.



Шиша пластинкалар сифатида M0, M1, M2 маркали листли узорли, армирланган, бўялган, тобланган, куёшдан ҳимояловчи, энергиясақловчи шишалардан фойдаланиш мумкин.


Қурилиш триплексини тайёрлашда органик шишадан ҳам фойдаланиш мумкин.

Шиша пластиналар шакли турлича бўлиши мумкин. Пластиналар шакли елимлашдан олдин тайёрланади.

Шиша листларни елимлаш триплексни ташкил этувчиларнинг мустаҳкамлигини оширмайди, балки қаватли структурани шаклланиши тайёр буюмнинг бузилишга бардошлилигини оширади. ( 60-89%га ошади). Бундан ташқари триплекс хавфсиз ва ҳимояловчи шиша туркумига киради, чунки у синдирилганда парчалари учиб кетмайди, аксинча полимер қаватга ёпишган ҳолда қолади.

Триплекс рангсиз ва қорайтирилган бўлиши мумкин. Бунинг учун ҳажмий қорайтирилган, қорайтирилган пленка ва полимерлардан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари триплекс ултрабинафша нурларига чидамли бўлиши керак. Шу билан бирга ёпиштирувчи пленка 2 соат қайнатилганда ажралиб кетмаслиги керак.

Триплекс хира ва рангли тайёрланиши ҳам мумкин. Буюмга иккита турли усулда ранг бериш мумкин. Биринчи усулда триплекс тайёр бўялган шиша пластиналардан тайёрланади. Иккинчи усулда тайёр триплекс юзасига керакли рангдаги пленка ёпиштирилади.



**Қурилиш триплекси** – кенг имкониятларга эга бўлган ажойиб конструкцион материалдир. Бу материални ишлатилиши кундан кунга ошиб бормоқда.

Биноларни горизантал қисмларини, томларни, зиналарни полларни тайёрлашда триплекс кенг қўлланилмоқда.

### **Триплекс тайёрлаш технологияси.**

Триплекс тайёрлашнинг бир неча усули мавжуд: қуйма технология, пленкали технология ва автоклавсиз плёнкали технология.

#### **Триплексни қуйма усулда тайёрлаш технологияси босқичлари:**

- шишаларни тайёрлаш ва ювиш;
- икки томонлама тасмаларни қоплаш;
- иккинчи шишани бириктириш;
- тайёрланган конструкцияни пресслаш;
- шишалар оралиғини тўлдириш;
- смолани қотириш.



Триплексни қуйма усулда тайёрлаш технологияси - бу усулнинг афзаллиги турли қалинликдаги ва рангдаги шишаларни бирлаштириш мумкин.

Шишаларни ювиш. Шишалар ювилгандан кейин уларни қурук, ёғлардан холи бўлишига эътибор бериш керак. Шишалар орасида маълум бўшлиқни ҳосил қилиш мақсадида четларига икки томонлама ёпишадиган шаффоф тасмалар ёпиштирилади ва смола қуйиш учун тешикча қолдирилади ва конструкция прессланади. Сўнгра тайёрланган смола билан оралик тўлдирилади. Тўлдириш вақтида смолада пуфакларни пайдо бўлишига имкон қадар йўл қўйилмайди. Смолани қотиш жараёнида уни юза бўйлаб бир хил тақсимланишига эътибор берилади.

#### **Триплекс тайёрлашни пленкали технологияси.**

Бу технологиянинг афзаллиги, бу усулда тайёрланган кўп қаватли шишалар юқори оптик хусусиятга эга бўлади. Бу усулда шиша листлар орасига поливинилбутирал пленка (ПВБ) қўйилиб, кейин колландерда дастлабки прессланади, сўнгра автоклавда якуний ёпиштириш амалга оширилади.

Колландер йиғилган триплекс пакетни дастлабки вакуумлаш учун ишлатилади. Бу ускуна махсус камерадан иборат бўлиб, унда йиғилган триплекс 110 – 115 Сгача қиздирилади, шиша ва пленка орасидаги ҳаво резина валиклар ёрдамида чиқарилади. Колландердан пакет шаффоф ҳолатда чиқади ва якуний пресслаш учун автоклавга жойлаштирилади. Автоклавда пресслаш +150 С ва 12,5 Бар босим остида олиб борилади.

## Автоклавсиз пленка технологияси

### Автоклавсиз пленка технологияси босқичлари:

- шишаларни тайёрлаш ва ювиш;
- шиша ва пленкадан комбинирланган пакет тайёрлаш;
- вакуум хосил қилиш;
- вакуумда конвекцион камерада қиздириш;
- 20-40 дақиқа давомида 130-140 °С да ушлаб туриш;
- вакуумда совутиш.



Бу технологиянинг афзаллиги махсус пленкаларни қўллаш орқали бошқа классик триплекслардан техник параметрларига кўра юқори хоссаларга эга бўлади. Камчилиги эса юқори таннархга эга бўлади.

### Амалий машғулот вазифалари:

#### 1-вазифа.

Адабиетлар ва Интернет-маълумотлардан фойдаланилган ҳолда тобланган листли шиша асосида триплекс ишлаб чиқаришнинг технологик тизимини тузинг.

#### 2-вазифа.

Адабиетлар ва Интернет-маълумотлардан фойдаланилган ҳолда тобланган листли шиша асосида автомобил учун иситиладиган триплекс ойнаси ишлаб чиқаришнинг технологик тизимини тузинг.

### Назорат саволлари:

1. Триплекс тайёрлаш учун ишлатиладиган шиша маркаларини келтиринг.
2. Триплекс тайёрлашда қандай боғловчилар ишлатилади?
3. Пленкали технология автоклавсиз технологиядан нимаси билан фарқ қилади?
4. Тўрт ва беш қаватли шишакомпозит тайёрлаш мумкинми?

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Krishan K. Chawla. Composite Materials. Science and Engineering. Third Edition. Springer Science, New York-London, 2012. -98-101, 249-306 p.
2. Morgan P. Carbon fibers and their composites. - Boca Raton: Taylor & Francis, 2005. Materials engineering; vol.27. - ISBN 0-8247-0983-7. 1153 p.
3. D.R. H. Jones, Michael F. Ashby. Engineering Materials 2: An Introduction to Microstructures and Processing. Fourth Edition. Elsevier, UK, 2012. -319-350 p.

4. William D.Callister, Jr., David G.Rethwisch. Materials Science And Engineering.An Introduction. Eight Edition. USA, Wiley, 2010.- 655-660 p.
5. ГОСТ 30826-2001. Межгосударственный стандарт. Стекло многослойное строительного назначения. Дата введения 2003-01-01.
6. [ГОСТ 111-2001](#) Стекло листовое. Технические условия
7. [ГОСТ 30698-2000](#) Стекло закаленное строительное. Технические условия.
8. [ГОСТ 30733-2000](#) Стекло с низкоэмиссионным твердым покрытием. Технические условия.
9. [ГОСТ 30779-2001](#) Стеклопакеты строительного назначения. Метод определения сопротивления атмосферным воздействиям и оценки долговечности.
10. Тялина Л.Н., Минаев А.М., Пручкин В.А. Новые композиционные материалы. Учебное пособие. Тамбов: ГОУ ВПО ТГТУ, , 2011.- 82 с.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### 1-КЕЙС

Тошкент шаҳрида жойлашган “Композит” қўшма корхонасида шиша толалар турига мансуб бўлган базальт толаси ишлаб чиқарилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган базальт толаси анча арзон ва турли кўринишда ишлаб чиқарилади: узлуксиз иплар - алоҳида толалардан иборат; ровинг - параллел иплардан ташкил топган; қисқа толалар – ипдан ёки 5-50 ммли қисқа ровничадан иборат, бундан ташқари шишатола тўқима мато ёки тўқилмаган матлар кўринишида ҳам ишлаб чиқарилади.

Шиша тола ёки базальт толаси билан армировка қилинган смолалар курилишда ва саноатда кенг қўлланилади. Улар **шишапластик ёки GRP** деб номланади: бошқа конструкцион материаллар қопламалари сифатида, ёки юк ташимайдиган девор панеллари, структураларнинг таркибий қисмлари, дераза рамалари, цистерналар, труба ва трубопроводлар сифатида кенг қўлланилади. 1960-чи йиллардан бошлаб лодкалар корпуслари шишапластикдан ишлаб чиқарилмоқда.

Кимё саноатида ҳам шишапластиклар кенг қўлланилади – резервуарлар, трубопровод ёки технологик танклар сифатида. Бундан ташқари **шишапластиклар (GRP)** темир йўллари, автомобил транспорти, аэрокосмик саноатида ҳам ўз ўрнини топган.

Аммо намлик шиша толасининг мустаҳкамлигини кескин пасайтиради. Бундан ташқари шиша тола вақт давомида чарчашга учрайди: узоқ вақт давомида доимий кучланиш таъсир этган ҳолатда шиша тола таркибида ёриқлар тез ўсиши намоён этиши мумкин. Шунинг учун вақт ўтиш билан шиша толанинг механик хоссалари кескин пасайиб боради, аммо қисқа вақт давомида мустаҳкамлиги яхши ҳисобланади.

#### **Кейси бажариш босқичлари ва топшириқлари:**

“Композит” қўшма корхонасида ишлаб чиқариш маҳсулотлари турларини кенгайтириш мақсадида базальт (шиша) толаси асосида янги маҳсулот турларини таклиф этинг. Базальт (шиша)композитларнинг қўлланилиш имкониятларини чеклантирувчи муаммоларни аниқланг ва уларни ечиш йўллари белгиланг. Базальт (шиша) толали композитларнинг қўлланилиш соҳаларини таклиф этинг. Кейс ечимини жадвал шаклида келтиринг:

Муаммо тури	Келиб чиқиш сабаблари	Ҳал этиш йўллари	Қўлланилиш имкониятлари

## 2-КЕЙС

SHUTTLE (AQSH) ракета-ташувчининг эшиги ва корпуси углерод толали/эпоксид смола композитидан тайёрланган. Замонавий самолетлар, жумладан Boeing 787 (Dreamliner) фюзеляжи ва қанотлари углерод толаси / эпоксид композитлардан тайёрланиб келмоқда.

Бундай углерод толали/органик матрицали композитлар тан нархи қимматлиги билан ажралиб туради (углерод толасини синтез қилиш юқори ҳарорат ва босимларни талаб этади).

Углерод толалари – юқори мустаҳкамлик ва механик хоссаларни термик стабиллиги билан ҳарактерланади; улар инерт шароитда синтетик органик толаларни юқори ҳароратда ишлов бериш усули ёрдамида олинади (вискоза, полиакрилнитрил); дастлабки хом ашё турига қараб турли углерод толалар олиш мумкин: иплар, сим, мато, лента, войлок.

Ҳозирги вақтда углерод толаларнинг нархи доимий равишда пасайиб бормоқда, шунинг учун қўлланилиш соҳалари ҳам кенгайиб бормоқда. Углерод толали композитлар технологик жиҳозлар - турбина, компрессор, шамол тегирмонлари қанотлари, маховиклар тайёрлашда; медицинада эса – жиҳозлар ва имплантатлар (тизза суставлари) тайёрлашда қўлланилмоқда.

Демак, углерод толалари билан мустаҳкамлаштирилган углерод тола/органик матрицали композит материал юқори физик-кимёвий хусусиятларга эга.

Аммо углерод толалари билан мустаҳкамлаштирилган композит кучли анизотропияга эгаллиги муносабати билан унинг хоссалари турли йўналишларда бир хил эмаслиги келиб чиқмоқда. Бу эса композитнинг медицина ва техникада қўлланилиш имкониятларини қисқартирмоқда. Истеъмолчи томонидан композитнинг анизотропиясини камайтириш кераклиги талаб этилди.

### **Кейси бажариш босқичлари ва топшириқлар:**

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгилаш (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Композитнинг анизотропиясини камайтириш учун бажариладиган ишлар кетма-кетлигини белгилаш (жуфтликлардаги иш). 8-9– иловалардаги маълумотлардан фойдаланишингиз мумкин.

### 3-КЕЙС

Шиша тараққиёти жамият тараққиёти билан узвий боғлиқ. Унинг кўп хусусиятлари бор. Айниқса – шаффофлиги ҳамда пишиқлигидир. Шишадан турли хил уй рўзгор, безак буюмлари, техника асбоблари, иссиқлик ва товуш изоляцион материаллар ясалади. Шишанинг кашф этилиши турли-туман шакллардаги бутилкалар, ҳар хил идишлар, вазалар, стакан, қадаҳлар қисқаси, турмуш учун зарур буюмларни кўплаб ишлаб чиқарилишига олиб келди.

Табиий шиша тарихи одамзод тарихидан катта. Вулқон отилиши, зилзила рўй бериши, момақалдиروق гумбирлаши каби табиат ҳодисалари табиий шишалар-обсидиан ва яшин шишаларининг ҳосил бўлишига сабабчи бўлган.

Марказий Осиё мамлакатларида ҳам шишасозлик қадимдан бошланган. Унинг тараққий етган даври ўрта асрларга тўғри келади. Машхур энстиклопедист олимлар Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Муҳаммад ибн Закриё ар-Розий асарларида келтирилган маълумотлар шишасозлик техникаси бу ерда қадимги Мисрдагига нисбатан юқорироқ савияда олиб борилганлигидан далолат беради.

Йигирманчи аср давомида Ўзбекистонда қатор шиша корхоналари қурилиб, ишга туширилди. Шулар жумласига Тошкент «Оникс» ва «АСЛ ОЙНА» ишлаб чиқариш бирлашмаси каби корхоналар киради. Бу корхоналарни ишга тушириш республика эҳтиёжлари учун керакли бўлган шиша маҳсулотларини (Расм) арзон ва кенг тарқалган маҳаллий хом ашёлар асосида ишлаб чиқариш имкониятини берди.





Шиша ишлаб чиқаришда материаллар иккита катта гуруҳга бўлинади: шиша ҳосил қилувчилар - улар қаторига олтингугурт, селен, маргимуш, фосфор, углерод каби элементлар;  $\text{SiO}_2$ ,  $\text{FeO}_2$ ,  $\text{B}_2\text{O}_3$ ,  $\text{P}_2\text{O}_5$ ,  $\text{As}_2\text{O}_3$ ,  $\text{BeF}_2$  каби оксид ва бирикмалар.

Якка ҳолда шишасимон ҳолатни ҳосил қилаолмайдиган элемент, оксид ва бошқа бирикмалар модификаторлар деб аталади. Уларга  $\text{TiO}_2$ ,  $\text{TeO}_2$ ,  $\text{CeO}_2$ ,  $\text{MoO}_3$ ,  $\text{CoO}_3$ ,  $\text{Bi}_2\text{O}_3$ ,  $\text{Al}_2\text{O}_3$ ,  $\text{Fe}_2\text{O}_3$ ,  $\text{CaO}$ ,  $\text{MgO}$ ,  $\text{Na}_2\text{O}$ ,  $\text{K}_2\text{O}$  кабилар киради. Бундай оксид ва бирикмалар шиша ҳосил қилувчилар иштирокида осонгина шишасимон ҳолатни вужудга келтиради. Улар иштирокида шихтанинг эриш температураси пасаяди. Лекин ҳосил бўлган аморф модданинг механикавий ва кимёвий хусусиятлари ҳам бироз камаяди.

Шихта таркибига кирувчи компонентлар сонининг ошиши шишасозликда ижобий рол ўйнайди. Масалан,  $\text{Na}_2\text{O}-\text{CaO}-\text{SiO}_2$ ,  $\text{CaO}-\text{Al}_2\text{O}_3-\text{B}_2\text{O}_3$ ,  $\text{Me}_m\text{O}_n-\text{P}_2\text{O}_5-\text{B}_2\text{O}_5$  каби системалар асосида шиша осон ҳосил бўлади.

Силикат таркибли саноат шишаларида  $\text{SiO}_2$ ,  $\text{CaO}$  ва  $\text{Na}_2\text{O}$  билан бир қаторда  $\text{MgO}$  ва  $\text{Al}_2\text{O}_3$  ҳам қатнашади. Магний оксиди шишаларининг кристалланишига бўлган лаёқатини бироз сусайтиради, алюминий оксиди эса уларнинг кимёвий турғунлигини таминлашга хизмат қилади. Шиша ҳосил қилувчи ва модификаторлар устида А.А. Аппен кўп тадқиқотлар олиб борган.

### **Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:**

Бу кейс стади усулида кўзланган мақсад – турли оксидларнинг композицион шиша материаллар яратишдаги ролини ўрганиш.

$\text{SiO}_2$  оксиди минерал сифатида қандай номланади ва фақат у асосида якка таркибли шиша материал олиш мумкин-ми?

$\text{SiO}_2$  оксиди асосида якка таркибли шиша материал ишлаб чиқаришдаги муаммоларни аниқланг ва ечимини таклиф этинг. Кейс ечимини жадвал шаклида келтиринг:

Муаммо тури	Келиб чиқиш сабаблари	Ҳал этиш йўллари

## 4-КЕЙС

Техника шишасининг тури жуда кўп. Унинг асосий маҳсулотлари қаторига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Кварц шишаси - шаффоф ва бўғиқ бўлади. Кварц шишасини ишлаб чиқаришда формуласи  $\text{SiO}_2$  тўғри келадиган юқори даражадаги тоза тоғ биллури ёки Кварц кумларидан фойдаланади. Албатта, улар оғир темирли минераллар, дала шпати, слюда ва тупрокдан тозаланиши зарур. Натижада бойиган тоғ жинсининг кимёвий таркиби  $\text{SiO}_2$  фойдасига ўзгаради ва майдаланган заррачаларнинг гранулометрик таркиби тузатилади. Ишлаб чиқаришда қўлланилаётган хом-ашё таркиби қуйидагича бўлади:  $\text{SiO}_2$  99.6-99.7;  $\text{P}_2\text{O}_3$  - 0.15-0.30, шу жумладан  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  0.002-0.003;  $\text{CaO}$  0.05-0.08;  $\text{MgO}$  0.03-0.05;  $\text{P}_2\text{O}$  0.01-0.02 ва қиздирилгандаги йўқотиш 0.05-0.08%. Кварц шишаси ўта юқори термик ва электр бардошлиги билан ажралиб туради.

2. Оптика шишаси – оптика асбобларида қўлланиладиган крон, флинт ва бошқалар. Енгил кронлар -  $\text{SiO}_2$  – 50-80 %,  $\text{B}_2\text{O}_3$  – 10%,  $\text{K}_2\text{O}$  – 20% (базалари 12 % Ф). Кронлар – бор-силикатли шишалар, оғир кронлар эса бор-кремний ва барий оксидлари асосида синтез қилинади.

3. Электр вакуум ва электроника шишаси –радиоэлектроника соҳасида замонавий асбоб-ускунакарда кенг қўлланилади. Асосан алюминий-бор-силикат системалар асосида ишлаб чиқарилади. Юқори технологик ва эксплуатацион хоссаларига эга – кимёвий бардошлиги, механик мустаҳкамлиги, термик бардошлиги, юқори диэлектрик хоссалари ва вакуумга чидамлиги. Электрон техникасида  $\text{B}_2\text{O}_3$ - $\text{PbO}$ - $\text{ZnO}$ ,  $\text{B}_2\text{O}_3$ -  $\text{Al}_2\text{O}_3$ - $\text{ZnO}$ ,  $\text{As-Fe-Se}$  системасидаги шишалар (ситаллоцементлар) ҳам кенг қўлланилади.

4. Кимёвий - лаборатория шишаси - юпқа ва ёғон шишалар, лаборатория ва ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади: кимё, озик-овқат, медисина, фармасевтикада, лаборатория ва саноат асбобларида ва ҳ. Бу турдаги шишалар турли реагентлар таъсирига кимёвий бардошлиги, юқори термик бардошлиги билан ажралиб туради.

### Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кварц шишасини тара маҳсулотлар (бутилка ва шиша банкалар) ишлаб чиқаришда қўлланилиши мумкин-ми? Сабабларини келтиринг.
- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабаблар ва ҳал этиш йўллари жадвал асосида изоҳланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).

Муаммо тури	Келиб чиқиш сабаблари	Ҳал этиш йўллари

## 5-КЕЙС

### Кейс 5

Турли ёғочлардан олинган елимланган материаллар турлича физик-механик хоссаларни намоён қилади. Ўзбекистон шароитида қайси елимланган ёғоч материаллини ишлаб чиқариш ҳар тарафлама фойдали?

#### Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:



## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

### Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни

Тингловчининг мустақил таълим иши муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар ва интернет маълумотлар ёрдамида модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- танланган мустақил таълим мавзуси бўйича материал тўплаш ва тақдимот тайёрлаш (рус, ўзбек ёки инглиз тилида);
- махсус автоматлаштирилган дастурлар (EXCEL, AUTOCAD) ёрдамида материал таркибини тузиш (8-иловада мисол келтирилган), унинг хоссаларини автоматик тарзда ҳисоблаш ва режалаштириш, ишлаб чиқаришдаги ускуналарни тузилишини ўрганиш.

### Мустақил таълим мавзулари

1. Сунъий ва табиий композицион материаллар.
2. Композицион материаллар структура тузилиши, структура ўрганишда замонавий физик кимёвий таҳлил усуллари.
3. Нометаллар асосида композицион материаллар.
4. Кукун металлургия усули ёрдамида композицион материаллар ишлаб чиқариш.
5. Пўлатлар ишлаб чиқаришда феррит-цемент композициялар.
6. Металл кукунлар, уларнинг хоссалари ва қўлланилиш имкониятлари.
7. Толали композицион материаллар.
8. Шишапластиклар ишлаб чиқариш жараёни.
9. Шиша арматураси ишлаб чиқариш жараёни.
10. Триплекс тузилиши, хоссалари ва ишлаб чиқариш технологик жараёни.
11. Мустаҳкамлаштириш компонентлар: толалар турлари ва хоссалари.

12. Углерод толалари асосида замонавий композицион материаллар.
13. Биоккомпозитлар, уларнинг қўлланиш имкониятлари.
14. Композицион материаллар ишлаб чиқаришда матрица материаллари.
15. Композицион материаллар ишлаб чиқаришда полимерларнинг ўрни.
16. Полимер матрицали композицион материаллар ишлаб чиқариш технологик жараёни.
17. Керамик матрицали композицион материаллар ишлаб чиқариш технологик жараёни.
18. Металл матрицали композицион материаллар ишлаб чиқариш технологик жараёни.
19. Ёғоч-елим композицияларининг турлари
20. Елимланган ёғочда ёғочга қўйиладиган талаблар
21. Елимланган ёғочда елимга қўйиладиган талаблар
22. Елимланган ёғочни тайёрлаш жараёнига қўйиладиган талаблар
23. Елимланган ёғочдан фойдаланишда қўйиладиган талаблар
24. Елимланган ёғочдаги механик кучлар
25. Елимланган ёғочдаги кимёвий боғлар
26. Елимланган ёғочдаги адгезия кучлари
27. Елимланган ёғочдаги когезия кучлари
28. Ёғочнинг анизотропияси ва унинг елимланган материаллар олишда инобатга олиниши

## VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
<b><i>Композицион материал</i></b>	Ишлаб чиқарилган, икки ёки кўпроқ физикавий ва/ёки кимёвий ҳар хил бўлган, матрица (интерфейс) ичида тартибли жойлашган фазалардан ташкил топган материал.	It is manufactured, it consists of two or more physically and/or chemically distinct, suitably arranged or distributed phases with an interface separating them.
<b><i>Матрица, интерфейс</i></b>	Композицион материалнинг бир бутунлигини таъминловчи боғловчи компонент	The binding material ensuring the integrity of the structure
<b><i>Матрица материаллари</i></b>	Металл, керамика, полимер	Metal, ceramics, polymer
